

# ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!



МУАССИСЛАР:

ЁШЛАР ИТТИФОКИ  
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

Бош муҳаррир:

Собир ҲНАР

Таҳрир хайъати:

Одил ЁҚУБОВ  
ШУКРУЛЛО  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Гаффор ҲОТАМ  
Алишер ТЕШАБОЕВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Абусаид КҮЧИМОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Дилшод НУРУЛЛОҲ —  
масъул котиб  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Шодикул ҲАМРОЕВ  
Аслиддин КАЛОНОВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ  
Тўра МИРЗО  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Йўлдош ЭШБЕК  
Беғижон РАҲМОНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ  
Эргаш РИЗАЕВ  
Ҳамрокул АСҚАР  
Абдушукур АШИРБОЕВ  
Шаҳодат ИСАҲОНОВА  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Усмон ҚУЧҚОР  
Тоҳир КАҲҲОР  
Ҳабибулло Саид ҒАНИ



«Шодиёна». Абдул Ғани ЖУМА олган суратлар.

Муқованинг 1—4-бетида:

«Мустақиллик сурури». Мусаввир Аслиддин Калонов.

ЁШЛАРНИНГ АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛИ  
© «ЁШЛИК» № 4, ИЮЛ — АВГУСТ 1994 ЙИЛ  
1982 ЙИЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



## Мустақиллик ҳақида сўз

Мустақиллик яна бир ёшга ўсди. Яна бир ёш улгайди бу нури ҳидоят. Уч йил бўлдики, унинг таърифу таҳсини тиллардан тушмайди, барчанинг қувончдан ёришган чеҳрасида шу буюк эврилишнинг нурли шарпаси кезинади. Рост, мустақиллик аслида мўъжиза эди. Ва у бетақдор баҳор янглиғ бу қадим ва муқаддас юртни аста-секин гўзалликка буркамоқда. Бугун юртда рўй бераётган улкан воқеалар силсиласини кузатиб туриб, киши беихтиёр кўзларига ишонмай қолади, юрак ҳаяжондан гумириб кетади. Ва шунда ногоҳ дилдан шундай ўқинчли савол кўчади: нари борса ўн йил муқаддам — ҳали истибдоду зулмининг томирларига заҳа етмаган, юрт осмонини қоп-қора булутлар босиб ётган пайтлар шундай дорилмомон кунлар келиши ҳақида ўйлаганмидик? Узоқ кечмишида не-не қиргинбарот кунларни бошидан кечирган бу элнинг тақдир у пешонасига ҳурлик ва озодлик деган қисмат аъмоли битилганига, у ҳам жаҳондаги ўзга халқлар билан тенг ва елкадош яшашга тўла ҳақли эканига ишонармидик? Ким эдик ўзи? Ишонч ва умид туйғулари кўнглимизни тарк этиб кетмаганмиди?

Бундай армонли ўйлар киши хаёлини беихтиёр олис-олисларга олиб кетади, кечагина бошимиздан кечирган қора кунларни ёдга солади. Ҳаётда оддий, аммо рад этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат мавжуд: зулм ва истибдоднинг таъсир кучини сезган инсон ҳеч шакшубҳасиз, эркинлик ва озодлик тўғрисида ўйлайди, бутун вужуди билан унга томон интилади, ҳатто айтиши мумкинки, кези келса жонини фидо қилишдан ҳам қайтмайди. Биз узоқ йиллар шундай таъқибу таҳдидни ўз гарданимизда ҳис этиб яшадик, алам тўла овозимиз бўғзимиздан нарига ўтмай келди. Бунга ҳис этмаслик ёки бу бўҳрондан ўзини четга олиш асло мумкин эмасди. Чунки кундалик турмуш тарзимизнинг ҳар қадамида ҳукмрон мафкура ўта усталик билан тартиб берган темир қонун-қоидаларга дуч келардик. Бунга мисол излаб узоққа бориш шарт эмас. Одийгина, ҳарбий хизмат тақозосига кўра бегона юртда ўзга миллат кишисидан бутун халқнинг шаънини ерга урадиган ҳақорат эшитганда ёки киндик қонимиз тўкилган мана шу юртдаги маҳкамаларда она тилимизда бирон-бир ариза ёки шунга ўхшаш расмий ҳужжат ёзиш қатъий таъқиқланганини сезганда ҳар биримизнинг кўнглимизда исёнга ўхшаш аламнок туйғу беихтиёр гинарлаб кўйган.

Ёхуд ўша кезларда эзилган миллатнинг шўриш тортган овози, дарду ҳасрати унинг оловқалб шоирлари битикларида баралла янграган эди:

*Менинг ҳам қонимда қилич занги бор...*

Ҳа, шундай, озодлик ва эркинлик туйғусидан мосуво, қалби сўқир миллатни тарих ўз саҳнидан шафқатсиз итқитиб ташлайди, унинг болаларини абадул-абад қуллик ва манқуртликка маҳкум этади. Шукрки, бизнинг халқ бундай бахтиқароликдан тўла мустақило эди. Унинг ҳақ ва адолат тантанасига ташна фарзандлари етмиш йилдан зиёд чўзилган истибдоднинг аччиқ кунларида мудом ёруғ дамлар келишини интиқ кутиб яшадилар, уларнинг қалбини бир лаҳза бўлса-да, Ватан тупроғини озод қўриш туйғуси тарк этгани йўқ.

Ва ниҳоят, шундай орзиқиб кутилган кун келди: у бугун ўз гуруру ифтихори билан барчанинг кўнглини тўлқинлантираётган мустақиллик кунини эди.

Баъзан бозор-ўчар, кўча-кўйда юрган кезлар қулоққа шундай гап-сўзлар чалиниб қолади: мустақиллик нима берди бизга? Эски тузум яхши эди. Тинчгина яшаётгандик. Қаердан келди бу олатасир замон?!

Бундай ҳасратнома сўзларни эшитиб туриб, гўё кимдир кўнглимизда кечаётган нозик ва маъсум ўйларни қўполлик билан топтаб ўтгандай туйғуси чўчиб тушасан киши. Аммо бироз муддат ўтгач, ногоҳ англаб қоласан: бундай сўзларни огиз тўлдириб айтаётган кимса юрт тақдирини ўйлаб қайғураётгани йўқ, балки бор-йўғи қорин гами уни жазавога солаётган бўлади. Ким билади, эҳтимол, у бир пайтлар мойли амалда ўтириб олиб, биргина нафс балосини қондириш учун шўрлик бошини суқмаган кўча қолмаган, сўнг кутиймаганда, замон ўзгаргану амалдан тушиб қолган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, у аламзада. Аламзададан эса ҳар қандай таънао маломатни кутishi мумкин. Фақат унинг бир сўзида жон бор. Бу сўзини таҳлил мушоҳада этсак арзийди. Ҳўш, мустақиллик бизга нима берди? Унинг пой қадами юртимизда қандай кечмоқда? Умуман айтганда, биз мустақилликни қандай тушунамиз?

Шундай саволларни бугун ҳар биримиз ўзимизга бермоғимиз лозим. Қачонки бу саволларга тўлақонли жавоб топсак, мустақилликнинг маъно ва моҳияти янада теранроқ равшан бўлади. Маълумки, шу пайтга қадар мустақиллик ҳеч бир халққа барча нарсани тап-тайёр ҳолда ўзи билан

олиб келгани йўқ. Мустақилликнинг асл моҳиятини жўнгина таърифлайдиган бўлсак, у ўзида улкан куч-қудратни жамлаган имкониятдир. Бундай имконият халқнинг қаддини тиклайди, уни кўкларга кўтариб улуглайди, азалий орзу-умидлари тўла ушалишига кенг йўл очиб беради. Мустақилликнинг мўъжизавий қудрати ҳам ана шундандир.

Уч йил бўлдики, биз ҳам шундай имконият сурури билан яшаймиз. Ҳўш, биз бу тарихий имкониятдан қандай фойдаланяпмиз? Бу саволга баландпарвоз сўзлар билан жавоб беришдан қочиб, оддийгина уч йил бадалида юртимизда амалга оширилган ишларни айтиб ўтсак, ўйлаймизки, ҳамма нарса ўз-ўзидан равшан бўлади. Мана, уч йил давомида нималар рўй берди:

— Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди;

— Илк марта демократик тарзда Президент сайлови ўтказилди;

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди;

— Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди;

— Миллий конституция, байроқ, герб ва гимн яратилди;

— Жаҳоннинг икки юзга яқин мамлакати Ўзбекистон мустақиллигини тан олди;

— Миллий пул бирлиги жорий этилди;

— Миллий мудофаа вазирлиги ташкил топди;

— Янги алифбога ўтиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундай мисоллар рўйхатини ҳали узоқ давом эттириш мумкин. Бирок, гап бунда эмас, холисона айтадиган бўлсак, юқорида қайд этилганларнинг ўзи ҳам юртимизда мустақилликнинг асосий шартлари юксак ақлий тафаккур билан бажарилаётганини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида халқнинг эртанги кунига умид ва ишонч кўзи билан қарашга ундайди. Зеро, мустақиллик олиб борадиган манзил биттадир, у ҳам бўлса, ёруғ ва фаровон ҳаётдир.



Алишер ТЕШАБОЕВ,

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи  
Марказий Қўмитаси биринчи котиби

## "КЕЛДИ ЎЗГА ЗАМОНЛАР..."



Ёшлик... Мустақиллик...  
Бир-бирига қанчалар чамбарчас боғлиқ сўзлар. Бу сўзларда қанчалар нафислик бор. Бу сўзларда салобат бор. Неча-неча авлодлар бу сўзларни айтиш, эшитиш орзусида ўтиб кетди. Неча-неча шоиру санъаткорлар бу сўзлардан куйлар, қасидалар битиб нола қилиб бўзладилар. Шундай экан, демак, бу сўзларни — ЁШЛИГУ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ асраш бизнинг қўлимиздадир.

Мана, минг бор шукрлар бўлсинки, ҳар биримизнинг онгу шууримизга энг муқаддас туйғуларни олиб кирган истиқлолнинг учинчи йилини ҳам катта шоду хуррамлик билан қарши олаётимиз. Мамлакатимиз ҳаётида тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар ила битилажак оламшумул ўзгаришлар рўй бермоқда. Шулардан бири албатта, яқиндагина неча йиллар орзу қилган валютаимиз — сўмнинг муомалага киритилишидир. Энди биз ўз гербимиз, байроғимиз, мадҳиямиз каби мустақилликнинг яна бир белгиси ҳисобланган ўз валютаимизга эга бўлдик.

Мен ўзим ҳам ёш бўлганим учун шунга ҳеч иккиланмай фахр билан айта оламанки, биз ота-боболаримиз армони бўлган ҳурлик, озодликка эришган шодумон авлодмиз. Уни авайлаб асрамоқ, мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп тер тўкишга тўғри келади. Бу борада айниқса, йигит-қизларнинг ўрни салоҳиятли аҳамиятга эгадир. Бунинг учун биз ёшлар яқдиллик билан ҳаракат қилмоғимиз зарур. Бирга жипслашган ҳолда улкан вазифаларни бажаришимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз ўз нутқларининг бирида мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини алоҳида эслатиб ўтдилар. Хўш, биз ўтиш даври деб атаётган шу кунларда мана

шу ёшлар нима каромат кўрсатаётир? Нималаримиз билан мақтана оламиз? Мен матбуот орқали чиқишларимда амалга оширган хайрли ишларимиз хусусида кўп гапирдим, уларни бугун яна қайта таъкидлашга ийманиб турибман. Чунки кўнгил тўлмайди. Гарчанд бугунги хурсандчилик кунларда жиндек эриш туюлса-да, виждонингни қийнаб ётган баъзи муаммоларни айтиб ўтгинг келади.

Авалло бизда умумий ёшлар ташаббускорлиги, фидойилик етишмаётир. Мансаб, пул орқасидан югуриш касаллиги айниқса, шу кезларда яққол кўзга ташланиб қолди. "Бозор болалари" деган ибора пайдо бўлди. Олибсотарлик дарди ёшлар орасида ҳам кучайган. Бу иллатга ўз муносабатимизни биринчилардан бўлиб билдирган эдик. Биз янги давр, янги асрда бугунги ёшларнинг мавқеи кучайишини ҳисобга олишимиз керак. Тўғри, бой, пулдор инсонлар ҳам зарур. Лекин ҳар қандай пулдор киши халқнинг мулки, халқнинг пули ҳисобига бойишини ёдда тутсак, охир оқибат у шу халқнинг ҳомийсига айланишга мажбур. Бироқ ҳануз бирор пулдорнинг бирор истеъдодли зиёлига ҳомийлик қилганини эшитганимиз йўқ. Бу ҳам бизнинг умумий маданиятимиз қай даражада эканини кўрсатади. Шунга тўғри тушунишимиз керакки, қадимда ҳам юртимиз шаънини бозорчилар эмас, буюк алломалар кўкка кўтаришган.

Жойларда маҳаллий ҳокимиятларга ҳақиқий раҳбарлик қобилияти барқ уриб турган, ҳалол, давлатимизнинг одилона сиёсатига содиқ кадрларни ишга жалб этиш зарур, деб ҳисоблайман. Илгари кадрлар комсомолнинг чиғириғидан ўтарди, яъни аввал қуйида роса тобланарди, кейин керакли жойларга қўйиларди. Афсуски, энди ўша занжир узиляпти.

Сирасини айтганда ёшларнинг таълими ва

тарбиясини аввал-бошда, аниқроғи мактабда пухта бўлишни назарда тутишимиз керак. Мактабларда эса аҳвол мақтагулик эмас: ноқобил ўқитувчилар кўп, ўқувчилар ўқимайди, ўқитувчилар савдогарлик билан банд, бошқа шарт-шароитлар ҳам ўзига яраша. Лицейларда эса бунинг акси. Ахир, маънавий ва маърифий етук ўқувчиларни фақат лицейлар етиштириб беролмайди-ку. Ҳар бир мактабда барча шарт-шароит етарли бўлиши лозим.

Ҳарбий хизматимизнинг аҳволи ҳақида ҳам жон койитишга тўғри келади. Бизда ҳар йили кўплаб йигитлар ҳарбий хизматга чақиртириляпти. Уларнинг барчаси ҳақиқий ватан ҳимоясига тайёр, қобил инсонлар деб айта олмаймиз. Айрим аскарлар ҳарбий интизомга бўйсунмаётгани ҳақида эшитяпмиз. Бир пайтлар, хабарингиз бор, йигит армиядан қочибди деган гапни ойда-йилда бир марта эшитмас эдик. Бунақа ҳолат катта шармандалик сифатида миямизга ўрнашиб қолган эди. Ҳозир, айнан масъулиятимиз кучайиши лозим бўлган, мустақил юрт посбонлари деган фахрга эга бир даврда бу нарса унчалик айб бўлмай қолди Назаримда, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Эҳтимол, аскарларни тўлиқ вақтини ҳарбий машғулотлар билан таъминлай олмаётгандирмиз. Бу борада ҳам бизнинг ўз қарашларимиз бор. Бизга пухта ҳарбий билимга эга мутахассислар керакми — керак! Яхши алоқачилар, десантчилар, артиллериячилар, техник ходимлар керакми, албатта керак. Мактаб ўқувчилари ҳарбий қуролларни танимай ўқишни тугатиб кетишяпти. Аскарларнинг айрим қисми қурилишларда хизмат қилишаётир. Шу боис кўпроқ маҳаллий йигитларни ҳарбий билим юртига тайёрлашга эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман. Улар ўқишни тугатиб, мактабларда, чекка қишлоқларда ўз билимларини ёшларга ўргатишади. Бу эса ижобий натижа бериши тайин.

Юртимиз аҳолиси сони тез суратлар билан ошиб бормоқда. Аниқ маълумотларга кўра Ўзбекистонда туғилиш йилига 300 мингдан кам эмас. Ҳозирги биз тенги ёшлар уларнинг оталари, нари борса акалари ҳисобланамиз. Бас, шундай экан, нима учун уларга ўртак бўлгучи, тажриба, ақл, илм ўргатувчи кишилар эканлигини унутишимиз керак? Бу масалага мен авлодларнинг авлодлар олдидаги муқаддас қарзи деб қарашни хоҳлардим. Ўйлайманки, ҳар биримиз ўз соҳамизнинг етук мутахассислари бўлганимиздагина бир мукамал авлод вужудга келади. Бу эса озод Ўзбекистонимизнинг келажига буюк бўлмоғига катта кафолат бўлур эди.

Президентимизнинг Тошкент шаҳар сессиясида сўзлаган нутқини эсланг. У киши қанчалик куйиб-ёниб гапирдилар. Хулоса шуки, биз мансаб учун, пул учун интилувчилардан бўлишдан қўрқшимиз керак. Бу касаллик неча асрлар илгари ҳам халқимизни ҳар балоларга гирифтор қилиб келган, бўлинишлар, қон тўкишларга мажбур этган. Ҳозир бизга осойишталик жуда ҳам зарур эканлигини яхши англаяпмиз, аммо бу осойишталик ҳар бири-

миздан доимо ҳушёр туришликни ҳам талаб этаётганини унутмаслигимиз даркор. Биз баъзан воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлиб, кўнгилсизлик юз бергач, мулоҳаза қилишни бошлаймиз, ҳар хил миш-мишларни чиқарамиз. Мисол учун бир кўчанинг ўғриси бор, унинг ўғри эканини кўчанинг бошдан-оёқ ҳамма одамлари билишади, лекин "ҳой, худо хайрингни бергур, бас қил бу ишингни, бўлмаса танобингни тортиб қўямиз" дегувчилар топилмайди. Агар у қўлга тушиб қолгудек бўлса, "баттар бўлсин, ўзидан тонди", деб қўямиз. Бу мисол эҳтимол, каттақон Ўзбекистон келажиги учун жуда кичиклик қилар. Лекин унутмайлик, ҳар бир кўчанинг, ҳар бир маҳалланинг ўз ўғрилари, ўз юлғичлари бор. Агар биз ўшаларнинг ҳар бири учун масъул бўлсак, ўйлаб кўринг-чи, қанча жиноятнинг олдини олган бўламиз. Ўшанда билинади катта мамлакат учун қанчалик фойда теккани. Эсингиздами, Габриэл Маркеснинг "Ошкора қотиллик қиссаси" асарида Сантьяго Носирнинг ўлдирилишини шаҳарда ҳамма танишлари, қариндошлари аввалдан билишади. Лекин ҳеч ким қотилликнинг олдини олиш учун аввал лоақал бирор сўз ҳам айтмайди. Қотиллик содир этилгач барча танишлар бу воқеа айнан ўша куни эрталаб соат 5 яримда бўлиши кераклигини билишларини гапира бошлашади. Ҳатто судда ҳам шундай кўрсатма беришади. Оқибатда ёзувчи бу шаҳарда ҳамма жиноятчи эди деган хулосани ўқувчига етказди. Одамни ҳушёр торттиради.

Бу гапларни эслатишимдан мақсад нима эканлигини тушуниб турган бўлсангиз керак. Бизга Худо зийраклик деган сезгини ҳам ато қилган экан, уни виждонимизга ҳеч қачон қарши қўймаслигимиз даркор.

Тўғри, бизда иқтисодий қийинчилик бор. Ҳар қадамда у ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Бу қийинчиликни енгиш ҳам кўп жиҳатдан ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқдир. Шу ўринда япон ёзувчиси Такэси Кайконинг бир ҳикояси ёдингга тушади. Урушдан сўнг бомбардимон бўлган Нагасаки шаҳрининг ташқарисидан эр-хотинга тошлоқ ер беришади. Ёш оила хору зор бўлиб уч йил тош териш билан овора бўлади. Шу даражада қийналишадики, тирик қолиш учун ҳар нарсага рози бўлишади. Тўртинчи йили эса ниҳоят ҳосил битади. Эрга ҳам, хотинга ҳам шунча машаққатдан кейинги илк ҳосил нақадар лаззатли туюлади. Биздаги қийинчиликлар ҳам ҳадемай ўтиб кетишига ишончим комил.

Хабарингиз бор, ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!" деган руҳпарвар сўзларини биз ўзимизга асосий шиор қилиб олдик. Бу шиор замирида улкан маъно ётибди. Ёшлар ҳар доим халқнинг ишончи, ишчан, серғайрат бўғини эканини эслатиб турибди бу шиор. Ишончим комилки, биз шу буюк йўлдан адашмаймиз, эзгу ишлар учун, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг маънавий ва моддий фаровонлиги йўлида ҳеч бир тўсиқдан чўчимай ҳаракат қилаверамиз.



Хуршид ДУСТМУҲАММАД

ХИКОЯ  
КУНДОШЛАР

— Зулфи-и! Ҳо, Зулфияхон! Чиқақолинг, севинчли хабар кеп қолди!

— Ҳозир, опа, ҳозир чиқаман.

Зулфиянинг товуши қўнғироқдек жаранглаб эшитилган бўлса-да, унинг ўзи ҳийла паришонхаёл эди. Кундошларининг ёнида сир бой бермайдн, шу боис қандай бўлмасин чеҳрасидан табассум аримайдн. Уларнинг раъйига қарамоғи лозим, улардан хушёр юрмоғи лозим, улар билан орани зинҳор-базинҳор бузмаслиғи шарт... аммо-лекин ҳарна қилганда ҳам аёл аёл-да: Зулфия иккала кундошидан ўзининг ёшлиғи, қолаверса... самбит навдасидай расо бўй-басти, суқсурдай чиройи билан бойга суюқлироқ эканлигини ҳам яхши ҳис қилади, вақти-бевақт шу борада тили узунлигини кўз-кўз қилиш илинжида киборли юришлар-у, беписанд боқишларнинг кифтини келтирар, унинг бундай қилигидан Адолатнинг ич-эти қирилиб тушаётганини сезиб қувончидан қарсак чалиб юборишдан базўр ўзини тияр эди. Урни келганда Адолат ҳам жазиллатиб иғнасини санчиб олар, Зулфиянинг туғмаслиғини киши билмас пичинглар билан бетига солар эди.

Икки кундош орасидаги пинҳона "жанг"лар бир сафар ошкор тўқнашувга айланади. Нима бўлдию, уйда икковларидан бўлак ҳеч зог йўқлигидан фойдаланишдимн, икки кундошининг дилидаги тилига кўчди. Зулфия бойнинг суюкли кенжа хотини эканини пеш қилди, Адолат унинг тирноққа зорлигини "фoш" қилди. Шунда Зулфия кундошининг бу борадаги севинчини ҳам чипакка чиқарди:

— Наврўз ўтсин, айни ўрик гуллаганда қўчқордай ўғил туғиб бермасам, отимни бошқа қўяман! Ҳа-а, аламингдан ёрилиб ўларсан, ўшанда!..

Адолат ханг-манг бўлиб қолди, ишониб-ишонмай кундошининг қорнига анграйдн, сўнг ўзининг гафлатда қолганини сезди шекилли, бир нарсани шошилинич олиб чиқмоқчидек зипиллаб юриб уйига кирди, ичкаридан алланамаларни дея вайсади-вайсади-да, охири, йиғламсираб алам аралаш қаргади:

— Тўқол, маҳалангга йўқол!

Зулфия дабдурустанд қарғишининг маъносига тушунмаган бўлса-да, бўш келмади. Дераза ёнига яқинлашди-да, овозини баралла қўйиб аламини олди:

— Жа, билгинг келаятган бўлса, тарозини опке, таги-тахтимизни бир тортиб кўрамиз! Тўқол кимлигини ўшанда биласан! Ҳу-у, зоти паст!..

Бу жанжал Мактабхон онанинг қулоғига қайдан етди — Зулфия ўйлаб-ўйлаб тополмади. Она Адолатга нелар деб танбех берган-бермагани унга қоронғи, лекин бир оқшом суҳбат орасида Зулфияга ётиги билан насиҳат қилди:



— Зулфияхон, болам, кибор — кибрдандир, кибр — ҳаромдандир... Илоҳим, бой отамизнинг давлати зиёда бўлсин. Мана шу "Насонал"нинг барча жиҳозини Пўлшадан келтирдилар. Ҳаммамизга етиб ортади... Хонадонимизга ҳаром аралашса барчамиз кўр бўламиз-а, Худо асрасин!..

...Зулфия одам бўйига икки бараваар келадиган тошой-надан ўзига қараб турган оппоқ, юзи хиёл чўзиқ, ранги тиниқ, қорни дўппайган жувонни бош-оёқ кузатиб туриб Мактабхон онанинг ўша танбехларини эслади-ю, Адол кундошига айтган гапларини худди ҳозир айтгандек хижолатдан қизариб кетди, ваҳоланки, ўша-ўша Адолат билан қайтиб бирон марта қир-пичоқ бўлмаганига ичдан севиниб юярди. У мовий кўзларида гилтиллай бошлаган ёшни шошилиб артди.

— Кичик ойи-и!

— Чиқяпман, Саломатхон, — деди Зулфия Адолатнинг иккинчи қизини овозидан таниб.

Зулфия огир-вазмин қадам босиб айвонга чиққан эди, Саломат югуриб келиб унинг қўлидан тутди.

— Отам-чи, ҳайитга янги кўйлак тиктиринглар деб газлама дафтарини киритибдилар. Вой, шунақаям кўпки-и!..

У хабар берди-ю, сабри етмай яна югуриб бош кўтармай дафтар варақлаб ўтирган Муборак опасининг тепасига борди.

Зулфия Мактабхон онанинг чап томонига бориб оҳиста чўкди.

— Муборакхон, қизим, дафтарни бер-чи, аввал биз кўрайлик, кейин сен синглинг билан танлайсан.

Муборак дафтарни Мактабхон онага узатди. Она дафтарни бир бошдан варақлай туриб, "Мана, мана-а" деб кўяр, уч-тўрт варақ ўтгач, "Ёқадими, танланглар" деб икки биқинига суқилиб ўтирган икки кундошига қараб кўярди.

— Овволбош сизга танлиймиз, опа, — деди Адолат тўнғич кундошининг хурматини сақлаб. — Ке, Мубор, силар ҳам танлашасилар.

— Ўнг қўл вазирларга хон атлас ярашади-да! — деди кулғисини яшириб Муборакхон.

Тўхтабой, "Мактабхон — ўнг қўл вазири" деганини хонадон аъзоларининг каттаю кичиги эшитган, айни дамда Муборакхон шунга шама қилётганини сезган кундошлар орасида энгил кулги кўтарилди.

— Урисча таҳсилга қатнаб тилинг чиқиб қолди-я, сан қизнинг! — деди Мактабхон она кўзойнаги остидан қизига ёлгондақа ўқрайиб.

Муборакхон катта онасининг жигига тегишни давом эттирди:

— Хон атлас бўлганда ҳам қўш этакли бўлса, хўп ярашади-да!

— Ке-ке, олдин санга танлиймиз, — деди Мактабхон она ён бериб. — Анув, дўнғир-дўнғирингни чалиш учун ҳам алоҳида кўйлак сўрарсан?

— Бўлмаса-чи! — Муборакхон шундай деб югуриб келди-да, катта онаси билан кичик онаси орасига суқулиб дафтарга энгашади. — Зулфия онам манга мосини танилаб берадилар!

Зулфия гапга чечан, энди-энди ўрис тилини ўрганаётган, ҳатто Варшавадан махсус келтирилган пианинода куй чалишни машқ қила бошлаган бу қувноқ қизни астойдил яхши кўрар, у ҳам бошқаларга ёрилмайдиган сирларини кичик онаси - Зулфия билан баҳам кўрар эди. Шундай бўлса-да, ҳозир у Мактабхон онанинг ҳурматини сақлаш лозимлигини унутмади.

— Опа, ўтган ҳайитда хонатлас танлаган эдий, бу сафар ўқлогн шойидан тиктиринг. Сизга чунонам ярашади-ки!.. Ниҳол-ниҳоллигидан бўлса яна яхши!.. Адолатхон онам хонатлас кийсинлар.

— Бе-е, менга ким қўйибди хонатласни, — эйтироз билдирди Адолатой, — одмироқ бўлса ҳам майли.

— Камсуқумлигинг қолмади-қолмади-да, Адол, кимсан Тўхтабойваччага қатор-қатор ўғил-қизини тугиб берган хотин бўлсанг, бой ота ҳайит баҳона дафтарини киритибдилар, чертиб-чертиб танилаб-танилаб киямиз-да! Учовимиз бир сидра хонатлас, бир сидрадан оч пушти бор-ку, мана, рангини қаранглар, чўгдай ял-ял ёниб юрасилар!..

— Ман ҳозирча қўйлак тиктирмай турақолай... — ийманлигина деди Зулфия.

— Вой, нега тиктирмас экансиз?! — суҳбатга аралашди Саломатхон.

Зулфиянинг муддаосини тушунган Адолатой қизининг енгилгина жеркиб берди:

— Катталарнинг ишига аралашмай ўтир. — Шундай деб қалин дафтарнинг ҳар варағига ёпиштирилган бири биридан рангдор ва чиройли газмол намуналарини ёнида-гиларга кўз-кўз қила бошлади: — Аввал ҳаммасини бир бошдан кўриб чиқайлик, яқинда хориждан янгиларини олиб келишди деб эшитувдим...

— Олмон шойиси деган эдилар, — унинг гапини тўлдирди Зулфия.

— Мана, манави эмасми? — қўйлаклик танлашга "улоқ"ни ўз ихтиёри билан ёшларга топширган Мактабхон она оч ҳаворанг газмол парчаси ёпиштирилган варақни кўзига яқинлаштириб қаради. — Қурмагурлар-эй, бунча нозик ишлашмаса? Шиншага ўхшайди-я!..

— Шуниси сизга ярашади, Зулфияхон, — деди Адолат.

— Мовий кўзла-ар, мовий либосла-ар!..

Кундошлар, уларга қўшилиб қизлар Муборакхоннинг киргойисини эшитиб кулиб юборишди. Зулфия ўзининг кўм-кўк ҳаворанг кўзи бегараз кулгига сабаб бўлганидан эркаланиб ширин жилмайди.

Худди шу қаҳ-қаҳ кулги устига эшик очилиб ичкарида Тўхтабой пайдо бўлди. Биринчи бўлиб Муборакхон билан Саломатхон "дик" этиб ўрнидан турди, Адолатой бой томон бир қадам пешвоз юриб тўхтади, Зулфия ўрнидан оғир кўзгалиб қад ростлаган Мактабхон онанинг панасига ўтиб ер чизганча тураверди. Бойнинг доимо вазмин, босиқ, айни чоқда жиддий қеъфасидан унинг авзонини бирдан англаб бўлмас, баъзан феъл айинброқ турибдими ёхуд хушудми — шуларни-да фарқлаш қийин кечар, одатда биринчи гапини эшитиб у кишининг кайфияти аниқлаб олилмагунча каттаю-кичик "чурқ" этиб товуш чиқармас эди. Бу сафар ҳам шу одат бузилмади.

Бой хонтахта устиди очиқ қолган дафтарга кўз қирини ташлаб қўйди-да, чўгдай қизил пар гиламга вазмин ва салобат-ла оёқ босиб ичкарига ўтиб кетатуриб сезилар-сезилмас кулимсираб, деди:

— Силар қўйлаклик танлагунча ҳайит ўтиб кетар ҳали...

## МИРКОМИЛБОЙНИНГ ДАЧАСИДА

Тўхтабой гумаштаси бошлаб келган извошга чиқиб ўтиргач, хаёлга толди. Хаёл олиб қочиб ҳатто қўш отнинг туёқлари тошга тарақлаб урилишини ҳам, жониворларнинг сулуқни чайнаб асабий кишнашини ҳам эшитмади. Извош Москов ташқарисига чиқайганидагина тек қотиб ўтирган қўйи сўз қотди:

— Борадиган жойимизни тушунтирдингми?

Гумашта йингит хўжайиннинг авзойига қараб даммини ичига ютиб ўтирган эканми, бойдан садо чиққан заҳоти жонланиб, тилга кирди:

— "Ново Варварьевск" десам ўнга извошчи, "К дачу Миркамилля? Я отвезу!" деб ҳозир-нозир бўлиб турибди, бой ота!

Унча-бунчага қувончини ҳам, ранжиганини ҳам намоён қилавермайдиган Тўхтабой ҳаяжондан қалқиб тушди. "Дача" эмиш, ҳукумати сургунга жўнатиб қўйибдию, булар "дача" деб ном қўйиб олибди. Миркомилбой Масковга келганига икки ой бўлдими-йўқми, извошчилар исми-шарифигача хабар топибди...

Тўхтабой Миркомилбойнинг "дача"сида уч кун қандай ўтиб кетганини ҳам пайқамади. Назарида Миркомилбой уни совуқ қаршилагандай туюлди. Андижонлик бойнинг ди-моғдорлиги аввалига унинг ҳамиятига тегди, бироқ кейин Тўхтабой шайтонга ҳай берди: "Юртидан бадарга қилиниб сургун муддатини шу зах ва могор ҳиди анқиб турган ўрмонда ўтказайтган одамдан гина қиламанми!.."

Миркомилбой ҳам Тўхтабойнинг бирров келиб изига қайтади, деб ўйлаган эканми, иккинчи кунга қолганини кўриб унинг елкасига қоқиб, бағрига босиб миннатдорчилигини яширмади:

— Раҳмат, Тўхтажон, ука! Мусофирчиликда ёнингга душманнинг бўлсам, ҳамюртинг бўлсин экан. Сиз эса ўзимиздан... Шундан пича қийналиш бор, холос...

— Худо хоҳласа бундан қийналмайсиз, тақсир, — деди Тўхтабой ҳам Миркомилбойнинг биллагидан тутиб.

— Жой, мана, бемалол, — деди Миркомил қатор кетган икки қаватли тахта уйларга ишора қилиб.

Тўхтабой ҳазилга йўйди:

— Нима, "сургун қилинганлар келаверсин", демоқчимисиз, тақсир?

Миркомил шундагина гапининг тескари маъносига эътибор қилди ва одатига хос қошини чимриб, лабларини қимтиб кулди.

Тўхтабой Миркомилнинг ниҳоятда зийрак ва хушёр одамлигини яхши билса-да, Ново Варварьевска келишининг учинчи кундаги суҳбат асносида ҳайратидан ёқа ушлаб қолди. Миркомилбой билан неча марта бир, дастурхондан овқат еган, неча дафъа у билан икки-уч кунлаб бир поезда ҳамроҳ бўлган, Миркомилнинг босиқ ва доимо тагдор гап-сўзи, қочириқлари, танбеҳу насихатлари икки-уч оғиздан ошмас эди. Мана, энди, мусофирчилик боисми ёки булак сабаблари борми — бой пича сўзамоллашибди...

— Бизнинг Туркистон бойларимиз узоқни кўра былишмади. Қайси савдогар, қайси топармон-тутармонга қараманг, юртимиздан пахта, пилла жўнатади, Россиядан ва ҳоказо ўзга юртлардан эса, газмол, уст-бош олиб боради. Камина ҳам кимсан Миркомилбой бўлгунча Андижону Фарғонанинг пахтасини сотмаган юртимиз қолмади. Ўзларини ҳам биламиз, Россиядан газмол, телпак, мўйна оббориб сотадилар.

Миркомил шундай деб таққа тўхтади-да, Тўхтабой томон ўтирилди. Сўзида давом этди:

— Эътибор берсинлар-а!.. Биз хом ашёни икки қўллаб кепак нархига сотамизу, булар ўлақолса хом ашё сотмайди — тайёр буюм сотади, буюм! Дейлик, мўйнининг хомини сўранг-чи, ўша ўзингиз олаётган газмолларнинг шойи ипагини сўраб кўринг-чи, икки дунёда ҳам бермайди! Чунки, булар анойи эмас!.. Ва, тўғри қилади!..

Бу гаплар Тўхтабой учун фавақулда янгилик бўлмаса-да, негадир эти жимирлаб кетди, бошини кўтариб қараганда ҳам учлари кўринмайдиган тик дарахт танасидан совуқ уфургандай бўлди, ҳам алам, ҳам газабдан лаби гезарди.

— Мен Лондон, сўнг Парижга сайру сайёҳатга борганим йўқ, — сўзларини аяям чертиб-чертиб гапида давом этди Миркомил. — Ўша юртлардан йигирувчилик, тўқимачилик ускуналарини ундиргани бордим. Гаплашдим. Аҳдлашдим ҳам.

Тўхтабой ҳамроҳининг фаолияти миқёси ҳийла катталлигига ичиди тан берди. Шу пайт Миркомилбой қандай қилиб мавзуни ўзгартириб юборганини ҳам сезмади.

— Шундай ишлар бошлаш ҳаракатида юрибмизу сиз қаёқдаги Захаров, Кнопларга кунингиз қолиб, синиб ўтирибсиз.

Башарти шу топда, "Ия, бой ака, шулардан ҳам хабарингиз борми?" деса, Тўхтабой жуда паст кетган бўлар эди, шу боси, "билсанг-билбсан-да" деган мазмунда атай чурқ этмади. Унинг устомонлигини пайқаган Миркомилбой ҳам "индамайсан-а — индамайсан" дегандек пичингни атай қарийб такрорлади:

— Нима қилиб, ўша ўрис минан немис жухудининг қармоғига илиниб ўтирибдилар, Тўхтажон?

Тўхтабойнинг назарида, Миркомил "Тўхтажон" деганда "жон"га қаттиқроқ ургу берди. Энди эсласа, бой унга сира "Тўхтабой" деб мурожаат қилмаган экан. Ваҳоланки, Тўхтабой қаерда бўлмасин Миркомилнинг ёшини, давлатини,

ўзига нисбатан энига ҳам, бўйига ҳам йириклигини тан олади, ҳурматини жойига қўяди. Бироқ, Миркомилнинг "Тўхтабой" дейишга тили бормади... Афсуски, бундай гина-қудратнинг ўрни эмас эди. Овозини пастлатиб саволга жавоб қилди:

- Векселдан куйдим...
- "Насонал"ни топширдилар?..
- "Насонал" кетди...
- Аши-да!.. Яна?
- "Насонал"га қўшни кўчадаги икки қаватли дўкон...
- Яна?..
- Яна...
- Тошканин ҳам ташлаб чиқибдилару!..

Тўхтабой ер телиниб юборди. Ҳақиқатан ҳам, Миркомилбойнинг тили аччиқ эди. Уйлаб кўрса, шундай — кимсан Тўхтабойдек дасти дароз бой меҳмонхонаси, ҳайҳотдай дўкони, расталари кетгани етмагандай бола-чақасиё, уч хотинини қўқон аравага юклаб, етти пушти яшаб ўтган она шахрини ташлаб жўнаб юбораверибди.

Тўхтабойнинг жим қолиши ҳийла чўзилганини Миркомилбой изза бўлганликка йўйдими, унинг кўнглини кўтаришга уринди:

— Сабрлисиз, Тўхтажон, ука... Сабр, сабрнинг таги олтин... Сабрнинг... Айтмоқчи, "Насонал"да туғилган ўглингизнинг отини Собиржон қўйган эдингиз. Каттакон йигит бўб қолганми?

Энди Тўхтабой чина-камига ҳанг-манг бўлиб қолди. Энди у ҳайратини яширмади. Дунёнинг ташвишини бошида кўтариб юрган, Андижон йигитларини мардикорликдан олиб қолиш илинжидаги сайъ-ҳаракатлари ва бошқа тўхматлар эвазига мана шу қора ўрмонга сургун қилинган Миркомилбойдек одамнинг Тўхтабойни, унинг синганию, оила аъзолари билан Тўқмоққа кўчганигача, "Насонал" меҳмонхонасидаги уйда уч йил муқаддам турилган ўглига Собиржон деб исм қўйганини эсда сақлаб юришдан бўлак ташвиши йўқми?!

Миркомил Тўхтабойни яна ўйга толдириб қўйганидан ичида сеvindими ёки унга ачиндими, юпатишга ўтди:

— Савдо-сотик шу, тақсир. Бугун чикка, эртага пукка. Бўёғи ёлғиз яратган эгамизга аён, ука... Сизди вексел минан синдирган жуҳудларнинг белини биз пул билан, тadbир билан букамиз. Иншооллоҳ, Собиржоннинг суннат тўйини ўзингиз ҳалол пулингизга қурдирган "Насонал"да ўтказамиз...

Бу меҳрибонлик қиёфасидан баджаҳл ва қаттиққўл кўрнанидан, аслида анчайин дийдаси бўш Тўхтабойнинг кўнглини тўлдириб юборди — у сўзсиз ва несиз Миркомилга термилди. Миркомилбой мазмундор ва салобатли бош ирглаб кўзларини юмди ва қуюқ ўрмон қўйнидаги кимсасиз ёлғизоёқ йўл устида турган қўйи, шишиди:

— Қараб турмаймиз, ука, қараб турмаймиз...

## НОМАЪЛМ КЎЧАНИНГ БОШИ

Қўқон аравада кетаётган Мактабхон она йўловчиларнинг гўнғир-гўнғирини эшитди-ю, соябон ичидан ташқарига мўралади-да, "Мирободнинг гузари" деди. Араванинги силкинишимақомига фарқ бўлиб хомуш хаёл суриб кетаётган Зулфия бошини кўтармади.

Кўчада ит ҳурди. Мактабхон онанинг тиззасига бошини қўйиб ётган тўрт ёшли Солиҳжон "Кучу, кучу!" деганча "дик" этиб сакраб турди. Мактабхон она ҳеч бир сўз айтишга мажоли қолмагандай Солиҳжоннинг қўлидан тутди. Зулфия бояғи-бояғи — бир нуқтага тикилганча кўзини узмади. "Йиғлапти", деб ўйлади Мактабхон она. Бояғи итнинг ҳуришига бошқа дайди итларнинг вовуллаши қўшилди. Солиҳжон яна соябон ичидан ташқарига чиқишга интилди. Онасининг, катта онасининг авзоидан оғир кўнглисизлик юз берганини ўзича тахмин қилиб турли хаёлга бораётган

Собиржон "Утир!.." деди товушини баландлатмай, укасининг қўлидан тортиб.

Йўловчиларнинг гўнғир-гўнғири ортда қолди. Араванинги тунука қопланган ёғоч гилдираги йўлнинг ўнқир-чўнқиридан тарақлаб-гичирлаб, туртилиб-урилиб, карвоннинг, "Ҳа, чувв-э!" деган асабий ҳайқириши тез-тез эшитила бошлади.

— Қаёққа кевоммиз, коттаойи?..

Мактабхон она ташқарига бир қур кўз ташлади-да, елка қисди:

— Танимадим. Бу кўчаларни кўрмаганман...

Арава силтанди, гупчаги қаттиқ гичирлади, бир оёғи зум кўтарилиб қайтиб тарақлаб тушди. Соябоннинг гардиши сингудай қисирлади. Зулфия йиғлаб юборди. Собиржон онасини юпатмоқчи бўлгандек унинг елкасини силади. Солиҳжон онаси не сабабдан йиғлаб юборганига ақли етмай жим бўлиб қолди.

— Собиржон, укангни маҳкам ушла, болам. Йўл чатоққа ўхшайди, ағанаб тушмасин тагин!

Тўрт ёшли Солиҳжон йўлнинг нотекислигидан эмас, балки ундан даҳшатлироқ бир хавф-хатарни туйгандек ўзини онасининг пинжига ташлади. Ниҳоят, Зулфия тилга кирди. У бошини кўтармай, сўради:

— Қаёққа боришимизни айтдиларми?..

— Қаёққа бораётганимиз ёлғиз яратганга аён...

Шом намозига азон айтилиб намозшом пардаси қуюқлашаётганиданми ёхуд Мактабхон онанинг ўйчан бир кайфиятда берган жавобининг мавҳумлигиданми — кенгинга соябон ичи туйқус қоронгулашди.

Зулфия аравадан тушганда ҳам атроф ним қоронғилигидан ҳайрон бўлди. Кўча тор, икки томондаги гувалак девор қўқон араванинги гилдиракларидан пастроқ эди. Уларга ҳеч ким пешво чикмаган эди. Фақат кимнингдир "буёққа" деган қарийб шипшиган товуши эшитилди-да, аравадан бўғчасини қўлтиқлаб бошқалардан аввал тушган Мактабхон она ортиқ илтифот кутмай тор ва ичкаф-дай узун йўлка бўйлаб юрди. Зулфия аравадан тушганда кимдир Солиҳжонни кўтариб олди — тор йўлакнинг қоронғилигидан ташқари унинг юракини сиқиб юборадиган биқиклигидан Зулфия нафаси қайтиб, чачвоннинг бир чеккасини кўтарди. Адоғида қўш қаватли, пастак эшик кўриниб турган йўлак назарида жуда узундай туюлди, Зулфия бошини кўтариб тепага қаради — қуюқ дарахт шохлари орасидан қорамтир осмон парчаси кўринди. "Ҳартугул, осмон кўринар экан" деди Зулфия енгил нафас олиб. Бироқ бу енгил тортиши узоққа чўзилмади — у эшик остонасидан ичкарига бир қадам қўйди-ю, бетига урилган зимистоннинг қуюқлигидан ҳушини йўқотаёзди. Кўз олди қоронғилашди. Тўхтади. Темирдай қаттиқ қўл кўксидан итаргандай бўлди. У ортиқ оёғини силжитолмай қолди.

— Буёққа, Зулфиой, буёққа!..

Зулфия Насвали бувининг овозини эшитди, таниди, лекин бувининг ўзи кўзига кўринмади. "Зиндон-ку!" деб юборди Зулфия ичида.

— Юринг, опа, — деган овози келди Собиржоннинг.

Зулфия шундагина тор, шифти паст, зим-зиё йўлакда милт-милт қилиб жон сақлаётган шуълани кўрди-да, оёғини базўр ердан узди. Шуъла кўринган томонга икки қадам қўйганда Насвали буви:

— И-и, Зулфиой, уёққа эмас, буёққа, буёққа, — деди шошиб унинг билегидан тутиб.

Инсон зоти абадул-абад йилг этган бўлса-да, ёруғлик сари интилишини бу чоқ Зулфия хаёлига келтирмади, албатта, бироқ у одамлар одамларни фақат ёруғлик томон даъват қиладилар, бошлайдилар, деб ишонар, шундай ўйлар эди. Аммо-лекин Тўқмоқдан не шодибна-ю, не ёруғ ниётлар билан йўлга чиқишган бўлса, не шоду ҳуррамликлар билан Тошкентга этиб келганлари ва...лаҳза сайин ўзларини қарши олаётган ёвуз ва даҳшатли қоронғилик ичига кириб кетишаётганини ич-ичидан туйиб юрагини буровга солаётган оғриқдан ўзини қўярга жой тополмаётган эди.





У шу хаёлларда Насвали бувининг етовида пайпасла-  
ниб-амаллаб нарвонга оёқ қўйди. Бир поғона кўтарилди.  
Яна. Нарвон қаттиқ гичирлади. Зулфиянинг юраги орқага  
тортиб кетди — нарвонга чиқишдан олдин кўзига кўринган  
шуълани излади. Тополмади. Паранжисининг этагини йиғиб  
оёғининг остига қарамоқчи бўлди.

— Опангни кўлидан торг, — деди тепада Мактабхон  
она.

— Опа, кўлизи беринг, — деди Собиржон.

Зулфия "ҳозир" деди-да, нарвондан яна икки-уч поғона  
кўтарилди. У онда-сонда тушида шундай аҳволга тушар —  
қувурдай тор ва қоронги ораликдан қисилиб-бўғилиб нафаси  
қайтиб ўтиб олгунча жони ҳалқумига келар — тушидаги  
азобдан кун бўйи ўзига келолмай юрарди.

Ҳозир ўнгида худди ўшандай аҳволда қолди. У ўглининг  
мададида нарвоннинг юқори поғонасидан икки-уч бўйра  
катталидаги тор саҳнга оёқ қўйди. Кетидан изма-из чиққан  
Насвали бувига ҳам, Мактабхон онанинг, яна бир нотаниш  
аёлнинг қимтишиб ичкарига таклиф қилаётганига ҳам  
этибор қилмай чачов ва паранжини кўлига олганча  
осмонга қаради. Энгкиб, тўйиб нафас олди. Турган жойида  
ўгирилиб аланглади. Юлдуз кўринмади.

— Намунча юлдуз қидириб қолдйиз, Зулфияхон?

Зулфия Мактабхон онанинг иродасига, ҳар қандай  
вазиятда эркашодалик билан ўзини йўқотмай, ҳатто  
ҳазил-мутойибага ўрин топишига ҳайрон қолар, унинг бу  
фазилатидан ўрناق олишга интилар эди. Бинобарин, шу  
топда ўзига ёқмас-да, лоақал онасидек маслаҳатгўйи бўлиб  
қолган тўнгида кундошининг ҳурмати учун мутойибага яраша  
жавоб беришга уринди:

— Юлдуз кўриб қолайлик, деяпман, опа. Топсам Сизга  
ҳам кўрсатмоқчи эдим...

Шундай дедию, ҳазили ҳазилдан кўра кўнгилдаги  
кўрқув-хатарнинг даракчиси бўлиб қолганини кейин сезди.

— Умидсизланманг, Зулфияхон, умидсизланманг. Бой  
отангиз омон бўлсалар кўчимиз кўчада қолмайди, иншооллоҳ.

— Худо хоҳласа шундай бўлади, — унга илова қилди  
Насвали буви.

Икки кундош, икки ўғил, Насвали буви, мезбон аёл  
ичкарига кириб фэйсиз хонада кигиз устига тўшалган қуруқ  
дастурхон теваарига омонатгина ўтириб юзга фотиҳа  
тортишди-ю, мезбон аёл оёқ учиди юриб ташқарига чиқди.  
Насвали буви гапга тушди:

— Боя мени шегга ташлаб кетишди. Супурдим-сидирдим.  
Ҳаммаёқ озода. Ҳай, Собиржон болам, уканга эҳтиёт бўл,  
ҳовличанинг чеккасига бормасин, хўпми?!.. Ери ўпирилган  
экан...

Зулфия чўчиб ёнида жимгина ўтирган Солиҳжонни  
бағрига босди. Оиланинг ҳақиқий аъзоси бўлиб кетган, ёшу  
кекса бирдай ҳурмат қиладиган Насвали бувининг сўзини  
бўлмай, ўзини, Мактабхон онани ташвишлантираётган хабар  
ҳақида бирон янги гап эшитиш умидида кампирнинг оғзини  
пойлади. Насвали буви давом этди:

— Ўзлари жой топишқа кетди. Сўгин, оташаравада  
келаётган юкларни кутиб олишга борар экан.

— "Насонал"ни, уйимизни нега олибдилар?! — сабри  
етмай сўради Зулфия.

— Захаруп оған, маскөөлик бой...

Мактабхон она унинг гагини бўлди:

— Захаруп эмас, ҳукумат оған.

— Ҳукумат?! Ҳукумат қандай олади? — тушунмай  
сўради Зулфия.

— Шўро деган ҳукумат кепти. Ҳамма катта иморатлар,  
ҳамма катта уй-жойлар энди ўша шўронинг қўлига ўтармиш.

— Вой, шўрмиш!.. Биз-чи?!..

Зулфиянинг аянчли товушига зид ўлароқ Мактабхон  
онанинг дадил, босиқ товуши эшитилди:

— Бир кеча минг кеча эмас, кимсан Тўхтабойнинг  
болаларимиз — худо хоҳласа кўчада қолмаймиз...

... "Кўчимиз кўчада қолмайди", "худо хоҳласа кўчада  
қолмаймиз"... Зулфия йўлда обдон толиққан эканига қарамай  
алламаҳалгача мижда қоқмади. Тўқмоқда икки ёз яшаб,  
ниҳоят, Тошкентга қайтиш дарагини эшитгандаги севиниш-  
лари, кўч-кўронни ортишадиганда, аввал араваларга,  
Тўқмоқдан Пишпекка етгач, аравалардан вагонга ортишга-  
нини — ўшандаги энтиқишлари бу қадар чиппакка чиқади  
деб ўйламаган эди. Кимнинг хаёлига келди дейсиз! Орада  
Тўхтабой неча бор Тошкентга қатнади, Масковга борди.  
"Насонал"ни, уй-жой, дўконларининг барини қайтиб кўлга  
киритганини айтиб даста-даста суяюнчилар улашди. Мана  
энди, шўро... Зулфиянинг ўйлови "қоқилди". У эшлашга

уринди: "Шўро"миди?... "Шўра"ми? Шў-ра... Йўқ, Хў-ра,  
йўг-а, Шў-ра... Шў-ро... Ҳа-ҳа, шўро-шўро! Отинг курсин-  
а!.. Хўра бўлсам, шўра бўлсам бировнинг жойига кўз  
олайтирадим, бас, бир гўр-да!.."

Зулфия у ён бошдан бу ён бошга кўп ағдарилди, алқол,  
кўзи илғини деганда, қорнидаги гумонаси қимирлаб яна  
уйқуси қочди. Гимирлаш аломати сезилган ўнг биқинини  
авайлаб силади. Тўқмоқда, зориққан чоғлари яхши ниятлар  
билан кўйлақчалар, қалпоқчалар тикканини эслади. "Буниси  
қиз бўлади, Зулфияой" деди Мактабхон она. Насвали буви  
ҳам шу гапни тасдиқлади. Дунёдан фарзанд кўрмай ўтаётган  
Мактабхон онанинг, ҳатто оила қурмаган Насвали бувининг  
бу қадар самимий ниятларини эшитиб Зулфия галати бўлиб  
кетди. "Майли, қиз бўлса, яна яхши". Шу "тахмин-янги-  
қизми Тўхтабойнинг қулогига шипшиганида, бой, "Ўғилми-  
қизми — хайрли бўлсин" деди-қўйди. Наҳотки, бой ўшанда  
манави аҳволни сезган бўлса?!.. Хотин, бола-чақаси шундай  
кунларга қолшини — она шаҳрига келиб кимсасиз, овлоқ  
кўчадаги пасткам ва фэйсиз болхонада тунаши мумкинли-  
гини сезса, бой Тўқмоқдан кўч-кўронини ортиб йўлга  
чиқармиди!..

Зулфия шундагина Тўқмоқда вақтинча қолган Адолатни  
эслади. "Яхшиямки, келмагани. Бир этак бола билан қаерга  
сигарди?" Фақат...

Кўч-кўронни сарамжонлаётиб Адолат тушмагур қизил  
кигизга ўралаётган тугунлар орасига Зулфияга қарашли  
бўхчани ҳам иргитиб юборди. Ёмон ниятда қилгани йўқ.  
Бироқ, Адолат бўхчани иргитиб юборганига кўзи тушиди-ю,  
Зулфиянинг юраги шувиллаб ачишди. Ўзи билан аравада  
олиб кетиш ниятида бўхчани қайтиб олишга жазм қилди-ю,  
негадир қайтди. Кундоши ёмон хаёлга бормасин деган ўйда  
қайтди. Аслида олса бўларкан... унда қорнидаги, мана, ҳозир  
кетма-кет "тўполон" қилиб оромини бузаётган, тугилажак  
қизалогига аталган кўйлақчалар, қалпоқчалар бор эди...

Зулфия хаёлини олиб қочаётган шайтонга ҳай берди.  
Ўзини чалғитди. Ҳомиласини тинчлаштириш ниятида қор-  
нини силади-сийпади, силади-сийпади... Бир текисда нафас  
олиб ширин ухлаётган Мактабхон онага ёнма-ён ётган  
ўғилларига ҳаваси келиб, худодан хайрли тонгларда хайрли  
янгиликлар билан уйғонишини сўраб-ёлвориб оғир уйқуга  
кетди.

Зулфиянинг дуоларини худо инобатга олди — у тиниқиб  
ухлади, бир пайт уйғонди-ю, қаерда ётганини дабдурустдан  
эслай олмади, кўзини пириллатди, сўнг деразадан  
кўринаётган кўшни томини қоқлаган оппоқ қорни кўрди,  
тондан оқликни кўрганидан севиниб кетди. Рухини қамраган  
бир шодлик қанотида парвоз қилгудай қанотларини ёзиб  
ўриндан турмоқчи эди, ташқаридан гўнғир-гўнғир овоз келди.  
У ўриндан иргиб туриб дераза ёнига борди. Мактабхон она  
зинада, Насвали буви қалин ёққан қорга тиззасига қадар  
ботиб ҳовличада қаққайган кўйи зинна тепасида совуқдан  
дийдираб гапирётган хонадон соҳибасининг оғзинга бақрайиб  
қолишган эди. Уй бекаси худди оғир айб қилган одамдай  
гуноҳқорона бир мунг билан бошини хам қилганча гапирди.

— Сахар келиб айтишди... Пишпекдан кевотган қизил  
вагондаги кўчини ҳукумат кимшодига сотиб юборганмиш. Бой  
ота ўшани суриштиргани кетибдилар...

## Ё, БОҚИЙ!..

Эски паранжи ёпинган кўлага муюлишдан ўтиб кунбо-  
тардаги Аллон масжиди томон боратуриб йўлнинг лойлигидан  
қадамини секинлағди, бундай пайтда одатда одам йўловчилар  
босиб из қолдирган қуруқроқ жойларни мўлжалга олиб қадам  
ташлайди, бироқ кўлага оғзини (секинлаштирганига қара-  
май аксинча, на лой, на кўлмак демай кечиб кетаверди.  
Ташқаридан кузатган кимса паранжиди кўлагани кўзи ожиз  
деб ўйлаб уни етаклаш учун кўлмакка ошиқиши тайин эди.  
Кўча кимсасиз, ҳадемай масжиддан қайтадиган намозхонлар  
уй-уйига кириб кетса бу билч-билч лойгарчиликда то  
бамдодга қадар лой-сув кечиб кўчада юриш ҳеч кимга зарил  
келгани йўқ!

Кўлага ўнг ёқдаги икки тавақали, кенг дарвоза  
рўпарасига келганда қарийб тўхталиди, яқинлашмай туриб  
дарвозага разм солди — орқасига бирров ўгирилиб кўз  
югуртирди-да, ўзини қия очик эшикка урди.

Йўлак кенг, оёқ остига мусулмон гишти ётқизилган —  
озода эди. Кўлага тезгина ҳовлига ўтиб, чапга — деразасидан  
гира-шира шуъла кўринаётган равон томонга юрди, яқин  
қолганда атай томоқ қириб, ясама йўталди.



Сандал чеккасида аллақачон уйқуга кетган ўғилчасини ёнбошлаганича ҳамон аллалаб хаёлга толган Зулфия йўтални эшитиб сергак тортиди.

— Адам! — деди сандалнинг бошқа томонида кўрпани белига довур тортиб ётган Солиҳжон ёшига хос бўлмаган эҳтиёткорлик билан шишиб.

— Овозингни чиқарма! — Зулфия шошилиб сандални устидаги пиликни пуфлаб учирди-да, ўглининг эҳтиёткорлиги мақомида шивирлади. Ва қад ростлаб кавшандозга чиқди. Солиҳжон отасини паранжини бошидан олиб ташлашини кутмай қучоқлаб олди. Ота-бола соғинчларига зид ўлароқ сас-садо чиқармай қучоқлашиб, ўпишар. Зулфия эса дам сайин хавотири ортиб кўзлари девор оша кўчани кузатар эди.

— Тинчмисилар?.. Собиржон қани?.. Осимжон ухлаяптими?..

Зулфия эрининг саволига жавоб қайтариб улгурмади.

— Собирингиз Хайриниса билан Мактабхон онадан хабар олгани кетувди... қора қозонни қайнатиб ўтирибмиз... Ўзингиз тузукмисиз?.. Опам, болалар яхшими?.. Хўрда бориди...

— Қорним тўқ, — деди Тўхтабой хотинининг таклифига ортиқча илтифот қилмай. — Солиҳ сариқ! Бозорга опчиқадиган ул-булланинг қолдими?

Зулфия қоронғида эрининг юз бичимини кузатди, Тўхтабой ўғлига мутойиба сўз айтган бўлса-да, ўзи жонсарак, думалоқ ва дўнг пешонасидан ва учли бурнидан ҳовур кўтарилаётгандек туюлди назарида.

— Олма сотвоммиз... Баргакдан оз қолди.

— Дуруст. Оканг минан санга ишондим, ўғлим. Онангни, сингилларингни эҳтиёт қилинглар. Тузукми?.. Ман... ма, Зулфия, расамади минан сарфлаб турарсан, тузукми? Ман...

— Қачон келди? Тошкандан беш-олти кун бўларсиз?

— Сенлардан хабар олишим хавфли бўлиб қолди. Узоқ кемай қолсам Собиржон ё сен — Солиҳжон, Абдулҳай амакинга ё бўлмаса Сағбондаги Дўст тоға бор-ку, махсидўз, ўшанга учраш. Дурустми!.. Орттирганимми ўшаларга қолдириб кетаман.

— Ўзингизга қаранг. У ёқда... кўпчиликсизлар...

Тўхтабой кенжа аёлининг тантилигидан, танти бўлмаса-да, бу қадар зукколигидан кўнгли кўтарилди.

— Безовта қилишмаётганими? — сўради у.

Зулфия эрининг товушида зарда-ю, алам аралаш адолатсизликка нисбатан нафрат оҳангини сазди.

— Бойналогчиларнинг нафси тўянганга ўхшамаётти-да. Ҳай, сабр қил турайлик, уларга боққан балоям бордир...

Тўхтабой эҳтиёткорликни унутиб баралла томоқ қирди — одатда у жаҳлини ичига ютган кезлар шундай қилар эди.

Бой ортиқ гапирмади. У ҳамон билагидан ушлаб турган паранжини унг-терсини пайпаслаб қарана бошлади. Кавшандоздан ўтди-да, эмакляб чўзилганича бориб ухлаб ётган Осимжоннинг пешонасидан ўпди. Қаншаридаги холини силади. Сўнг қиблага юзланган кўйи чўк тушиб дуога қўл очди. "Ўзингизга тоширдим", дегани эшитилди, холос. Сўнг тезда турди-да, "Бор кўчага қара-чи, ҳеч ким йўқми?" деди ўлига. Ўзи Солиҳжоннинг изидан кела туриб паранжи ёпинди.

...Тақдир не кунларни раво кўрмади унга! Эсини танибдики, ўзини тижоратга урди: шу йўлда машаққат чекди, ютди-ютқазди — кимсан Тўхтабой деган ном ортирди. Бири биридан гўзал отларини миниб гижинглатиб ўтганида ёшу қари ҳурматини бажо келтиришар эди. Сағбондан Пиёнбозорга қадар, Бешёғочдан Каласга қадар — уни танимайдиган одам йўқ. Эски шаҳар бозорида қатор-қатор расталарда, янги шаҳарда икки қаватли дўконларда Тўхтабойга қарашли мол-қоллар сотилар, янги шаҳарнинг кўрқига кўрк қўшган "Ўқсонал" унинг фахри, иззат-обрўси эди — бари-баридан айрилди. Уч хотин, ўн

бир ўғил-қиз унинг шип-шийдон этилган қўлига қаради қолди...

Худо шоҳид, Тўхтабой қўлдан кетган ҳеч бир нарсага юрак-бағри ўртаниб ачинмади. "Ўзи берганди — ўзи олди" деган гапни бот-бот такрорлар, унинг бу гапини эшитгани сайин Зулфия туғул, ҳатто оғир-вазмин Мактабхон она ҳам баъзан тутақиб кетар, "Ўзи олдимни, шўро олдимни!" деб алаמידан дардини тўкиб соларди.

— Ё, боқий!..

Бу хонадонда Тўхтабойга тик қараш уёқда турсин, унинг сўзини икки қиладиган одам бўлмаган, хусусан, бой шу жарангдор каломни тилга кўчиргач, каттаю кичикнинг уни ўчди.

— Сен ҳам, — деди Тўхтабой Мактабхон онага, сўнг Зулфияга гапирди: — Сан ҳам, анави, манави — ҳамма-ҳаммаси фоний — омонат. Ёлғиз Боқийнинг ўзи боқий! Тузикми?! Мол-давлатимнинг бари йўқдан бор бўлди — мана энди, барча-барчаси бордан йўқ бўлди — фийсабиллоҳ, ризоман, тузикми?! Шўрога шу керак экан — икки қўлаб топширганим бўлсин!

— "Шўро узоққа бормайди" дейишвотти, барака топгур...

Ҳамма қолиб Насвали буви орага суқилганидан Тўхтабойнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлди — бувига, хотинларига — Собиржон билан қизи Хайриниса ҳам бор эди шекилли — болаларига бирма-бир қараб чиқди-да, ҳам зарда, ҳам босиқлик билан деди:

— Шўро ҳам боқий эмас, илло шуни унутмаларинг, у — юз қовун пишигида йўқолади. Тузикми?! Юз қовун пишигида!..

Бойнинг бу иқрори хонадон аъзоларининг бошига бир неча йиллардан буён устма-уст тушаётган дярду ситамлари, айриликлар, тўзондай сочилиб кетишлардан маглубликни тан олгувчи фатводай гум-бурлади.

"Ё, боқий!.. Ё, боқий, антал боқий!.. Ё, боқий!.."

Тилидан шу муборак калима тушмай қолган Тўхтабой тақдир зарбаларининг биттасигагина чи-долмас — ўз маҳрами — шайрий хотинидан ҳўжакўрсинга ажрашиб, ўз пушти-камаридан бўлган болаларини ўғринча, бу ҳам етмагандай, паранжи ўраниб кириб кўрса, бирров кириб чиқишини биров пайқаса, Зулфияга, болаларига зугум-баттар зўрайишини ўйлаб алланечка кунгача хавотирда юрса...

У Кайковус анҳори устидан ўтгач, кўприкдан пастликка эниб толзорга етганда рўпарасидан югургилаб келаётган ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги қизалоқни кўрди. Қизалоқ рўмоли билан бош-кўзини тўсиб, тугунчани қўлтигига маҳкам қисганича тўхтаб қолди. Узун-узун киприклари остидаги бири-биридан чиройли кўзлари жовдираб қизалоқ нима қиларини билмай тараддулланди.

Бошқа пайт Тўхтабой гап-сўзсиз ўтиб кетаверар, толзор теварагида доимо гавжум бўладиган супада ўтирганлар орасида "халис"ларга гап топчилишини истамас эди.

Бу сафар у одатини қанда қилди.

— Моҳич, ке, қизим.

Моҳиниса кўча-кўйда отаси дуч келиб қолса у кишини танимагандай ўтиб кетиш шартига қаттиқ риоя қилиши зарурлигини унутмаган, шу боис, отасининг бу қабила қарши олишига тушунмайроқ турган эди.

— Ё, боқий, антал боқий! — Тўхтабойнинг лаблари асабий пичирлади. Учди. — Ке, қизим. Эрталабдан қаттан кевоссан? Онанг дурустми? Окаларинг-чи?..

— Ҳмм... — деди Моҳиниса ҳамма саволга жавобан нафаси ичига тушиб.


— Бунча юпун кийинмасанг, Моҳич?

Тўхтабой ортиқ жавоб кутмади, узун чакмонининг ички чўнтагидан бир кафт парварда олди-да, қизининг жажжи ҳовучига солди.

— Уканг йигламаяптими?

— Йў-ў...

— Бор, бора қол. Эҳтиёт бўл, она қизим...



Мусаввир А. Калонов

Тўхтабойнинг томоғига алланарса қадалди. Қайрилиб қизига қарамасликка уриниб йўлида давом этди. Уйлаган ҳеч бир режаси унмади. Эски дўкандор таниши икки тўп шойини бошқага пуллаб юборибди — савдо аҳли орасида бунақанги лабасизликни Тўхтабой кўрмагани — ушани амаллаб Тўқмоққа етказиб олса, у ердаги болаларига чойчақа чиқарди. Яна уч-тўрт кун кутай деса Адолат тез-тез кўрпа-тўшак қилиб ётиб оладиган бўлиб қолди — кўнгли шундан алағда. Шунча кун Тошкентда юриб Мактабхондан хабар олмади. Тўғри, Мактабхон — укаси Асқархонниқида, унинг иссиқ-совугидан хавотир олмаса ҳам бўлади, шундай эса-да, йўл усти кириб чиқиб илинжида икки қайта Бешёғочга ўтди, чалғиб, қайнисиникига кириш фурсатини топмади.

"Янаги келишимда кўриб чиқаман" деб дилига тугди Тўхтабой, озги қуришида. Зўр бериб ютинди — лабларини базўр намлади. Қўрғонтагига олиб борадиган тепа кўча ёнидан ўтаётганида, "Тоға, ҳў, тоға!" деган чақирқиқни эшитиб тўхтади.

— Бунча тез юрмасангиз, тоға, изингиздан етолмаяпман-а!

Тўхтабой кулимсираб келиб кўришган Абдумалик жиянининг қўнғиз мўйлабига, итёқа, оқ кўйлагига разм солиб, хаёлини жамлади.

— Э, жиян, Обида опам тузикмилар? Бола-чақалар омонми?

— Дуруст, дуруст. Кепсиз, деб эшитдим. Қаёқларда юрибсиз, ўзи?! Тўқмоқдай жойдан келиб бизникига кирма-сангиз?

Тўхтабой синиқ жилмайди. Жияни аҳволни била туриб гина қилаётган эди.

— Бир-бировимизникига яширинмай-нетмай, бехавотир кириб... — Тўхтабойнинг лаблари бир бирига чиппа ёпишиди, гапини адоғига етказиш учун чираниб озгиз очди: — Кириб чиқадиган пайтлар келар, жиян... — Иншоаллоҳ, этганингиз келсин. Мен...

Тўхтабой кўнглидагини айтиб олишга ошиқайётган одамдай жиянининг сўзини бўлди:

— Тинч бўлсанглар, бас. Гина-қудратлар ҳам ўшанда ярашади... Сан буёққа кетвоссан, шекил. — Тўхтабой шундай деб ўнг томонда юқорилашиб кетган тор тупроқ кўчани кўрсатди. Бехосдан қалқиб кетган одамдай томоғини қириб йўталди. — Йўлингдан қолма, жиян.

— Ман... — Абдумалик тоғасининг ўйчан, ҳатто маънос кўринаётганини сездди, ўқтин-ўқтин гапирётганига эътибор қилди, у кишини ёлғиз қолдириб кетгиси келмай гудранди.

— Тушунаман, жиян, тушунаман. Хиждлатвозликни хаёлинига келтирма, акоси. Б... боравер...

Абдумалик тоғасининг худди томоғи оғриётган бемордай қийналиб ютинаётганини, қайта-қайта тамшанса-да, овози қуруқчилаётганини, шу бонс гапирришга қийналаётганини энди пайқайди. "Мазангиз йўқми?" деб сўрамоқчи эди, Тўхтабойнинг қатъият билан "Боравер" деган амрига бўйсунтиришдан бўлак чораси қолмади — нонлоҳ, тоғасининг бетига қарамай хайрлашди ва тор кўча томон қадамини жадаллаётди. Тўхтабой ҳам ўз йўлидан қолмади. У бу йўлларда ёлғиз юрган одам эмас, албатта ён-веридан ҳамроҳлари аримас эди. Энди... у пича юргач, негадир орқага ўгирилди, чамаси Абдумаликдан бир нимани суринтиргиси келди, ҳатто товуш бериб чақирмоқ ниятида лаб жуфтлади. Жуфтланди... овози ўзига ҳам эшитилмади. Абдумаликни тўхтатса, Чигатойдан тушаверишдаги Сомон бозор чойхонасида бир нафас гурунлашса... Абдулхайни сўраса... Айтмоқчи, Абдувалининг тақдирини нима кечди?.. Олмонияга икки-уч йиллик ўқишга жўнапман деб кетганича, мана, ўн йилдан ошди-ёв!..

Қизик, Қлюм почча баджаҳл, серзарда, фикр-хаёли савдогарчиликдаги одам. Лекин ўғилларига илмага ташналикни қаердан юқтирган?.. Кенжаси Абдували ўқинишдан бошқа нарсани билмайди. У-у, ўқиганга нима етсин! Дунё — ўқиганники!.. Утлибил илма минал маҳди, минал лаҳди.

Дарвоқе, ўша — ҳуфтон чоғи уйига охириги яширинча кириб чиқайётганда ўғли Солиҳжон шошилинич маслаҳат сўради:

— Ада, ўқисам дегандим...

Ўғли уёғини айтолмади. Уёғини Тўхтабой ҳам айтолмади. Нима десин, ахир?! Кимсан Тўхтабойваччанинг ўғлини шўро ўқитармиди! Бойнинг фарзандларига шўро илмини раво

кўрмайди. Ўз кучига ишонмаган ҳукумат фуқароси илмили бўлишидан чўчийди. Тўхтабой буни жуда яхши билди. Шундай бўлса-да, кўча эшик олдида Зулфияни чақирди.

— Онаси, — деди бурунги қатъиятли овозда тайинлаб. — Болаларни ўқитиш пайида бўлинглар. Собиржон ўқиса укаларини ҳам изидан етаклайди. Қлюм поччага олиб бор. Абдулхайга, Абдумаликка маслаҳат сол — ёрдамини аямайди улар. Тузикми?..

Аmmo-лекин шўрога илмили одам керак эмас. Абдували мусофир журтларда Вали Қлюмжон бўлиб юрибди, эрта бириси кунни Тўхтабойнинг ўғиллари ўз юртида мусофир — бегона бўлиб қолмасмикан?.. Ё, боқий, антал боқий! Ё, боқий!..

Тўхтабой сомон бозори муолишидаги чойхона ёнидан ўтаётганида сўрида ўтирган беш-олти чойхўрга қарамади, кўз қирини ташлаганида кунда-шунда Сахий тайибнинг ёнида Абдумалик орқасини ўгириб тургандай туюлди — Тўхтабой паршонхаёлинигидан унга эътибор қилмади.

Ҳар сафар Пичоқчилик муолишидан ўтгач, Тўхтабой йўлни ўнгдан солар, шу кўчада яшовчи, яратганининг ўзидан бошқа ҳеч бир жонзоту жондорлардан ҳайиқмайдиغان Қобил ҳожини учратса пича гурунлардан, Алишер Маҳсумнинг ҳасратларига қулоқ тутар — хумордан чиқар эди, бу сафар ҳам шундай қилди — бир оз юрса извошлар бекатига етар, у ердан Пиёнбозорга борар, ваъдалашган таниш-билишларини кўргач, у ердан Тўқмоқ қайдасан дея йўлга равона бўларди. Фақат у бир қанча одимини оғир ўй остида босди ва... изига қайтди. Изига қайтиб, ўнг ёққа бурилганида, ҳозиргина ўзи келган сўл томонда кўринган уч йўловчидан бири ўзини дуч келган эшикка урди. Тўхтабой ундай шарпага эътибор қилмадиган аҳволда эмас эди.

Вазиятга қараса у ўзи қурдирган жомеъ масжидига қадам босмаслиги керак — қандай бўлмасин Тўхтабой бойлигини унутган фақир ва бечораваш юкунди қиёфасида юрмоғи лозим, у бой эмас, масжид қурдирмаган, меҳмонхона бунёд этган эмас, ҳар ҳайит арафасида Пиёнбозорда етим есирга беминнат ош-нон улашган ҳам эмас, қатор-қатор дўконлари ҳам йўқ — йўқ, йўқ!.. Булар майли-я, бари-баридан қўлнинг кири ағлиғи воз кечди, мол-мулкнинг баҳридан ўтиш мумкин, лекин унинг бойлиги... битмас-туганмас орау-ниятлари, бири биридан арзанда уч аёли, бири биридан ширин-шакар ўн бир ўғил-қизи қайда қолди?.. Мактабхон укасиникида, Адолат Тўқмоққа, Зулфия Гулбўғ ўрнидаги ҳовлида ёлғиз, жўжабирдай жон...

Тўхтабой истимаган эди уларнинг кўчада қолишларини! Ё, боқий!.. Ўзинг боқий! Ё, боқий!..

Тўхтабой намоз пайти эмаса-да, масжид дарвозасидан кириб борди. Сўл томондаги пастак уй тевагарини супираётган дароз, ҳирсдай бақувват эчки соқол қоровул чол уни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Мум тишлади.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуҳ! Тўхтабой қоровул чолга эмас, масжидга, бу муборак масканнинг замин-еру-қадди-бастига салом берган эди. У тўғри хонақоҳга йўл олди, меҳробга икки-уч одим қолгунча бир маромда ваэмин юриб борди — ташқаридан уни кузатиб турган қоровул чол гўё Тўхтабой ҳозир масжидни орқалаб кетадигандек талвасага тушиди, дод-вой солиб бошига ҳалойиқни йиғмоқчидек лапанглаб кўчага югурди, — Тўхтабой эса меҳроб пойида пешонасини саждага қўйди...

— Ёлғиз ўзинг боқийсан, Эгам!.. Фойиллар узра боқийлик ёлғиз сенга ярашади!.. Қодирсан!.. Одилсан, одил!.. Одилликда боқийсан!.. Боқий!.. Антал боқий — ўзинг боқий!.. Ё, боқий!..

Қоровул чол ҳовлиқиб чоригини судраб тўрт-беш бекорчини бошлаб келганда Тўхтабой Каллахонадан ўтиб Маҳсидўзликка, ундан оша Хадрага етаётган — йўл-йўлакай ниманки кўрган бўлса, ким билан учрашиб, ким билан гаплашган бўлса — бари-барини унутган, қай ўй-қай хаёлда кетиб бораётганини сезмас, меҳробга юзма-юз чўк тушиб илтижо қилаётганида овози равонлашганини, сира қийналмай тупуқ ютганини, мана энди баҳорнинг намчил кунда озга янаям қуришиб бораётганини ўйламас, фикри-ўйида юрса-юрaversа, йўли адо бўлмаса, жон-жонига туташ бўлиб кетган Тошкент кўчаларидан айланаб-ўргилса... шу кетганча Тўқмоқнинг биқинидаги сермавж Чу дарёсига шўнгиса-да, ҳовурдан чиқса, ҳарорати босилса, муздай ва тезкор суви сипкорчи, ташналиги қониб ҳуши жойига келса ва ҳамма-ҳаммаси қайта бошдан бошланса... болалиги, ўсмирлиги, тижорат йўлига кириши, уйланиши, бола-чақа орттириш, доваруғ таратиш, ман-ман деган ҳорижлик бойларга

\* Ҳадис, "Бешикдан қабргача илм иста" маъносиди.

иззат-икром кўрсатиш... бор-шудидан айрилиш, асл бойлик-лари бўлмиш аёллари-ю фарзандларидан мосуво бўлиш...

- Ҳой, амаки!..
- Қочинг-гт!..
- Тоға-а-а!!!

Тўхтабой устига бостириб келаётган трамвайни кўрди-ю, унинг ваҳимасини фаҳмлаб улгурмади — беихтиёр бошини силтаб тортиди, вагоннинг тумшуғи чириллаб бетини ялаб ўтди. Тўхтабой тўхтамади — яна бир қадам олдинга ташлади, ташлади-ю, трамвай вагонининг "думи" зарб билан уриб уни тош йўлга ағдарди.

Тўхтабой шаҳар ўртасида ерга узала тушиб ётадиган инсон эмас эди, зеро, у лаҳзалар ичида ҳушини йиғди-ю, иригиб турмоқчи бўлди — оёғи ўзига бўйсунмади, қўлига тиралиб қаддини ростламоқчи эди — кафтини базўр қамирлатди, холос. Яқин-атрофдаги йўловчилар югуриб келиб уни ўраб олишди. Қий-чув қўлди. Аёллардан бири ҳўнграб юборди. Одамлар орасидан ёриб ўтган итёқа, оқ қўйлак кийган, қўнғиз мўйлабли йигит энгашиб, қалтираб Тўхтабойнинг бошини биллагига олди. Қўрқувнинг зўридан мажолсизланган бармоқлари билан тоғасининг ёқа-туғмаларини енишга тутинди.

— Ё, боқий!..

Рағи докадек оқариб кетган Тўхтабой гўё фоний дунёсида боқийлик истагандай сўниб бораётган кўзларини аранг очиб тепасида гавжумлашаётган башараларга аланглади, қийналиб тамшанди, нотаниш чехралар орасидан ит ёқа қўйлак кийган, қўнғиз мўйлабли йигитни топди, бор қувватини кўзларига жамлаб унга тикилди, лекин у йигит мубҳам бир хавотирда ўзини изма-из кузатиб келаётган жияни — Абдумалик эканини танимади...

Ўрта ёшлардаги дароз бўйли гўрков узун қўлларини лаҳаддан чўзиб оппоқ кафанга ўралган майитнинг оёқ томонидан олди, сўнг белбоғичини кафти аралаш ўради, авайлаб настка туширди.

...У кеча шом чоғи, "Тўхтабой бандаликни бажо келтирибди!" деган хабарни эшитганда ажабланганидан ёқа тутди. "Эс-сиз, шундай одам ҳам ўтибди-да!" деди бош чайқаб. Бош чайқай-чайқай, марҳумнинг ҳақиға дуолар ўқий-ўқий қабрини ҳозирлади, лаҳад тупроғини ихлос билан чуқурроқ, кенгроқ олди. Тупроқ тортаётди, манглайига муздай пимадир илашди — лаҳад шифтида бир қарич чиқмайдиган қилдай ингичка илдиз осилиб турган экан, юлиб ташлаш ниятида уни тортиди — илдиз узилмади. "Зарари йўқ", деган ўйда ишини битирди. Эмаклар ташқарига чиқаётди илдизининг муздай учи яна пенюнасиға тегди, бу сафар у кетмонни ишға солди — калта сопли кетмонни икки дафға сирмади ҳамки, илдиз узилмай тебраниб тураверди. Шунда... тебранишдан тўхтамаган илдизининг учида бир томчи сув симобдай йилтираб кўринди. "Ажабо!" Гўрков тушунолмади бир зум ҳаяллади, чинчи-логининг учида томчини "илиб" олди-да, лабининг чеккасиға теккизди, теккизди-ю, ҳайрати чандон ортди: "Тавба! Бу қадар суяқ, бу қадар тиниқ, бу қадар тотли!"

... "О-омин! Савол-жавобингизни Аллоҳнинг ўзи осон қилсин!" — Гўрков шивирлаб юзига фотиҳа тортиб, лаҳаддан сирғалиб-эмаклар чиқди, юқоридан қўлма-қўл узатишаётган гувалани лаҳад оғзига тера бошлади. Сўнгги икки-уч гувалани қалаб улгурмай қоронғилашиб бораётган лаҳад ичига беихтиёр қаради, қаради-ю... майитнинг қоқ лаби устига томган илдиз шираси нахтадай оқ кафаликдан шимилиб ўтаётганини кўрди...



Анвар ЭМИН — 1966 йили Қўқон шаҳрига ёндош Оққўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат до-рилфунуши журналистика куллиётини тамомлаган. Ҳозир Ўзбекистон радиоси Адабиёт муҳарририятида хиз-мат қилади. Шеърлари — "Ёшлик"да илк бор ёруғлик кўрмоқда.

\* \* \*

Кулса кулгусидан гул унган пари,  
Тўккан кўз ёшидан дур унган пари. —  
Гулиқаҳқаҳ...

Сени кутган эдим қанчалар илҳақ...  
Ўйлардим:

сен келсанг фақат, — кул! — десам,  
Чечаклар тўкилса оғушларимдан...  
Десам: — менга ортиқ ҳузур керакмас,  
Кўз ёшини шарф бўлса, йўқ, дур керакмас,  
Йинглама на ўнгим, на тушларимда!

Кулса кулгусидан гул унган пари...  
Лекин на сен чиқдинг эртақ-боғингдан.  
Ва на сенга етди менинг сўзларим.  
Умидим жон берди ҳасрат-доғингда,  
Йўлингда сарғайди қорачуғларим.  
Энди-эртақлардан тўйганимда мен.  
Боринга ишонмай қўйганимда мен,  
Айт, нечун сени унутганимда  
келдинг, келмай шунча зор кутганимда?..

Бугун сен келган чоғ чаггаларимда  
тоза гул ўрнида даста гул кўрдим,  
Баҳордай жангари ҳаёт йўлида  
ўзимни гоҳида бир думбул кўрдим.  
Ўргимчак инидий ҳаёт тўрида  
ўзимни пашшадай ожиз кул кўрдим.  
— Ҳа, нега куласан, куляпсанми? Аҳ...

Гулиқаҳқаҳ...

Мен нима ғамда-ю, сен шўх куласан,  
Чаккамга тақасан турфа гулдаста...  
Ма, сенга катта қоп, бекор турмасдан,  
Ҳеч кимга қарамай, йиглайвер аста.  
Сен тинмай йиглайвер, дурларни тўпла,  
Мен эса қопларга ҳозирлайман жой,  
Дунёда бўлурман мен энг катта бой!

Йингла, йингла гулим,

Гулиқаҳқаҳой, —

Тўккан кўз ёшидан дур унган пари!

\* \* \*



Абдувоҳидга.

Оташ шаҳар. Қовжираган бог...  
Сиз келдингиз-шўх насим келди.  
Сўҳбатдош ким сизга, — мен муштоқ, —  
Уларга бир ҳавасим келди.  
Борлиқ яйраб ташрифингиздан,  
Мен орттирдим бир дард-бедаво...  
Қараб ўтдим изларингиздан:

— Нега сизнинг исмингиз Сабо?

Навоийнинг наволаридан,  
Балки, чиққан хаёлий қизсиз,  
Сизсиз шунча қандоқ яшадим,  
Энди қандоқ яшарман сизсиз?  
Беш йил... Қанча савдолар кечди,  
Қолавердим мен ҳам беававо,  
Нега ёддан кўп нарса ўчди,  
Учмас сизнинг исмингиз Сабо?  
Гоҳо ўшал кунларни қўмсаб,  
Тортиб кетар кўнғил — девона,  
Ҳамон сирли юлдузга ўхшаб,  
Шуъла сочар сиз турган хона.  
Мен қайтаман бундан қовжираб,  
Ҳолим кўрмай ҳеч кимга раво.  
Лекин қайтар қўксимда яшнаб,  
Нега сизнинг исмингиз Сабо?

\* \* \*

Кўрингандинг мисли фаришта,  
Кўзларимга ой кўрингандинг.  
Баркамолу тенгсиз ҳар ишда,  
Фазилатга бой кўрингандинг...  
Кўринганман ўшанда мен ҳам,  
Балки сенинг кўзингга чўгдай,  
Гўё мендай баҳодир, ўктам,  
Содиқ йигит дунёда йўқдай...





## БИБИ СЕШАНБА ҚИССАСИ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Бибӣ сешанба ҳақларига ош қилиб, ён-атрофдаги маҳалла-кўйга улашиш одати аждодларимиздан бизга мерос қолган ажабтовур удумлардан биридир. Бироқ бугунги ёшларнинг кўни асрлардан бўён халқимиз аҳвол-руҳиясига сингиб кетган, ҳозир ҳам қадриятимиз сифатида эъозланадиган бу ҳодисанинг моҳиятини билмайдилар. Унга амал қилади-ганларга эса эртакка ишонувчиларга қарагандай муносабатда бўладилар. Аслида эса миллатимизнинг ўзлигини, унинг мозийдаги маънавий оламини тирапроқ билишда шу каби удум ва одатларни ўрганиш, улар изга солган ҳаёт тарзини англаш фақат фойдалидир. Чунки шу йўл билан ҳам шўро мафқураси даврида кўзи ёпилиб қолган кўпгина маънавий булоқларимизга дуч келишимиз шубҳасиз.

Шу истиҳолада асримиз бошларида бир неча марта нашр қилинган мўъжазгина "Бибӣ сешанба" қиссасини ҳукмингизга ҳавола қилаётиримиз.

Акбарали Мамасолиев  
чизган расм.



Алҳамду лиллоҳи раббил оламин вал-оқибат лил-муттақин вас-салот вас-салом ала расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин,\* китоби Бибӣ-сешанба бу турур. Андоғ ривоят қилурларки, Бухороий шарифда бу нақл машҳурдирки, фарзандталаб ва дунёталаб ва охиратталаб ва ҳар муроди ҳожатманд бўлса, ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандийнинг Хола-бибилари(ни) ҳақларига ош худойи қилиб, сиғиниб турса ҳам нечук ҳожати раво бўлур. Бешак мақсудига етгай, иншааллоҳу таоло, ишлари бу тариқа бўлур. Юрадургон хотун бўлса етти уйдан ун тилаб олсун, агар юрмайдургон бўлса, уйни тўрт бурчиға дўрт табақ ун қўюб, андин олиб бир қозон ўмоч ошни сут бирла қилсун, уч адад чиппатини бир кулча қилиб, бева хотун ва етим қизлар бирла есун. Эркак кишиға бермасун, ўштал маҳаллада Ҳазрати Бибӣ қиссаларидин баён қилсун. Ҳар ким бу ошни қилиб, ихлос билан сиғиниб турса ва ҳар ким бу эштиқод бирла қиссаларни баён қилиб, ниёзин бериб эшитса, ҳаммаси муродини топар. Иншааллоҳу таоло ҳазрати Бибӣ сешанба айдилар: муродини тилаб бермасам зоминдурман дебдурлар. Риқъалар будур. Бир етим қиз бор экан, ўгай онани қўлида хўрлик тортар экан, онаси ҳар кунда қўлиға бир пухта, бир сиғир тоштурур экан, саҳроға чиқиб, бу пахтани йиғириб ва бу сиғирни боқиб кел деб. Ул қиз то кечгача ифни йиғириб олмай келса анга хўб азоб-уқубатлар кўргузур экан. Бир кун пахта бирла сиғирни олиб, саҳроға чиқиб йиғлаб турур эрди, сиғир қочиб бориб, бир горға кирди. Орқасидан бул ҳам бориб горға кирди. Кўрдикки, бир бибӣ мўйсафид юзи тоат нуридин мусаффо ва ботини тажалли ўз ибодати бирла машғул ўлтурур, қиз салом бериб кирди эрса бибӣ алик олди, қизни навозиш қилдилар, аҳволини сўрдилар. Қиз маъюс музта-риблик бирла онасини ҳолини айтти на мушкул ишларини ва азоб-уқубатларини бир-бир баён қилди. Алқисса, ҳазрати Бибӣ-сешанба қизни ҳолиға раҳм айлаб дедилар: "Эй болам, эмди кунда келиб мани кўргил, мани фақир сени учун дуо қилсай, бориб пахтани сиғирингга едиргил, орқасидан ифни кўтариб олгил," деб меҳрибонлик қилдилар. Қиз хушҳол бўлуб, кунда келиб ҳазрати Бибини кўруб, дуо олиб, пахтасини сиғиринга едуроб, арқасидан иф қилиб, онасига элтар, онаси бу ишға ҳайрон қолуб, иложини тополмади. Алқисса, бир кун сиғирни сўйдурди

эрса, қиз ғамгин бўлуб, ҳазрати Бибӣ-сешанба олдиларига бориб йиғлади. Сиғирни баҳонаси бирла хизматингизга келиб муборак юзунгизни кўрар эдим. Эмди нечук кўрарман. Душман онам куймас деб зор-зор чун абри навбахор йиғлади. Ҳазрати Бибӣ кўб иноятлар қилиб, тасалли бердиларки, эй фарзанд, йиғламагил, сиғирни устixonларини ерга кўмгил деб юбордилар. Қиз бориб ерга кўмди. Қиз ҳар кунда кўб машаққатлар кўрар эрди. Бир кун ул шаҳарни ақобири тўй қилиб эрди. Барчани тўйға чақирди. Барча қизлар ва жувонлар ясаниб тўйға кеттилар. Қизни онаси уйға ўтқузув, олдиға бир гарбол (галвир) жувори бирла тариқни қўшуб берди. То ман келгунча, мунини бир-бир ажратиб қўй, деб, ўз қизини тўйға олиб кетти. Қиз йиғлаб ўлтурув эди, бир мокиён товуг бор эрди, келиб ажратиб қўйди. Қиз хушвақт бўлиб, вақтни ганимат билиб, дарҳол ҳазрати Бибини хизматларини келди. Бибӣ сўрдиларки, эй болам, нечук қилиб келдинг. Қиз айди: Шаҳарни ақобири тўй қилди. Ҳамма қиз ва жувон тўйға кетти. Онам ҳам кетти. Ман сизни кўргали келдим, деди. Ҳазрати Бибӣ айдиларки, эй болам, сени ҳам хотиринг малол тобсун, тўйға борарға орзувг бўлса боргил, деб дуо қилдилар. Беҳиштаг қўл узотиб бир буқча ҳулла ва бир қути тилло ва неча чўрилар хизматкор бўлуб келдилар, қизни ясатиб тўйға олиб борди. Ақобирға хабар бердилар. Олдиға пешвоз чиқтилар. Подшоҳни қизи келди деб. Ҳашам саройға киргиздилар. Олдиға дастурхон ёздилар ва турлук таомлар тортилар. Қиз кўрдикки, онаси эшикда ўлтирибдур. Назар солиб билдикки, онасидур. Олдидаги таомларни онасига юборди. Ўзи тўйдан чиқиб, саруполарни ҳазрати Бибига тошурди. Онасидан илгари уйға келиб ўлтурди. Андин кейин таомларни онаси олиб келди. Аммо қиз келурда бир оёғидаги тилло кафш йўлда тушуб қолди. Бир одам топиб, ул ақобирға элтиб берди. Ақобир шаҳарға хабар берди. Ҳар кимни оёғи шул кафшға тўғри келса ман ани иззат бирла олайин деб, таққиқ қилдилар. Ҳеч кимға тўғри келмади. Алқисса, бир кўр хотунни қизи бор эрмиш деб эшиттилар. Киши юборди. Онаси эшитиб, қизни тандурға ёшурдилар. Ўзини қизини ясатиб эрди, анга лойиқ келмади. Қизини оёғини йўнди, бўлмади. Мокиён товуг бетоқат бўлуб, тандурға шикоят қилди. Келгон одам ҳайрон бўлуб, бориб тандурни кўрдикки, бир чўри қиз ўлтирибдур. Кафшни кийдурдилар, рост келди. Шул одам хушвақт бўлуб, ақобирға севинчи деб кетти. Ақобир хушвақт бўлуб, кўб икромлар



бирла ул қизни тўй қилиб олмақ бўлуб, ул кунни киши юбориб никоҳ қилди. Қирқ кеча-кундуз тўй қилиб берди. Ҳазрати Биби васият қилдилар. Сан бу мартабага еттинг, меҳнатинг роҳатга мубаддил бўлди. Аммо улуглиқ қилиб, бизни унутма, унутмагил. Эмди сан мани ҳақимда ош қилиб ва яна бу қиссани баён қилгил. Ҳазрати Бибинини васиятлари ёдига тушуб, уйни тўрт бурчига тўрт табақ ун қўйди. Ул ундан олиб, бир қозон ўмоч етти чиботи бир кулча пишуруб эрди, эшикдин акобир кириб келди. Бу ишни кўруб, ани койинди, айдики, мани давлатимга ҳақорат қилдинг. Бу на лозимдур. Ҳануз фақирлик қилурсан деб тўқуб, чиқиб кетти. Ул замон қобун-фолизни вақти эрди. Ул кун фолиз сарига кеч бўлуб, қайтар бўлди, қизни кўнглини синдурганига пушаймон бўлуб, уч адад зомичани (ҳандалакчани) олиб, хўржинга солди. Келтуруб қизни кўнглини олай деб кўрдик, шаҳарга гўлгула тушубдур. Подшоҳни уч адад ўғли гойиб бўлибдур. Уч кундан бери излаб юрурлар. Ногоҳ излагувчиларни бирини кўзи тушди, хўржиндан қон оқиб келадур. Хўржунни очиб кўрдиларки, уч шаҳзодани кокиллари бир-бирга ўралиб, ётибдур. Ул замон акобирни отдин йиқитиб бўйнига гуллар солиб, судрадилар. Акобир тавалло қилдики, манга бир замон фурсат беринглар бир гуноҳ қилибдурман, армон бўлди, то ман андин тавба қилиб уйга бориб келай деб. Бир қошуқ қоним подшоҳдин тасаддуқ бўлсун деди. Анда руҳсат бердилар. Акобир уйига келиб қиздин сўрдик, ул ошинг нечук ош эрди. Ошни тўқуб мунча балога гирифторм бўлдим деб йиғлади. Қиз воқеаларни баён қилди эрса, акобир тавба қилди. Қўп назир-ниёзлар Биби сешанба ҳақларида берди. Ул ошни ҳам қилди, қайтиб жаллодни олдинга келди, халқ суюнчи деб юрубдурлар. Акобир эшитиб, хушвақт бўлди. Подшоҳзодалар хўржунни очиб кўрсалар, уч адад зомича турубдур. Бу ишга барча таҳсин ва таажжуб қолди. Алар ҳаммаларини бир ихлоси минг ихлос бўлуб, кўп назр ва ниёз ҳазрати Биби сешанба Онани ҳақларида бердилар. Ҳар ким ҳар мақсадда ош қилиб турса ҳазрати Биби сешанба Она қўлидан тутайлар. Ҳар киши ҳазрати Биби сешанбани қиссаларини ёд қилса, худойи таоло ул бандани ҳар муродини ва ҳар нияти бўлса раво қилгай, бу дунёда муродини топар ва охиратда иззатлик бўлгай. Иншааллоҳу таоло, бираҳматика ё арҳамар роҳимийн.\*\*

Би қалами Мулло Юсуф домла.  
1328 сана ҳижрийа.

Абу Райҳон Беруний номидаги илм-гоҳ ходими Неъматуллоҳ Исмоил ЖАББОР ўғли нашрга тайёрлади.

*\*Оламнинг парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлгайки, ул жаноб тақводорларга хайрли оқибатни раво кўруб, ўзларининг элчиси Муҳаммадга, унинг жамики аҳли ва саҳобаларига раҳмат ёғдусини сочиб турурлар.*

*\*\*Эй раҳм қилгувчиларнинг энг раҳмидили, сенинг раҳматинг или (тамом қилурман).*

ПАХЛАВОН СОДИҚ

## ВУЖУДИНГ ҚАНИ АЙ, КЎРИНМАС ТАСВИР?..



\* \* \*

Атиргул баргида солланиб турдим,  
Бол сизиб санчилди кўксига нишим,  
Фалакка айланиб неча оқ урдим,  
Синди гардиним —  
Рафторим туз ўлди.  
Руҳият роҳига бир қаср қурдим,  
Зайлига тескарни эврилди замон.  
Саман сарҳадига юзимни бурдим,  
Кўрсам ломакон — маконим бузилди.  
Тақдирга тасалли бердим — алдадим,  
Қисматга қайрилиб кетдим қарамай,  
Жонимга чўпчаклар айтдим абадий,  
Жонимга жамладим, қара, ма-а-ай —  
Шаробим сузилди.

\* \* \*

Кўзларим бу тийра шоминга юмилди,  
Дилафрўз, дилэҳром руҳимга  
юкиндим,  
Ибодат фаслидан ёмгирлар  
ўтиндим,  
Сен айтдинг: бу — сирот,  
чайқалмай ўт энди...  
Хайрбод манзили бот тутди  
ёқамдан:  
"Гуноҳлар чекканман саҳфинида  
рақамдан"  
Даҳриини деворга менгзатиб қўйган  
сен.  
Мен айтдим: тамуғми, ужоҳми  
ютинди...

Бу гамнинг навҳаси титранар,  
авжланар,  
Юракда илоҳий бир таскин  
мавжланар.  
Малаклар сайридан кўнгулда  
сойирмиз,  
Мен — сенга, сен — менга,  
биз — унга дойирмиз,  
У айтди: ўзимга, ўзимга тутиндим...

\* \* \*

Қаҳр қотилмиди, қатлимда жаллод,  
Заҳр ботилмиди, заҳримда — таъма.  
Қисмат қомусида таҳририм барбод,  
Ашқим хунобмиди, толеим — таъна,  
Субҳим содиқмиди?..

Арким асабмиди, ё саҳним — сарингун,  
Рифъат тариқида авжим пастмиди?  
Аҳдим ёлғонмиди, паймоним — тугун,  
Тальятим тоҳирми, тараб наҳсмиди,  
Субҳим козибмиди?..

\* \* \*

Бу қаю манзил, эй, маъвоси зулмат?  
Бу қаю маъво, дил, манзили ёғду?  
Тахайюр тарҳида тузилган рифъат,  
Тахайюл жомиди ичилган оғу.

Бунда ҳам қисматми, фанолик, ахир,  
Субҳига шомидек тийралик ёрми?  
Бунда ҳам тириклик аталган тахир  
Неъмат дилга жоми, вале озорми?

Қай тариқ энгандир бунда самоват?  
Ҳам тақдир фолдан сўйларми нажм?  
У, ёруғ буржиди қандай синоат  
Кимнинг бу манзилда амридир  
вожиб?

Қайси бир шевада айтилар такбир,  
Қаю оҳангларда тузилар наво?  
Вужудинг қани, ай, кўринмас тасвир,  
Исминг нима сенинг, эй, сагир маъво?..

Пахлавон СОДИҚ. Туркияда журналистика ихтисоси бўйича таълим оляпти. Унинг шэър ва мақолалари жумҳурият матбуотида ёритилиб боради.



## "Туну кун тоат-ибодатим СЎЗга..."

Шоирлар Абдували Қутбиддин ва Вафо Файзулло баҳси

**Вафо Файзулло:** — Абдували ака! Мени қизиқтирган саволлар балки Сиз учун жўн, тартибсиз, ҳатто кўнглингизга ботмаслиги мумкин. Мабодо шундай туюлса, олдиндан узор сўрайман. Қолаверса, бу савол барибир сизнинг руҳингизга зарар етказма олмайдими, балки менинг ўзимга яраша ўй-фикрларим бўлиб қолаверадими. Зеро, нқтидор даражаси қанчалик юксак ёки акси бўлмасин, ҳар бир шоирни ҳар ўқувчи ўз қаричи билан ўлчаб, шунга яраша муносабатда бўлади, фикр билдиради. Нима бўлгандаям гурунгимиз бир қолипдаги, гашига тегадиган миллиқликдан юқори, очикроқ бўлса дейман...

Бизда ижодкор — санъаткор феноменини кашф қилиш жуда гариб кўринишда. Шоир тугилиб, унинг кўнгли 18 баҳорни ҳатласаю, уч-тўрт оғиз юзаки гаплардан бўлак ижоди ҳақида бирон нарса дейилмаса... галати эмасми? Унинг кўнглини тушунамасак, феълини билолмасак, юрагини англолмасак... У қаёқдан келяптию қаёққа бормоқчи, қаергача боролади? Буларни ҳеч бўлмаса чамалолмасак яхшими? Наҳотки бу ҳолатнинг чекиншига бирон-бир фидойининг қудрати етмаса?

Мен буни гарчи шоирнинг ўзи ҳам айтиб беролмас-да, ўзидан эшитгим келаёттир. Чинакам шоирда ўзига ҳар он бериладиган ички бир сўроқ бўлади. Бу сўроқ болтаси чопсаям олдин ўзининг бошини чопади. Айлансаям олдин ўзининг муқаддас меҳробиди айланади. Шубҳасиз, бу сўроқ ҳеч вақт ортга жавобсиз қайтмайди. Сизнинг нимага қодирлигингизни, қайда ожизлигингизни ҳаммадан олдин ва тўғрироқ билиб олади. Юракни ўртага қўйиб, айтинг-чи, руҳиятигиздаги ўша "Адолатпеша" Абдували зоҳирдаги Абдували Қутбиддин ҳақида нима дейди?

**Абдували Қутбиддин:** — Ҳаёт мазмуни нимадан иборат? Уч сўздан: тугилиш, яшаш, ўлиш. Ҳаёт эса эскидан-эски, қадимдан-қадим. Деярли ҳаммаси такрор: муҳаббат ҳам, хиёнат ҳам, риёю хийла, ҳақиқат... Ҳатто одамзот толасигача. Мушкулот ўша алми-соқдан қолган, рўзгор Одам. Атою Момо Ҳаводан. Уругимиз хиёнатдан пайдо бўлиб, ҳақиқатга эътимод келтирган. Яшаш — турмуш дегани асрлардан-асрларга ўтиб, мустаҳкамланиб, кучланиб бораётган қону-қондалар... ҳамда ер юзи одамларини боқаман деб ҳолсизланиб бораётган табнат. Яна ва яна ҳисоб-китоб, ўлчов, яна қонда. Қонданнинг ичида мураккаб муносабатлар, таранглишган асаб, жуллас, ички азоб. Хўш, одам нима қилсин? У ўзини адоин тамом қилмаслиги, ақлдан оз-

маслиги ёким умуман фикрлолмай қолмаслиги учун нима қилсин?! Унинг йўли қандай? Нима билан овунса бўлади. Шунда... менимча, унга ҳаёл топиб бериш керак. Унга сўздан ҳали ер юзиде бўлмаган гўзал салтанат қуриш лозим. Тоза, таъмасиз лаҳзалар бахш этиш зарур. Одамга энг ажойиб, ўлим эмас, ҳаёт келтирадиган ширин ваъда — айтиш фарз. Шу маънода мен яхшигина шеърини ўтрикларни айтаётган шоирман. Уша Сиз айтган ичимдаги "Адолатпеша" Абдували зоҳирдаги Абдували ҳақида бор-йўғи шунини айтиши мумкин.

Ожизлигим шундаки теварак мени қабул этмасмикан деган ҳадикдаман. Шундан кўрқувим, гўлгулам бор. Яна менга "ишониларини", мен билан ҳаёл суришларини истайман. Афсуски, мен билан кўшилиб ҳаёл сурувчилар ниҳоятда оз.

**В.Ф.:** — Шеърнинг буниси ижтимоий, ановиниси интим, дея ўринсиз бўлакларга бўлувчилар афсуски, топилиб туради. Менимча, кучни бунга сарфлагунча шоирнинг самимияти, санъаткорлигига кўпроқ эътиборни қаратиш керак. "Шоирлар" бор ишқни таранним қилишининг нишмаган ҳаёлида атрофларида кечаётган туйгуларни шеърга соломасликларини яширишга уриниб юрибдилар. Ёхуд яна бошқа бирлари ҳамманинг дарди дея ҳамма биладиган воқеа-гапларни шеърга тиқиб керилдилар. Булардан ўзлариям, ўзгалар ҳам сурур ололмайдими. Бахтимизга улардан фарқли ўлароқ кўнгли кўзини очадиган, юрагини ёқадиган тирик шеърлар ҳам тугилиб турбиди. Сиз бир шеърингизда ёзгансиз:

*Одамлар заминни тишланса  
қаттиқ,  
Имон ва тоатга бирланса Ватан.  
...Донишманд бобонинг чолмоғи  
учун  
Болилар кесурлар оёқларини ҳам.  
Бу уйини, китобини ҳамда дафтарини  
Мен сенга бераман, бераман Ватан.*

Бу оддий, самимий сатрлардан юртга чексиз муҳаббатни туйса бўлади. Мана, мамлакатимиз мустақилликка эришганлигининг уч йиллигини кўнгли ҳам байрам қиляпти. Бу жуда олий имкон, халқ маънавияти юксалишига очилган янги йўл. Шу ўринда шоир учун бирламчи кўнгли ҳурунгини, онг мустақиллигини Сиз қандай тушунасиз? Қандай тасаввур этасиз?

**А.Қ.:** — Мен шеърни турга, жиҳатга бўлиб қарайман. Ё яхши шеър, ё шеър эмас деб биламан. Санъат

ҳамма вақт санъат. Ҳис — юрак — кўз — қоғоз ичида ҳамма шеър. Булардан биттаси ифодадан тушиб қолса, шеър тугилмайди. Қолип ҳаммада бор. Уни ясаб ташлаш осон. Лекин яралиши қийин. Қайси бири нимагадир муъте бўлса, таъма кутса қандоқ чиқишидан қатъий назар оқибати фойдасиз, фойдасиз. Вафо, ким нима топса ўзидан топади. Қолаверса, вақт тегиримони бор. Бутун бутунга, чала чалага ажралади.

Мустақиллик учун яратганга шукрлар қиламан.

**В.Ф.:** — Назаримда шеърятда ҳам катта-кичик мактаблар бўлади. Бир шоир унга асос солади, иккинчиси мукамаллаштиради, шу мактаб ўқувчиси бўла туриб, унинг яратганлари бу мактаб парвозининг авж нуқтаси бўлиб қолади. Бошқа бири ўз ижоди билан унинг таназули бўлиб майдонга чиқади. Ва айни пайтлардан бу мактабнинг йўлини рад қилиб, янги қараш, фикрлашлар мактаби шаклига кириб, дунёни бошқача кашф қилишга ҳақс қиладилар. Маълум бир пайтда жадид (янги)лар ўз ишончлари билан кўнглини забт қилишлари ва вақтинча урфдан, ўқишдан қолган шеърятни майдондан сиқиб чиқаришлари мумкин. Ва бунга табиий бир жараён деб ҳам қараш керак. Бироқ чинакам дурдона анча замонларни ортда қолдиргандан кейингина ўзининг одил баҳосини олади ва маънавиятнинг бир чимдим нуридек яшб қолади.

Балки менинг қуйидаги гапим шошма-шошар, юзаки бир қарашдир. Лекин мен уни ҳис қилиб турган эканман, жимгина ўтиб кетиш инсофдан эмас.

Сизнинг "Хўрсиниқлар", "Ёр қаърига ёхуд амакимга мактуб", "Иймон", "Изоҳсиз луғат" каби асарларингиз янги мактабнинг тўнғич қалдирғочларидек мени қувонтиради, хайратга гарқ этади. Бу жуда катта руҳий қудрат, фавқулодда юқорилашиш билан ёзилган галаён ва изтиробларнинг томирлари қай бўлоқлардан ташналигини қондириб, бунчалик яшнаб кетган? Буларни билиш жуда мароқли деб ўйлайман. Балки бу портлашларни ўзингиз ҳам тўлиқ англолмассиз, изоҳлаб беролмассиз. Лекин, ҳарқалай, Сизнинг кечинмаларингиз тор қобитига ўранган шеърчаларини нимадандир оғоҳ этиши мумкин-ку?!

**А.Қ.:** — Бир танишим Австралия тўтиқушини сотиб олиб, чиройли қафасга қамбади. Уч-тўрт ой тўтиқушга ўзбекча ўргатган экан, тўти бир-икки сўзни ўрганибди, холос. Нимадир бўлибдию танишимнинг раҳми келимми



ёки шунчаки эрмактаблиқданми, тўтиқушни қафасдан чиқариб қўйибди. Тўти қафас атрофидан кетмас эмиш. Шундай аҳволда уч кун ўтибди. Дўстимнинг баттар қитмирлиги тутибди. Қафасни яшириб қўйибди. Эртасига қараса тўти яширилган қафас ёнида ўлиб ётган эмиш. Мен учун ўлган тўти эмас, балким қафаснинг жодуси қизиқарлироқ. Бонси, тўтининг эътиқодидан-да кучлироқ бўлган қафаснинг салобати. Алҳол, сиз ҳам руҳингизга чиройли қафас ясаб олгансиз, мен ҳам. Руҳимиз ўзига тегишли бир-икки сўзингизга билади. Бироқ уни ташқарига чиқаролмайсиз, ташқарига чиқаришни истамайсиз ҳам. Негакки, уни ташқари еб қўяди. Энди гап биродар, қафасдаги руҳнинг қай даражада сайроқилигида. Бу сайроқи Абдулла Ориф, аниқроғи, унинг руҳий мўъжизасига бас кела оладими? Йўқ, албатта. Аммо Абдулла Ориф сайроғидан маст бўлиб хиргойин қилмоқ ҳуқуқи бор. Демак, хиргойи...

Мен унинг фалон шоир мактабидан иккинчи бири пайдо бўлган деганларга ишонмайман. Улар шоир эмас, хиргойилар. Ўзимга ўзим қўйидагича кўришман. Столда куддон. Ичида куйиб-куймаланиб, адоий-тамом бўлган сингарет, атрофда у сингариларнинг хокитуроби — кул. Ҳозирги аҳволим мана шу.

В.Ф.: — Ҳарқалай гўзал чиққан нарсаларингизда бу аҳволнинг тескарисини, ўта мушоҳадали ва ёпиқ кўнгли буй кўрсатади. Айниқса ўқиганларим ичида "Изоҳсиз лугат" асарингиз алоҳида ажралиб туради. Уни яратиб жараёнида барча руҳоний кучларингизни қалб майдонига ташлаган кўринасиз. У "Шарқ юлдузи"да дoston деб эълон қилинганда, китобда эса жанри кўрсатилмабди. Бу ҳеч нарсани белгилама-да, мен журналда ўқиб, 4-5 йил ичида илк пичоққа илинадиган дoston ўқигандай бўлувдим. Сизни бу гўзал, маҳобатли асар билан табрик этганлар бўлгандиру, уни ўзига яраша таҳлил этувчилар ҳамон топилмади. Ҳеч бир баҳосиз беш баҳор ўтди. Ҳамон мени унинг номидан тортиб, кўн жумбоқлари ўйлантиради. "Изоҳсиз лугат" номи нимага ишора. Бу билан Сиз маънавиятимиз ва бугунги кунимиз таҳлилини қилиб, унинг тубсиз, изоҳсиз эканлигини англамоқчи, англамоқчи бўлганмисиз? Бундай тақдирда ном асарнинг юракни тўқлаш нишонини ҳамда жамловчи нуқтаси бўлиб чиқади. Бу эпик асарда ўзини оқлайди, албатта. Аммо лирикада ўзига мосми? Шу жиҳатдан, эҳтимол, унинг бошқа бир номи бўлса керак, деб ўйлайман. Бўлса, яширманг.

Кейин жаҳон абдий тажрибаси тарозисига тортиб баҳо берилиши лозим. Бу асарни ёзишга Сизни нима ундаган? Қолаверса, бирон нарса яратганда ҳар бир ижодкор олдида маълум бир ички вазифа туради... Шулардан гапиринг?

А.Қ.: — Ҳақиқатдан ҳам "Изоҳсиз лугат" менинг энг яхши ёзган манзараларим. У сизга маълум тушганидан хурсандман. Адабиёт инсон дардлари баёнидир. Бунда мен бир оз инсоннинг жирканч дардларидан чеккан изтироб-

ларимни, нафратимни билдирдим. Сиз айтган гап тўғри. Ҳали бирор шеърсе-вар муносабат билдиргани йўқ. Менга бу муносабат керак ҳам эмас. Фақат ўзимга завқ-жозоба улашадиган бундай манзараларим камлигига алаҳим келади. Нимага дерсиз? Йилдан-йилга руҳ танбаллашиб бораверади. Яхши шеърларга нисбатда энгил руҳ керак. Бироқ буни фавқулодда деб билмайман, балки ўша лаҳзадаги руҳ изҳори, холос.

Бу ном нимага ишора дейсизми? Қай бирини атай? Мен сизни сиз мени тўла шарҳлай олмаганимиздек, ҳар биримизнинг ичимизда ўзича лаҳилладиган Тўфон бордир. Шу маънода ҳар бир одам лугат, лекин изоҳсиз. Оллоҳ бекаму кўст, тўғри яратган. Одам эса лугатни чалкаштириб юборган.

Журналда "Изоҳсиз лугат" дoston деб кетган бўлса-да, мен унинг жанри хусусида умуман қизиқмаганман. Унда бор-йўғи ўзимдан-ўзим бўзлагим келиб, ўзимдан жирканиб, ўзимни ссвиб, алқаб томоша қилганман.

В.Ф.: — Лекин "24 соат", "Тасаввур лаҳзалари" (айрим ўринлари) каби туркумларингизни ўқиганда юқорида сўз юритганларимиздан тамоман бўлакча фикрлар уйғотади. Эҳтимол мен бу туркумлар руҳини англамаганимдан, уларни ўқишга тайёр эмаслигимдан шундай хато хулосаларга боргандирман. Начора, бу шеърларда ўлиб гўзал ташбеҳларни учратиш мумкин, бироқ бир-бирини теран тўлдирадиган ўқ чизиқли мантиқ изчиллигини тўла тасаввур қилолмадим. Туркумдаги баъзи ўринлар хаёлга қандай келган бўлса, қозога шушдай тушганидан ишловтабироқ. Тўғри, шеърят тилсимининг бизнинг онгимиздан тепалардаям сайр қилиб юравериши мумкин... Ўзингиз уларни қандоқ изоҳлардингиз?

А.Қ.: — "24 соат"ни 19 ёшимда ёзганман. Табиатга қўшилгим келган. Бу хоҳишни айтишни жуда истаганман. "Тасаввур лаҳзалари" эса ўйин. Ноладан кесилган парчами, шодликдан олинган заррами, хуллас, шу. Уни тушуниш шарти олдга қўйилмаган, балки барчаси кўз ила илгашга қурилган. Хоҳласангиз уни Абдували Қутбидиннинг эрмаклари деб қабул қилинг. Мен учун туркумдаги сўзларнинг турфа рақсларда иштироки муҳим.

В.Ф.: — Кейин бу икки хил ифода йўналишидан ташқари миниатюраваш шеърларингизнинг ўзига хос шакли, оҳанграбоси ажралиб туради. Улар шоирнинг кундалик ёзмаларидай, ўзича хиргойисидай ўйлаб топилган донишмандликни четга суриб, тоза кузатишлар билан табиий, тартибсиз оқиб келади. Улардан кўнгли роҳатланади. Фақат мазмунига мутаносиб шакли-шамойили аллақачон бир йўлга тушган. Илҳом келса уларни ёзиш Сизга ҳеч нарса эмасми дейман?..

А.Қ.: — Миниатюраваш деганингизга тушунмадим. Мен бундай шеърлар ёзмаганман, шекилли. Мен кечин-ма, туйган, ҳиссиёт сувратлари билан ўйнашман. Мўъжаз тасвирда назарим-

да Баҳром Рузи Муҳаммад яхшигина завқ улашади.

В.Ф.: — Балки. Лекин мен миниатюрага ўхшаш нозик ва мўъжазлик билан атроф сувратланган шеърларингиз бор деб биламан. Баҳром Рузи Муҳаммадники эса бўлакча шакл ва оҳангдаги миниатюралар деса бўлади.

Энди "Чумоли ва жаноб", "Латифа", "Бу дунёда топанган ҳалол", "Бобур", "Фақат мен яшайман ўқиниб..." каби шеърларингизда эса ҳозир анъанавий ҳисобланган шеърятимизни яхшигина эгаллаган, кўнглини бунданам жижиллата оладиган бошқа бир шоир чиқиб келади. Лекин бундай шоир бўлиб кўзга ташланмаслик учун ўзингизни жилловлаб турганга ўхшайсиз. Вақт ўтиб баъзи бир экспромларингиз эсдан чиқиб, юқорида саналган жайдариғина шеърларингиз яшаб қолиши ҳам мумкин. Қайси шеърларингиз ўзингизга кўпроқ ардоқли?

А.Қ.: — Енгилгина шеър ёғим келади баъзан. Қоралайман ҳам. Бироқ кўпинча уйдасидан чиқолмайман. Кўл ўрганмаган. Талабалгимда бундай шеърларни боладирим. Ҳамма тушунади, қарсак чалади, шеърингни ёд олади. Уч кунда машҳурсан.

Бироқ кўнглимга бу тарздаги ифода усули зид. Қолаверса осонгина йўлнинг ҳалокати ҳам осон. Эшикни ёпганда қарсиллатиб эмас, чиройли ёпиш керак. Кўнглимга кўпроқ азобланиб айш улашиб, ўзимам айш топадиган шеърларим маълум. Ҳозирча, албатта. Кейин... кейин бундан афзал бўлишини ким билади?

В.Ф.: — Орта келатганлар озми-кўмини Сиздан ҳам ўрганишни истадилар. Таъсирингизга тушиб, тақлид қилаётганларни ўзингиз ҳам сезаётган бўлсангиз керак. Таъсир, тақлид ҳақида нима дейсиз? У қай манзилга олиб чиқади? Тақлидчиларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

А.Қ.: — Мени ҳурмат қиладиган азизларим, биродарларим кўпинча кўнглимга қараб "зўр шоирсан" деб юпатишади. Гўё шундай дейишмаса мен шеър ёзмай қўядигандай. Шукрки, мен ҳам ҳамма қаториман. Зўрликка даъвом йўқ. Худди шунингдек биронинг кўнглимга суқилиб киришини, ҳалақит беришини ҳам ёқтирмайман. Кўнгли, бу — менинг ҳукуматим, давлатим. Унинг подшоси ўзим. Кимдир таъсирланган бўлса, бу менинг айбим эмас. Таъсир ва тақлид мўртликда кечади. У ширинликка ўч қурт кабудир. Тезроқ қутилиш хосиятли. Тақлидчилар энг буюк шеърсеварлардир. Тақлид қилаверсинлар. Барибир, шу доирада қолиб кетаверадилар.

В.Ф.: — 60-йиллар ўзбек шеърятига юрагини тақдим қилган икки ёки уч шоир XXI асрда ҳам ўша шеърларидан бирга бўлишга илоҳонам. Улар бир-бирига жуда яқин, улар бир-биридан жуда олис. Масалан Абдулла Ориф ва Рауф Парфи шеърятини олайлик. Уларнинг хизматини Сиз қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

А.Қ.: — Абдулла Ориф ва Рауф Парфи шеърятини олийжанобликдир. Шундай илтифот, лутф, эҳтиром ва



инқилоб бўлмаганда сиз ва мен шеър ёзмасмидик. Уларнинг борлигига қул-лук.

В.Ф.: — Уларнинг изидан 70-йилларда яна бир авлод шеърятимизга гуриллаб кирди. Балки шеърга ҳавасим улар айна шитоб билан олға кетаётган бир пайтда тўғри келганиданми, улар кўзлаган манзил шеърятимизни янада гўзал, сероҳанг қилишига бел болаганларини туйганман. Улар бунга маълум маънода эришишди ҳам. Лекин ҳозир уларнинг энг иқтидорларидан биронтаси шеър азобида яшаётганимикин? Балки улар иқтидори учун шеърят торлик қилиб қолгандир ва ёки Сизнингча бошқа сабаблари борми?

А.Қ.: — Ҳозир ички инқироз мавсуми. Бу табиий. Мустамлака давридан истиқлолга, юрак орқали ўтиш жараёни мураккаб кечади. Қолаверса, кўникама шаклланмаган. Эрта-нидин катта гулханлар пайдо бўлиб, вақт кемтикларини тўдиради. Тана ҳам дарахт пўстлогидай теваракка мослашади. Кеча шитоб этганлар, эртага яна шитоб этадилар.

В.Ф.: — Сиз қатори шеър оламига кириб, янгича, ўз овозлари билан шеърсеварлар назарига тушган Эшқобил Шукур, Баҳром Рўзи Муҳаммад, Сирожиддин Саййид, Ҳалима Аҳмедова, Азиз Санд, Зулфия Мўминова ва бошқалар эртанги адабиёт учун ҳам яна нима ишлар қилишга қодир, деб ўйлайсиз?

А.Қ.: — Мўъжизалар умид қиламан.

В.Ф.: — Ҳарна бўлса-да, сизларнинг авлод вақтида шаклланган, ўзининг йўлини топа билган 85-90-йиллар оралигида кўринган укаларингиз тенгиларнинг (улар орасида ўзим ҳам бор) ижодидан ҳеч кўнглим тўлмайдми. Назаримда бу орадагилар аросатда қолгандек ҳалигача иқтидор ва имкониятда фавқулодда тенгсиз бир жиҳатларини кўрсата олганларича йўқ. Бунинг устига иқтисодий қийинчилик палласига тўғри келди. Ёки Сиз бошқача фикрдамисиз? Уларнинг янги-ча бир йўллар очишларига, ҳеч бўлмаса ҳозиргидан бошқача нималардир ёза олишларига ишонасизми?

А.Қ.: — Бу кунлар — англамак палласи. Бу паллада истеъодлар гуриллаши мушкул. Сиз тенгиларнинг орасида ҳам яхши шоирлар кўп. Фақат намойиш этиш қурби яна ўша ичкарида. Ижод мураккаб тарих. Уни башорат этмак душвор. Ҳар нечук руҳ ва унинг қаноти борлиги муҳим. Худо хоҳласа, ажойиб наволар топилар.

В.Ф.: — Охирги саволим. Сиз қандай шеърлар ёзишни ва ўқишни орау қилиб юрибсиз?

А.Қ.: — Хўжа Ҳофизни мутолаа қиламан. Рангин шеър ёзим келади. Худди гулдастага ўхшаса. Ўқиб ҳузур қилсанг, қараб лаззатлансанг. Тафаккуринг мушкка гарқ бўлса...

Куч етмайди, шаҳд кам.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

ДИЛХУН

### Мен сизни алдадим... алдамадим деб...

#### Умрим қизгалдоқнинг кўз ёшига тенг

Мени азобларга никоҳлаб бериб,  
Кетдинг-а, оргинга қарамай кетдинг.  
Дилим тугёнини бўғиб, улдириб,  
Ҳар тонг эшигингдан юз бора ўтдим.  
Ўтсам, кўзларимдан тошар бардошим,  
Ювиб-ла йўлимнинг қораларини.  
Ҳайрият, сен борсан мунглиг кўзёшим,  
Куйдиргил, кўнглимнинг йраларини.  
Бенаво севгимнинг устидан қулиб,  
Кетдинг-а, кўзингни юмиб-ла кетдинг.  
Жисимини минг битта булакка бўлиб,  
Согиниш бахтига кўмиб-ла кетдинг.

\* \* \*

Зил-замбил нигоҳлар бағримни тилса,  
Кўзимдан отилса аччиқ гуноҳлар.  
Сенинг хаёлинг-ла тентираб кезсам,  
Лаб бурса ҳолимга ху тийрамоҳлар.  
Моҳдамас, гуноҳдан паноҳ кутардим  
Гуноҳлар юртида қолиб кетардим.  
Аччиғи чиқса гар дунёо дунинг,  
Армонқиз кўйлағин қайчилаб қирқсам.  
Лабларин куйдирсам кўзи оҳунинг,  
Кўмсанг, атиргулдай ўсиб-ла чиқсам.  
Бахтданмас, баҳордан паноҳ кутардим  
Атиргул баргида қолиб кетардим.  
Юлдузлар айтсалар баҳр байт шўх-шод,  
Она бугу берса олтин бешигини.  
Дилимни дилингга айласам пайванд.  
Ой очса, менга ой бахтнинг эшигини.  
Бахтнинг талх этагин ўпиб ўтардим,  
Юлдузлар юртида қолиб кетардим.

\* \* \*

Юлдузлар бошимни силашса,  
Ойнинг этагида ухласам.  
Дилимнинг дардларин ажиндай  
Шўрлик пешонамда тахласам.  
Тасбеҳин ўгирса момақалдироқ,  
Қизгалдоқ кўзида ёшга айлансам.  
Ҳижронлар ёққанда ажиначиरोқ,  
Бойчечак бахтига бойлансам.  
Чапак чалса куз шамоллари,  
Ва умримни эғовлаб ўтса.  
Сабри тўлган, саргайиб сўлган,  
Япроқ мисол узилиб кетсам...

\* \* \*

Мен сизни алдадим, еллар чангини,  
Сомон сочларимга сегиб кетдилар.  
Шабанм йўриқлаган мурғак туйғуни,  
Бағритош шамоллар тегиб ўтдилар.  
Мен сизни алдадим, алдамадим деб,  
Кўзу қошларимдан тўкилди рўё.  
Алдайман, минг бор минг  
пушаймонлар еб,  
Алдасам, лол қолар алдамчи дунё.  
Мен сизни алдадим, қарганг гарқанд,  
Умрим қизгалдоқнинг кўз ёшига тенг.  
Майли, мандан ясанг аччиқ хўрозқанд,

Кейин йиғлатинг-у, пушаймонлар енг.  
Мен сизни алдадим, алдаганим рост,  
Энди ёш керакмас, кўз ёш керакмас,  
Ғамбода дилимни ўйнаманг асло —  
Мен сизга... Мен сизга... Кўтирюк эмас.  
Мен сизни алдадим, минг алам қилсин,  
Аламлар бир ширин, бир гўзал ширин.  
Сизга минг аламлар насиба бўлсин,  
Ушал аламларда умрим яширин...

\* \* \*

(...га)  
Аразингиз кўзларимга сурма қилай,  
Кўнгилад гул деб минг бор ўлиб,  
минг тирилай,  
Сизга ёлғиз мен қалампирмунчоқ  
бўлай,  
Аразларда жоним қолиб кетсин  
менинг!  
Афсун ўқинг, айланайин,  
мажнунтолга,  
Алла айтай сизни севган  
лайлакқорга,  
Армон бўлай менга армон бўлган  
ёрга,  
Афсунларда жоним қолиб кетсин  
Менинг!  
Кетинг, фақат дилим қайтиб бериб  
кетинг,  
Суйган кўнгилад кўз ёшини кўриб  
кетинг,  
Телба дилни бир шапалоқ уриб кетинг,  
Кўз ёшларда жоним қолиб кетсин  
Менинг!  
Йиғлай-йиғлай тоғу-тошга эртақ  
айтай,  
Ташлаб кетинг қорақошим, Ойга  
етай,  
Қалбингизга ёмғир бўлиб сингиб  
кетай,  
Ёмғирларда жоним қолиб кетсин  
Менинг!  
Ўзгаларга сизнингмадим сиз бор учун  
Суйдим ишқу ошиқ деган сўз бор  
учун,  
Шукр қилинг Яккабоғлик қиз бор  
учун,  
Ўзингизда жоним қолиб кетсин  
Менинг!

Дилхун (Сафия Мингишева) 1971 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Дотқуш қишлоғида туғилган. Шу йил ТошДД журналистика куллиётига битирди. Айни пайтда жумҳурият радиосида хизмат қилмоқда.

Шеърлари "Ёшлик"да илк бор чиқиши.



Йўлдош ЭШБЕК

# ҚАЙДАСАН, ҚАЙДАСАН, ЖОНИМДАЙ ХАЁЛ

\* \* \*

Ташвишлардан хориб гоҳида  
Сени эслаб йиғлайман жим... жим,  
Қудратинг зарраси оҳимда,  
Ўзимники ожизлигим.  
Йиғламоққа муносиб этдинг,  
Йиғламоқни хуш насиб этдинг.  
Яхшилик саргаюр қовжираб,  
Ҳикмат бор — қолмасман довдираб,  
Кўкдамда куртакнинг кулмаги...  
Ранжитмас менинг-да ўлмагим.  
Мушкулотим бўлди машгулот,  
Барчасини қилма мушкулот.  
Бир қадарлик менга осон қил:  
Сенга осон — менга имкон қил.  
Ожизларининг ҳолин сўрамоқ,  
Сўраганини нурга ўрамоқ,  
Умидга буркамоқ ҳимматинг,  
Интилоқ, сўрамоқ — меҳнатим.  
Шукрим, мен тикка юрарман.  
Шукрим, эгилиб сўрарман,  
Хайрият, турарман кўп шодмон,  
Устимга йиқилмас бу осмон.  
Қувонмоқни хуш насиб этдинг,  
Қувонмоққа муносиб этдинг.  
Кўмарсан, уруғдай экарсан,  
Кўкарсам, яшнаб бош кўтарсам,  
Тиз чўкмоқни хуш насиб этгин,  
Тиз чўкмоққа муносиб этгин!

\* \* \*

Мен гўзаман, гўзаман,  
Пешонангда ўсаман,  
Юрагингда илдимиз,  
Дунёларни тўсаман.  
Мен дунёман, оқ-яшил,  
Гоҳ хаста, гоҳ соғ яшил.  
Баргим сени кўтарар,  
Қўлинг қилтироқ яшил.  
Сўйласанг раводирман,  
Куйласанг наводирман,  
Бахтли ё бахтсизликми,  
Ўйласанг маънодирман.  
Хуш, мен кимга кийимман,  
Мен амалман, уйингман,  
Бир ёқларга оқаман,



Сенга бола чақаман,  
Сендан кўра абжир бор,  
Юртга юртдек ботир бор,  
Шифо эмас, ҳаво йўқ!  
Илдимизда хажр бор.

## ДЕВОР

Кўнглимга кун тушмай қўйди тамоман,  
Шайтонсан — кимдандир туғилган девор.  
Сен пана эмассан менга ёмондан,  
Яхшига тўсиқсан — ҳамиша маккор.  
Кўпдан нур нелигин билмадим, ахир,  
Сен осмон қадарсан, мен дарахт қадар.  
Аслинг нимадир, наслинг нимадир,  
Сен тошдан қаттиқсан, метиндан бадтар.  
Ким уриб кетгану, ким қўйиб кетган...  
Ортингда не бордир эслайман элас.  
Танимда нур изи... мен тўйиб кетган  
Бандан ожизман, жонда зада сас.  
Кунботар тарафга чўзаман қўлни,  
Чил-чил синиб кетмиш қонталаш шафақ.  
Во ажаб, улкан бир издиҳом йўлни  
Сен томон бурмишу, тиланар шафқат!  
Гарчи кўрмасангда кўзим ёшини,  
Кўнглимнинг қонини ичарсан сармаст,  
Во ажаб, қандайдир тўда бошини  
Сенга уришадир, саждага эмас!  
Ўзлари уқувсиз, фосиқ кўтаран,  
Балки кичикдурсан, ёки ўртасан,  
Балки бир қатласам сендан ўтарман.  
Лекин сен жонимни бунча ўртарсан.  
Ўтга тушган поллопондир ҳаётим,  
Мен фалаҳ истайман, истайман фалаҳ.  
Нафсимни ўлдирсам, чиқар қанотим —  
Сендан қутулай деб, жонгинам ҳалак.  
Ўзингинг ишинга ўзингсан шайдо,  
Сен шаффоф эмассан, "ҳалим"роқдурсан.  
Дўстлар орасида бўларсан пайдо,  
Хитой деворидан қалинроқдурсан.

\* \* \*

Аввал менга кўриларди;  
Ой  
Гул,  
юлдуз — гул,  
одамларнинг қулгичлари,

бузоқларнинг қулоқлари,  
 рўмоннинг силкинган учлари,  
 чопоннинг ямоқлари!  
 Барча-барчаси!  
 Энди Ой — Нон парчаси,  
 юлдузлар — тариқлар  
 ютоққанлар олазарак...  
 какликлар —  
 Олтиндан қафаси бор,  
 замонга мос  
 нафаси бор!  
 Бузоқнинг қулоқлари,  
 орриқ, нигичка,  
 ёт қулоқлари — давроннинг  
 отқулоқлари,  
 рўмоннинг учлари — чойқоқи япроқлари,  
 чопон ямоқлари — чориклар,  
 ҳулволар — ҳалво,  
 фудоналар шифо,  
 одамларнинг кулгичлари —  
 бугдой бошоқлари  
 каби туюлар.



## УМИД

Ой — бевадир,  
 Дарахтлар мунгайган тул каби,  
 Ишқ — қисматдир,  
 Бардош — бевадир,  
 Бахт — хазонлар аро гул каби,  
 Шамол — бева  
 Дайронотларда  
 Соҳилларга урар бошини,  
 Саҳроларда синган лошини  
 Ҳанглимай ёнтоқлар зада.  
 Гўё улкан сарой бу дунё,  
 Кимсасиз ҳувиллаб ётадир,  
 Юлдузларга айланган само —  
 Чўғлар каби кўзга ботадир!  
 Куйлаб бўлмас,  
 Энди кўксим-ла —  
 Дарёсидан жудо ўзандир.  
 Йиғи эмас,  
 Кўнглим, ўксима.  
 Чорлаётган мени азондир!  
 Нимадир қуюлар  
 бир денгиз,  
 бир қўл...  
 бас! — дейман, — ҳўл бўлдим,  
 ҳамма ёғим ҳўл!  
 Мен ўзим бир халқча  
 кабирман! — ҳолингга войман! — маънан сағирману,  
 мен қалбан бойман!  
 Одамларнинг кулгичлари барибир —  
 бугдой бошоқлари каби нурлидир!  
 — "Қайда ўсар ўзи бугдой бошоғи?"  
 — Менинг хаёлимда!  
 Нур бўлиб порлар!  
 Гул бўлиб чорлар!  
 Еб бўлмас, —  
 деб бўлмас,  
 емадим,  
 кашф этиб бўлмас! —  
 демадим,  
 мен — Йўлдош Эшбек,  
 кашф этдим — Гул  
 шу ерда,  
 шу юрда,  
 сана: 2 ноябрь,  
 1992 йил.



\* \* \*  
 Менинг атрофимда ҳўвлаган шамол,  
 Одамлар тўни бор шамоллар аро.  
 Қайдасан, қайдасан, жонимдай Хаёл,  
 Саробдай жонимсан, жонимдай сароб,  
 Фақат сен тушимга кирасан.

Лолалар уммони ичра лолами,  
 Болалик, ўсмирлик умрим эдингми,

Кетдингми, уздингми, сен жон толамни,  
 Ноламни чўздингми, чўзиб кетдингми,  
 Фақат сен тушимга кирасан.

Хазонлар айланиб йўлимга тушди,  
 Қўлимга тушди-ку бойланиб шамол,  
 Шамол бу арқонми қўлим увушди,  
 Йўлларим увушди. Азоблари бол,  
 Фақат сен тушимга кирасан.

Армонинг бевад, саробинг тузоқ,  
 Ғамларинг яқиндур, шодлигинг узоқ,  
 Мен сени эслайман, кулгуларинг — гул,  
 Дунёда энг гўзал, азобли кулгу!  
 Фақат сен тушимга кирасан.

## ҚИЗ ҚУШИҒИ

Мени сенга урганлар,  
 Сендан олиб отгайлар,  
 Кулиб қараб турганлар,  
 Бир чақага сотгайлар.

От-уловли бўлишиб,  
 Қўни-қўнжи тўлишиб,  
 Тўй қилишар, тўйишар,  
 Қора қўчқор сўйишар.

Қора қўчқор қонидай  
 Қора қирмиз қонимиз.  
 Пичоқ ботган жонидай  
 Оғриб турар жонимиз.

Аза бўлганга ўхшар,  
 Жазза бўлганга ўхшар,  
 Ларга маза, бизга  
 Аза бўлганга ўхшар.

Турпоқ борга ўхшайди,  
 Ботиб борар пойимиз,  
 Дунё торга ўхшайди,  
 Осмон учар жойимиз.

Осмон учар жойимиз,  
 Дуня яроқ мисоли,  
 Саргаяди ойимиз,  
 Қилич бўлди ҳилоли.

Осмон тўла седана,  
 Териб есин бедана,  
 Учиб-қўниб қўвнайлик,  
 Дилдан ғамни қўвайлик!



## СУВРАТ

Нечун кўчаларда гулг тошлар ётар,  
 Нечун эшикларнинг тош кўксиди қулф?  
 Гулларга ўзининг хорлари ботар —  
 Тугмача гулчалар нега урмас қулф?!

Гўё бу шаҳарнинг ботир ҳокими  
 Ўтгану барчанинг солинган боши,  
 Гўё пастлаб қолган осмон тоқини  
 Кўтара олишмас олинган Боши.

Кўзимнинг олдида гўёки ҳаёт;  
 Сувратдан — милтиқдан отилади ўқ —  
 Аммо мен қўрқаман солмоққа... фарёд,  
 Менда сабр йўқдир. Менда сабр йўқ.



## "СТАЛИННОМА"

Юрий Боровнинг шу номдаги китобидан айрим нарчалар

### ТЕЛЕФОНДАГИ СУЎБАТ

Театр бошқони хонасида кўнғироқ жиринглайди. Бошқон гўшакни кўтаради:

- Алё.
- Менга директор керак.
- Эшитаман. Ким бу ўзи?
- Мен — Сталинман.

Гўшакдан қисқа-қисқа овоз эшитила бошлайди. Сталинни яна театр билан улашади. Бу сафар котиба жавоб беради:

- Алё.
- Менга директор керак. У нимага гўшакни илиб қўйди?
- У киши ҳозиргина юраги ёрилиб ўлди.

### ДОҲИЁНА ХУЛОСА

Сталиндан сўрашади:

— Ёзувчи N ни нима қилсак экан-а? Уни троцкийчиликда айблаш-япти. Лекин унинг айбисизлигига далиллар етарли. Бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин?

— Одам бор экан, муаммо ҳам бўлади. Агар у йўқ бўлса, муаммо ҳам бўлмайди, — уқтирди Сталин.

### ИМКОНИЯТ

Урушгача Украина қишлоқ хўжалик халқ комиссари бўлиб ишлаган арбобни ўта муҳим масала бўйича ҳисоб бериш учун Масковга — Сийсий Бюрога чақиришди.

— Мен қай тарзда ҳисоб берай: қисқачами ёки муфассалми?

— Ўзингиз биласиз, — деди Сталин, — хоҳласангиз муфассал, сизга уч минут вақт берилади.

### ДАЛДА

Сталин ВКП (б) тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудир А.И.Стецкийни ёқтирмасди. Стецкий Сталинга мурожаат қилиб, Шолоховга таъсир кўрсатиш, ёзувчи эса Григорий Мелехов тасвирига тузатиш киритиши кераклигини айтади. Сталин (гарчи ўзи мутлақо амал қилмаса-да) шундай деб танбеҳ беради: "Ижодий жараёнга аралашин мумкин эмас. Ижодкорга уни қил, буни қил, деб буюриш ярамайди".

Уша Стецкий бир даврада Шолоховга яна осилади: бош қаҳрамоннинг Мелехов душман, уёқ-буёқ. Охирида қаттиқ туриб қолди:

— Сен, Шолохов, хўшшайиб ўтирмай, жавоб бер.

— Сизга МК аъзоси сифатида жавоб берайми ё оддий одамдек?

— Одамга ўхшаб.

Шолохов Стецкийнинг олдида келди ва башарасига тарсаки тортиб юборди.

Эртасига Шолоховга Поскребишев сиз қоқад:

— Ўртоқ Сталинни бир нарса жуда қизиқтиряпти: Стецкийнинг танқидига

тарсаки билан жавоб берганингиз ростми?

- Ҳа, рост.
- Ўртоқ Сталин сизни тўғри йўл тутгансиз, деб ҳисоблайди.

### "ИККИОЗЛАМАЧИ"

Отишга ҳукм қилинган Ион Якир ўзинга ўқ узинган пайтда бор овоз билан: "Яшасин ўртоқ Сталин!" — деб ҳайқирган. Қатлдан сўнг Сталинга бу ҳақда айтишганда, у димогида кулди:

— Бу одам ёмон иккиозламачи эди-да.

### БИЗГА ТЕГИШЛИ ЭМАС

1937 йилда Ока Городовиков Будёнийга ваҳима қипти:

— Семён! Ҳаммани ёнишига олиш-япти! Нима қиламиз?

Будёний бепарво қўл силтайди:

— Ҳамманимас, фақат калласи ишлайдиганларни. Бунинг бизга алоқаси йўқ.

### ЧИНАКАМ РОҲАТ

Ўттизинчи йилларнинг охиридаги бир ўтиришда Сталин ўртага эркак киши учун энг зўр роҳат нимада, деган савол ташлайди. Даврадагилар: аёллар, иш, Ватанга фойда келтириш ва ҳоказоларни айтишди. Сталин бутунлай ўзинга хос фикр билдирди:

— Чинакам роҳат — душманни янчин, ана ундан кейин яхши туржи виносидан ичин.

### ЗАВҚМИСАН — ЗАВҚ!

Сталин халқ душмани сифатида ўлимга ҳукм қилинган йирик партия ходимларининг ўлимоли ҳолатида суратга олишни буюрган. Кейин эса буларни мароқ билан томоша қилиб ўтирган.

### ФИ:КР

Сталин МХАТда спектакл кўрапти. Иккинчи кўринишдан кейин Станиславский ва театрининг бошқа раҳбарлари ҳурпайиб олган доҳийнинг юзига қараб жовдираб туришибди. Сталин уларнинг бу оғир ҳолатдан чиқишларига кўмаклашмайди. Ахийри кимдир сўрашга журъат қилади:

— Ўртоқ Сталин, сизнингча спектаклимиз қалай?

— Зерикарли...

Ҳамманинг ранги ўчиб кетади. Уларга қараб анча маза қилган Сталин кўшиб қўяди:

— ...ташарфус пайтида.

Ҳамма бирданга кулиб юборди.

### ИШГА ТАЙИНЛАШ

1938 йили И.С.Исаков ҳарбий-деп-из флоты халқ комиссарининг муовини эди. Орадан саккиз йил ўтгач Сталин унга кўнғироқ қилди-да, уни ҳарбий-

денгиз бош штабининг бошлиғи қилиб тайинлаш лияти борлигини айтади.

— Ўртоқ Сталин, сизга шуни айтиб қўйишим зарурки, менда жуда катта камчилик бор — менинг битта оёғим йўқ, — деди Исаков.

— Айтиб қўйишни зарур деб билган камчилигингиз шунинг ўзими?

— Худди шундай.

— Ҳечқиси йўқ, Илгариги штаб бошлгининг калласи йўғиди, балодай ишлайверган.

### ФАХРИЙ ҚОРОВУЛЛИҚДА

Ал. Прокофьев шундай ҳикоя қилади:

— Горький вафот этди. Ленинграддан тўғри Колонналар залига келдим. Фахрий қоровулликда турибман. Рўпарамда Погодин, ёнимда эса Федин. Кўзёшлар кўзимизни тумандек тўсиб қўйган. Қарасам, Федин кўзёшларини артяпти. Погодин жудаям қайгули ҳолда бошини эгиб олган. Бирдан Сталин пайдо бўлди. Ҳаммамиз бир сесканиб тушдик ва... қарсақ чала бошладик.

### "РЕЗОЛЮЦИЯ"

1947 йилда Бельгия қироличаси Леонид Коган ва бошқа шўро му-сикачиларини скрипкачилар кўригига таклиф этди. Сталин таклиф қозонинг устига шундай деб ёзиб қўйди: "Жўнатилсин. Биринчи ўрин эгаллансин. И.СТАЛИН".

### ТАРБИЯ

Каплернинг Светланага хушомад қилиб юрганини эшитган Сталин қизини тошойна олдига етаклаб келди-да, шундай деди:

— Башарапга бир қара. Сениям севиб бўладими ахир?

### КИМ ҚАМАЛСИН?

Сталин Берияга:

— Лаврентий, Светланага авани саргузаштлари менга мутлақо ёқмаяпти. Қамаш керак!

— Кимни? Светлана Иосифовнаними?

— Ҳе аҳмоқ! Каплерни!

### ХУДОДАН ҲАЙБАТЛИРОҚ

Гуржи православ черковининг патриархи Масковга келди-да, мусофирхонага жойлашди. Сталин унга сим қоқди:

— Ҳа, нимага менинг ёнимга келмадинг? Эски дўстлигимизни эсдан чиқардингми?

Сталин жўнатган машинада патриархни олиб келишди. Зиёфат қуюқ бўлди. Қадаҳ сўзларининг кети йўқ. Семинарияда бирга ўқишган даврларини эслашди.

Сталин кутилмаганда сўраб қолди:

— Сен кимдан кўпроқ қўрқасан: худоданми ё менданми?

Патриарх худони ҳам, Сталини ҳам тан олишини айтиб мингилдай бошлади. У эса шартта гапни бўлди:

— Мугомбирлик қилма! Агар сен мендан кўра худодан кўпроқ қўрқганимда, менинг олдимга черков кийимида келардинг, сен эса динсизларга ўхшаб кийиниб келдинг.

### ДОҲИЙНИНГ МИЛЛАТИ

Урушдан кейин галаба шарафига уюштирилган қабул маросимида Сталин рус халқи ва унинг сабоги ҳақида жуда пурмаъно путқ сўзлади. Маршал Рибалка унинг ёнига келиб: — Уртоқ Сталин, сиз рус халқи тўғрисида қандай ажойиб гапларни айтдингиз! Жуда чуқур! Узингиз гуржи бўлатуриб, рус халқини қаёқдан бунчалик яхши биласиз-а? — деб сўради.

— Мен гуржи эмасман, мен русман, — деб ҷўнгиллади Сталин жудаям энсаси қотиб.

Гуржистон тарихи бўйича катта ишлари учун Сталин мукофотига сазовор бўлган олимларни доҳийнинг ўзи қабул қилди. Уларни ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Сталин улар билан фақат русча гаплардан ва гўё билмагандек нуқул: "Мана, масалан, сизларда гуржиларда..." — деб қўярди. Бироздан кейин: "Уларда, русларда эса..." — деди. Қирқинчи йиллар охирида Сталин ўзини ким деб ҳисоблаган экан? Гуржими? Русми? Энг аниқроғи, миллати йўқ ва бўлишига мумкин бўлмаган худо деб ҳисоблаган.

### ХАЛҚЛАР ҲОМИЙСИ

Қирқинчи йилларнинг ўртасида Сталин чечен, ингус ва бошқа халқларни мажбуран сургун қилди. Уларнинг катта қисми йўлларда қирилиб кетди. Хусусан ёш қиз-жувоқлар кўпроқ ўлишти. Уларни ҳайвон танишига мўлжалланган юк вагонларига тикишганди. Буларда эса ҳожатхона бўлмайдди. Бекатларда соқчилар ҳеч кимнинг пастрга тушишига йўл қўймасди. Ҳаёси кучли тоғлик қиз-жувоқлар эркаклар қаёқ олдидан ёзишполмасди ва натижада заҳар бутун танага ёйилиб ўлиб кетишди.

### ЖАЛЛОД — ҲАЛОСКОР

Ўттизинчи йиллар охирида Доғистоннинг партизний раҳбари бўлган Дониёлов шу вазифада 1968 йилгача ишлади. (30 йил, яна қанақанга даврда!) 70-йилда у олдиндан тайёрлаб қўйилган жойга — шарқшунослик маъҳадига ишга ўтди ва Доғистонда социализм қурилиши мавзусида докторлик иши ёзди. Қўллаб доғистонлик илм ва маданият арбоблари унинг эски айбларини юзига солишиб, ишни тасдиқламадилар. Уни шафқатсиз қатлиом сибсатини ўтказишда айблашди. Аслида Дониёлов ўз халқининг гамжўри ва ҳаттоки ҳалоскори эканлигини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган. Қалмиқ, кабардин-болқор, чеченлар сургун қилинган, Сибир ва Қозогистонда очлик, совуқ ва ватан ҳажрида ёниш оқибатида ўлаётган пайтда Сталин доғистонликларни ҳам сургун этишга буйруқ берди. Дониёлов бу ишни қўллаб-қувватлаш ҳақида олдиндан огоҳлантирилган ва яқинлашиб келаётган фалокатни биладиган якка-ю ягона шахс эди. Махачқалъадан Дарбадига

қадар чўзилган 200-300 км. масофада бу ёвуз ниятини амалга ошириш учун юк вагонлари тахт қилиб қўйилганди. Шунда Дониёлов ўз халқини асраб қолиш учун ўлимнинг юзига тик қаради. У Масковга бориб, Микоян орқали Берияга учрашиб, уни Доғистонни асраш учун иттифоқчи қилишга уринди. Берия у билан жўрқаниб, истеҳзоли оҳангда гаплашди:

— Сени тушунолмаяман, нима бало, жонингдан тўйганмисан? Ахир биласан-ку, бу борада ўртоқ Сталиннинг буйруғи бор. Нима, сен бунга қаршимисан? Унда, қани, деворнинг ёнига тур, мен сенга мурувват қилиб шахсан ўзим отиб ташлай қолай.

Бериядан ёруғлик чиқмади. Ҳадемай у Дониёловни қамаш учун Сталиндан рухсат олишим аниқ бўлиб қолди. Дониёлов яна бир таваккал қилди ва яна ўша Микоян ёрдамида Сталин ҳузурига киришга эришди. Дониёлов Сталини ўзининг ҳақлигига қисман ишонтиришга, уни қисман қўрқитишга ҳам муваффақ бўлди. Доғистонликларнинг шўро ҳукуматига содиқлиги, чоризм вақтида озодлик учун курашда, газавот, Шомил аъёнлари бўйича катта тажриба тўплаган халқлиги, ўз вақтида Шомилининг Русия билан уруш олиб боргани жаҳон миқёсида гап-сўз бўлишини ёслатади. Режалаштирилган сургун силлиққина, қон тўкилмасдан ўтмаслигини бўрттириброқ таъкидлади. Бу ишни ими-жимиде қилиб бўлмаслиги, халқ тоққа қиқиб кетиб, сўзсиз қаттиқ қаршилик кўрсатиши ва урушда юрганлар ҳам қайтиб келиши тайинлигини қайтараверди. Сталин бирданига қувноқ ва меҳмондўст қиёфага кирди:

— Маъқул! Сургун қилмаймиз, фақат армияга ўттиз минг аскар бераман. Қўлингдан келадими? — деб сўради.

— Келади.

Дониёлов Махачқалъага омон-эсон етиб келди ва ёшми-қарими, яроқлими-яроқсизми, сурништирамасдан урушга жўнатиб юборди. Уларнинг кўплари ҳалок бўлишди. Ушалар жони эвазига халқ дарбадарликдан омон қолди. Доғистон ўз ҳалоскорини билмайди, уни фақат ўз халқининг жаллоди деб ҳисоблайди. Аслида бу тўғри, лекин бутунлай эмас. У — жаллод-ҳалоскордир.

### СТАЛИННИ ҚЎРҚИТГАН ЧОЛ

Тожиқ санъати ва адабиёти ўнқулиги туғани муносабати билан қабул маросими уюштирилди. Сталин ўрнидан турди-да, қадаҳ сўзи айтди:

— Улуғ тожиқ халқи учун, унинг ажойиб санъати учун, Рудакий Фирдавсий ва...

Шу пайт столнинг охирида ўтирган жиккаккани чол заиф овозда қичқирди: — Бираф! Старий литературоведение капут!

Ҳамма бир зум музлаб қолди. Лекин Сталин гўё ҳеч нарса бўлмагандек қайтадан сўз бошлади:

— Ажойиб тожиқ санъати учун, Рудакий, Фирдавсий ва...

Бояги чол яна ҳайқирди:

— Бираф! Старий литературоведение капут!

Ҳамма яна қотиб қолди. Чол шартта ўрнидан турди-да, тўғри Сталинга қараб юрди. У эса саросимада. Икки йигит дарров чолни ушлашди.

Сталин ўзига яқин жойда ўтирган Тожикистон МК котиби Ҳусейновга саволмуоз қаради.

Ҳусейнов тушунтира кетди:

— Бу киши таниқли ёзувчи ва адабиётшунос Садриддин Айний бўлади. У боғ: "Браво! Старому литературоведению пришел конец!" — деб қичқирди. ("Қойил! Эски адабиётшуносликнинг умри тугади!" — демоқчи бўлган экан-да!) Айний неча замондан бери "Фирдавсий тожиқ эмас", дейдилар билан тортишиб юрарди. Фирдавсийнинг тожиқ эканлигини шахсан Сталин таъкидлаганидан терисига сизмай кетди.

Сталин ўрнидан туриб, қўриқчилар ушлаб турган чол ёнига келди-да, мўйловини учирди. Йигитлар уни бўшатишди. "Сиз кимсиз?" — сўради Сталин. Чол тиз чўкди ва камтарин қўл Садриддин Айнийма, деди. Сталин яна сўради: "Айний, бу — тахаллус. Ҳақиқий фамилиянгиз қанақа?" "Садриддин Саидмуродзода", деб жавоб берди Айний. Шунда Сталин унга қўл узатди-да: "Танишиб қўйялик, Жугашвили", деди.

### "ЗВЕЗДА" ВА "ЛЕНИНГРАД" ЖУРНАЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ёзувчи Зошенко болалар учун Ленин ҳақида ҳикоялар ёзди. Уларнинг бирида шундай лавҳа бор: Ленин Кремлдаги ўз ишхонасига келяпти. Соқчи уни тўхтатади ва рухсатнома сўради. Владимир Ильич рухсатномасини ахтараётганда, унинг ҳамроҳи (бахтга қарши, мўйловли киши) соқчига жуда қўюл ва зардали оҳангда: "Нима, сен унинг кимлигини кўрмайсанми? Ахир у Ленин-ку?" — деди. Вл.Ильич ниҳоят рухсатномасини топади ва соқчининг кўнглини кўтаради: "Сиз, ўртоқ, мутлақо тўғри иш қилдингиз. Сиз постда турибсиз, бинобарин, сизнинг вазифагиз юздан таниш эмас, айнан рухсатномани текширишдир".

Ленинградлик унча номи чиқмаган бир ёзувчи хоним Сталинга Зошенконинг ҳикоясидаги лавҳани доҳийга қаршилик ҳаракати, яъни Зошенко Ленинини бағри кенг ва адолатпарварлигига мўйловдор ҳамроҳидаги қатъият ва қўполикни қарама-қарши қўйяпти, деган мазмунда чақув етказди. Ҳушёр ёзувчи хонимнинг мўлжалли нишонга аниқ тегди: ўзининг қўюл ва жиззакилиги ҳақида Ленин айтган гаплар Сталиннинг эсига тушади. Доҳий Зошенкони жазолашга аҳд қилди. Бунга баҳонаям осонгина топилди қолди: Зошенконинг бир ҳикоясида ҳайвонот боғидаги маймун тасвирланади — ёзувчи қафасдаги маймун совет кишидан кўра яхшироқ яшапти, деган фикрни илгари суринишда айбланади. Сталин Сибсий Бюро мажлисида Зошенко тўғрисида жуда кескин путқ сўзлайди ва уни бир неча бор "аблаҳ" деб атайди. Мана шуларга асосланган Жданов Сталин кўрсатмасига биноан Ахматованимга қўшади-да, қарор тайёрлайди. Бундан сал олдинроқ Ёзувчилар уюшмасида Анна Андреевнанинг Масковга қайтишига бағишланган тапталали маросим бўлиб ўтган ва Павел Антокольский: "Ахматованинг Масковга қайтиши — фашизм устидан қозонилган галабадан сўнг энг катта воқеадир!" — дея хитоб қилганди. Бунақа машҳурлик ўзгалар шуҳрати, хусусан бу нарса унинг

аралашувисиз юз берса, сираям чида-  
ёлмайдиган Сталиннинг энсасини  
қотирди. Зошенко дўстлари ва таниш-  
лариға ҳикояда Сталини хаёлигаям  
келтирмаганиға қасам ичар, шу боисдан  
бу қарор унинг ҳеч қутилмаган ҳақсиз  
жазо бўлганини айтарди.

Икки йилдан сўнг Константин Си-  
монов Зошенкоға ёрдам беришға ури-  
ниб кўрди. У ўзи муҳаррирлик қилган  
жўрналда адибнинг жангнома  
ҳикояларини чоп эттирди. "Зошенко  
қамалган", деган гап тарқалган Англи-  
яға борадиганлар рўйхатига киритди.  
Чет эл сафарини Зошенконинг ўзи рад  
қилди ("Уёққа борсам, ножўя гапириб  
қўяман"). Иттифоқо, Ленинградға бир  
гуруҳ инглиз талабалари келишиб,  
Зошенко ва Ахматовалар билан учра-  
шиш истагини билдирдилар. Бўнга  
рухсат берилди ва қарорнинг икки  
қаҳрамони чет эллик меҳмонлар  
ҳузурига келишди. Қарорға муносабати  
қандайлиги сўралган Ахматова ойим-  
тиллалик қилиб уни тўғри деб  
ҳисоблаши ва ўз хатоларини тузати-  
шини айтди. Зошенко эса: "Мен аблаҳ  
эмасман ва шу боисдан бу қарордан  
мутлақо норозиман", деб хитоб қилди.  
Бу жавоб ёзувчинини вазоқ йиллар эъти-  
бордан четда ва таъқиб остида  
бўлишиға олиб келди.

### ШИППАК ВОҚЕАСИ

Сталиннинг уйда чироқ ҳамма  
хоналарда бирданига ёнар ва ҳовлидаги  
одам дохийнинг қайси хонада эканли-  
гини билолмасди. Чироқ ўчирилганда  
ҳам худди шундай. Бир-бириға  
ўхшайдиган: фақат стол, калавот,  
ўриндиқ қўйилган бир неча хоналар  
бўларди. Сталин қайси хонада ишлай-  
ди-ю қайси хонада ухлайди— ҳеч ким  
билмасди. Дунёдаги ҳеч бир маҳбус  
Сталин ўзига раво кўргандек ҳолатда  
сақланмагандир. Хизматкор назифасини  
ўтайдиган ёшгина аскар йигит Сталин-  
нинг хоналарига кириб-чиқиш ҳуқуқига  
эга эди. У чанг-чунг-ларни артар, оёқ  
кийимларни тозалар ва бошқа шу каби  
юмушларни бажарарди. Хизматкор  
йигитча азбаройи ҳурмат-эътиқоди  
зўрлигидан қанчалик уринмасин, этини  
тап-туп қилиб, дохийнинг тинчинини  
бузаётганидан хижолат чекарди. Аскар  
маошидан пул жамғариб, ўзига шиппак  
сотиб олди. Лекин буям камдек туюл-  
ди-да, шиппак остиға мовуг ҳам тикди.  
Қадамлари товушсиз ва майини бўлиб  
қолди. Бир кун Сталин бевақт уйғониб  
кетди: этикларнинг одатдаги ташир-ту-  
пури эшитилмас, лекин кимдир хонада  
юргани аниқ эди. Сталин ҳар доим  
ёстигини остиға қўйиб ётадиган нага-  
нини пайпаслаб тонган пайтдагина  
хонада товушсиз юрган аскар йигитни  
таниди. Эртасига Берияға тўнгилади:  
— Негадир этикдамас, шиппакда  
юришади. Ухлаган пайтимда пусиб  
келмоқчига ўхшайди...

Йигитчани дохий жонига суиқасд  
қилишда айблаб, отиб ташлашди. Эл-  
лигинчи йилларнинг охирида аскар  
йигитнинг онаси ўглини оқлаш учун  
авфнома сўрайди, унга нафақа тайин-  
лашади ва шундагина бояги гаплар  
маълум бўлади.

Русчадан  
Аъзам УҚТАМ таржимаси.



Рана ҲАББЕРД

## ЎЗ ИШИНГИЗ БИЛИМДОНИ БЎЛИНГ

("Саодатга элтувчи йўл" китобидан)

Амриқолик иқтисодчи ва сот-  
сиолог Рана Ҳабберднинг но-  
мини бугунги кунда дунёда-  
ги жуда кўп халқлар яхши  
билишади. Рана

Ҳабберднинг номини оламга  
машҳур қилган нарсаси, бу —  
унинг иқтисодий соҳадаги из-  
лавишлари натижаси эмас,  
аксинча, шахсий кузатувлар-  
и ва ўқиб-ўрганган билим-  
ларига таяниб ёзган "Саодат-  
га элтувчи китоб" асаридир.  
Ушбу асар жаҳоннинг  
кўпгина тилларига  
ўгирилган ва у ҳар бир  
онланинг сеvimли китобига  
айланиб қолган.

Асар ўта содда ва тушунар-  
ли тилда битилган. Батзи  
ўринларда у исломдаги  
муқаддас ҳадисларни киши  
ёдиға солиди. Бироқ муал-  
лиф ўз асарни орқали янги  
дин ёки шунга ўхшаш қан-  
дайдир оқимни даъво қил-  
майди. Буни унинг ўзи ҳам  
асарда алоҳида таъкидлаб  
ўтади. Муаллиф кишиларға  
фақат эзгулик истайди.  
Унинг яққаю ёлғиз нияти  
ҳаётнинг узун ва чигал  
сўқмоқларида йўлини йўқот-  
ган, қандайдир кўнгилсиз  
воқеа туфайли тўшқун ва  
умидсиз кайфиятга тушиб  
қолган кишиларға маънавий  
далда беришдир. Зеро, шу  
маънода асар ўзини тўла  
оқлайди.

Қуйида эса ушбу асардан  
бир бобни сиз, азиз  
жўрналхонлар эътиборига  
ҳавола этаётимиз. Умид  
қиламизки, у сизға ҳам ман-  
зур бўлади.

Мураккаб технология, юқори тез-  
ликдаги машина ва механизмлар асри-  
да ҳар бир инсоннинг, унинг оиласи  
ва дўстларининг яшаш қобилияти кўп  
жиҳатдан атрофдаги инсонлар билим-  
донлигининг умумий даражасига  
боғлиқ. Ўз соҳасининг билимдони  
бўлмаган, савдо-сотиқда, фанда,  
ҳукумат идораларида ишловчи шахслар  
ҳамманинг, ҳар бир кишининг ҳаётиға,  
келажагиға хавф солиши мумкин.

Ишонаманки, сиз ўзингиз гувоҳ  
бўлган бундай ҳолларға кўплаб мисол  
келтира оласиз.

Инсон ҳамма вақт ўз тақдирини  
ўзи бошқаришға интилиб келади.  
Ирим-сиримлар, азиз-авлиелар руҳини  
рози қилишға қаратилган савй-  
ҳаракатлар, ҳар хил диний маросим-  
лар, урф-одатлар — буларнинг  
ҳаммасини инсон ўз тақдирини ўзи  
қўлга олиш, бошқара билиш йўлидаги  
майли, заифми ёки бефойдами,  
ишқилиб интилишлари, уринишлари  
деб қараш мумкин.

Инсон тафаккур эта билиш, билим-  
ни қадрлаш ва уни амалда қўллай  
билишға ўрганганидан сўнггина атроф-  
муҳит устидан ҳукмронлик қила бош-  
лаган. Билимдонлик даражасига эриша  
билиш қобилияти — "худонинг ино-  
яти", бергани, марҳаматидир.

Инсон ўз кундалик фаолияти да-  
вомида бошқа бировларнинг қобилияти  
ва маҳоратиға ҳурмат билан қараб  
келади. Бу хислатлар сеvimли  
қаҳрамонлар, ёки айтайлик, спорт  
юлдузлариға нисбатан кишида чуқур  
бир эҳтиром пайдо қилади. Чинакам  
билимдонликнинг исботи охир натижа-  
дир.

Инсоннинг яшаш қобилияти унинг  
билимдонлиги даражасига чамбарчас  
боғлиқ. Билими саёз соҳаларда инсон  
нотугалдир.

Ҳар бир арзғулик ишда билим-  
донликка эришишни кўзланг. Билим-  
донликни, унга тўқнаш келган вақтин-  
гида мақтаб, муносиб тақдирлаб бо-  
ринг.

Ҳар бир ишнинг сифатли бажари-  
лишини талаб қилинг. Жамият учун  
муҳим синов, имтиҳон — сизнинг унда  
кечадиган ҳаётингизнинг хавфсизлиги  
ва, шунингдек, сизнинг оилангиз ва  
дўстларингизнинг хавфсизлигидир.

Кузатувчанлик, ўқиб-ўрганиш ва  
тажриба билимдонликнинг асосларидир.  
Кузатувчан бўлинг. Сиз фақат  
ўзингиз кўраётган нарсаларнигина  
кўришингиз керак, ўзгалар сизни маж-  
бурлаб кўрсатмоқчи бўлган нарсаларни

бурлаб кўрсатмоқчи бўлган нарсаларни эмас. Сизнинг қузатишларингиз ўзингизники бўлиши керак. Нарсаларга, воқеа-ҳодисаларга, одамларга, ҳаётга тўғридан-тўғри, тик қаранг, бировларнинг фикр-эътирози, мажбурий кўрсатма, таълимоти ортидан, қўрқув пардаси ёхуд бегона ўлаштирмалар ортидан туриб эмас.

Бировлар билан баҳслашиш ўрнига, уларни нарсаларни кўра олишга, кузата олишга чақиринг. Қачонки сиз яхши гап билан, ётиги билан яқинингизни шунга даъват қилсангиз ва ўша инсон чиндан ҳам кўра олса, ана унда айқаш-уйқаш ёлгонлар тўри йиртилиб кетади, моҳирона ниқобланган сохталиклар очиб ташланади, мураккаб жумбоқлар ечилиб, ажойиб нарсалар кашф қилинади.

Инсон қийин ёки умуман қандайдир чидаб бўлмас аҳволга тушиб қолса, агар у нима қиларини билмай боши қотиб турган бўлса, сиз унга бир дам тўхтаб, нафас ростлашни ва мавжуд аҳволга ўзгача нигоҳ билан назар ташлаб кўришни маслаҳат беринг. Агар у воқеликка синчков нигоҳ билан назар солиб кўрса, ўзини қийин аҳволдан бемалол олиб чиқиб кетадиган йўлни ҳам кўра олади. Ана шунда ҳамма нарсанинг иложини топса бўлади. Аммо агар одамларнинг ўзлари кўра олмасалар, кузата билмасалар, кўриб турган нарсаларига ишонмасалар, у ҳолда барча тadbирлар, фармонлар ва жазолар — ҳаммасини бирга қўшиб-қўллаганда ҳам кишиларни мушкул аҳволдан қутқаришга қодир бўлмай қолади.

Одамларга қабъқа қараш кераклигини кўрсатиш, қандай қилиб қараш кераклигини ўргатиш мумкин, бироқ хулосани уларнинг ўзлари чиқармоқлари лозим бўлади. Еш бола ҳам, катта одам ҳам ўзи кўраётган нарсани кўради ва айнан ўша нарса унинг учун бор воқелик, мавжуд ҳақиқат ҳисобланади.

Чинакам билимдонлик кузата олиш қобилиятига асосланган. Айнан шунга таянган ҳолда киши ўз-ўзига ва ўз ишларига ишонган шахс, ўз касбининг устаси бўлиб етишиши мумкин.

Ўқиб-ўрганинг. Қачонлардир сизнинг ҳаётингизда шундай воқеа юз берганими: масалан, кимдир сиз ҳақингизда ёлгон маълумот олганими? Бу нарса Сизга дилжиралик етказганми?

Агар ана шу нарсалар тўғрисида ўйлаб, чуқурроқ фикр-мулоҳаза юритиб кўрсангиз, хато маълумот, нотўғри фикр қандай зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бироз бўлса-да, тасаввур қила олсангиз. Чунки, ўз навбатида Сиз ҳам, биров ҳақида ҳақиқатдан узоқ маълумотлар олиб қолишингиз мумкин.

Ҳақиқатни ёлгондан ажрата билиш бировни ёки бирор нимани тушуниш учун калит вазифасини ўтайди.

Ёлгон маълумотларга ҳар ерда дуч келиш мумкин. Ёмон ниятли кишилар ўз мақсадларига эришиш йўлида шундай ёлгон-яшиқларни тўқиб чиқарадилар. Базан эса, бундай маълумотлар шунчаки асл моҳиятидан беҳабарлик оқибатида келиб чиқади. Улар ҳақиқатни илгашга, тушунишга ҳалал беради. Ўқув жараёнида энг муҳим — олинаётган маълумотни текшира билиш, тўғри кўрсатмаларни нотўғри кўрсатмалардан, муҳимни номуҳимдан ажрата билиш ва амалда қўллаш мумкин бўлган хулосалар ясай олиш.

Агар инсон шу йўсинда иш кўраётган бўлса, демак, у билимдонлик сари тўғри йўлда кетаяпти.

Ҳар қандай ҳақиқат, Сиз уни қай даражада тан олсангиз, амалда ҳам шу даражада ҳақиқатдир. Олинган маълумотнинг моҳияти нималигини аниқланг, тушунарсиз сўзларнинг маъносини билиб олинг; ҳаммасини бир бутун, яхлит ҳолда ҳаёлингизда тиклаб кўринг, агар у сизга ҳақиқатдан йироқ бўлиб туюлса, демак, у сиз учун чиндан ҳам ҳақиқатдан йироқ нарса. Ўша маълумотга суяманг. Лекин, агар хоҳласангиз, ўша нарса устидан яна бир бор бош қотириб кўринг ва ўзингиз учун тўғри бўлиб чиқиши мумкин бўлган маълумотларни ажратиб олишга ҳаракат қилинг. Агар айнан сиз улардан фойдаланасиз, айнан сиз уларга мувофиқ равишда иш кўрасиз. Агар кимдир ўзининг фикрича ҳақиқатга тўғри келмайдиган "факт" ва "ҳақиқат"ларни, фақатгина шу нарсани ҳақ деб тан олишга ва қабул қилишга мажбурлаётганларга важибдан кўр-кўрона қабул қилаверса, оқибати хунук бўлиши мумкин. Бу йўл чаласаводликка олиб боради.

Ўқув жараёнининг яна б.р шартли эслаб қолишга, ёлда саклашга асосланган, яъни, масалан, математик жадваллар, шакллارни эслаб қолиш, сўзларнинг тўғри ёзилишини, тугмаларни бошиш кетма-кетлигини эслаб қолиш. Лекин, ҳатто ана шу оддийгина эслаб қолишда ҳам у ёки бу маълумот нима учун кераклигини ва ундан қачон, қай тарзда фойдаланиш лозимлигини билиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув жараёни — маълумотларни бир ерга тўплашдан иборатгина эмас. Бу — иш кўришининг янги, янада афзал усулларини ўйлаб-излаб топиш, амалга тадбиқ этишининг уддасидан чиқиш.

Ким ҳаёт билан ёнма-ён қадам ташлашни истаса, ҳеч қачон ўқиб-ўрганишни қанда қилмайди. Билимдон муҳандис ўз билимларини ҳаммавақт замон талабларига мос равишда мукамаллаштириб боради. Яхши спортчи спортнинг ўзи шуғулланадиган соҳасидаги ўзгаришлар, ютуқлар, натижаларни мунтазам кузатиб боради. Ҳар қандай мутахассис қўл остида маълум бир китоблар ва асарлар танланмасини сақлайди ва керак бўлганда уларнинг ёрдамига суянади.

Энг замонавий моделдаги кир ювиш машинаси, миксер ёки автомобил — буларнинг бари улардан тўғри фойдалана билиш учун аввал бир қайта ўқиб-ўрганишни талаб қилади. Бу нарсага қўл учидан қараш ошхонада ҳар хил кўнгилсиз воқеалар бўлиб туришига ва йўлларда бахтсиз ҳодисалар юз беришига олиб келади.

Фақат ўта манман одамларгина, "ҳаётда энди бошқа ҳеч нарса ўрганмасам ҳам бўлади" деб ҳисоблайдилар. Фақат ўта нодон шахсгина қолоқ ва нотўғри фикрдан воз кечиб, ўрнига ўзи ва атрофидагиларга асқотиши тайин бўлган ва ҳақиқатларга юз буролмайди.

Тўлақонли билим олиш ва орттирилган билимдан самарали фойдаланишга имкон берувчи усуллар мавжуд. Бунинг учун билимдон муаллим ва асл мутахассис томонидан тузилган дарсликлар зарур. Шунингдек, ҳар гал ўзингиз учун тушунарсиз бўлган сўзларнинг маъносини билиб боришин-

гиз, қўшимча манбалардан фойдаланишингиз ва ўрганилаётган нарса ҳақида умумий тасаввурга эга бўлишингиз, айни дамда Сиз учун нима ҳақиқат эканлигини назарда тутган ҳолда, ёлгон маълумотни илгаб, ажратиб олишингиз ва уни ҳақиқийсидан фарқлай билишингиз зарур. Ана шунда бунинг натижаси ўз-ўзингизга мустақкам ишонч ва чуқур билимдонликдан иборат бўлади. Сиз, яна ажойиб ва чин маънода фойдали тажриба ҳам орттирасиз, буни машаққатли баландликка кўтарилиш билан қийинлаш мумкин — нишабликлардаги қуюқ чакалакзорлар орасидан ўтиб ва ниҳоят, чуққига чиққан кишининг қаршисида бирдан гўзал, бепоён ва янги дунё намоён бўлади.

Мактаб — болалар кун давомида катталарнинг оёғи атрофида ўралашмасликларининг таъминлайдиган муассаса эмас. Муаммони шу йўл билан ҳал этиш ота-оналарга ҳаддан ташқари қимматга тушган бўлур эди. Мактаб — бу ўқини лаёқати шакллантириладиган ва болаларни ҳақиқий ҳаётга тайёрлайдиган, кундалик муаммоларни самарали ҳал этишга ва бугунги катталар эртага эпловмай қоладиган эртанги дунёни қўлга қилиб олишга тайёр бўлишга ўргатадиган маскан.

Қонхўр жиноятчи — айнан, қай тарзда ўқиш-ўрганиш кераклигига ўрганолмаган шахс. Суд ҳаммавақт унга, агар у яна жиноят қилгудек бўлса, тагин қамоққа оламини унда кўрқитишга интилади. Бироқ у яна жиноят содир этади ва яна қамоққа тушади. Жиноятчиларнинг касрига янги ва янги қонунлар қабул қилишга тўғри келади. Ҳалол фуқаролар қонунга риоя қилишади, жиноятчилар эса, ўзингизга маълум, уни бузишади. Жиноятчилар ҳеч нарсага ўрганилмайдилар. Қандай қилиб ўқиб-ўрганишни билмайдиган ва ўрганолмайдиган кишига ҳеч қандай бўйруқ, қарорлар, жазо чоралари, ҳеч қандай мажбурлашлар таъсир ўтказолмайди.

Жиноий ҳукуматларнинг, — бундай ҳукуматлар эса тарихда бўлган, — ўзига хос хусусияти, ундаги раҳбарларнинг ўқиб-ўрганиб, хулоса чиқаришга лаёқатсизлигидан кўринади: тарихдаги мисоллар ва соғлом идрок зўравонлик оқибатида портлашга олиб келишини айтиб туради, бироқ улар буни охиригача англаб етишлари учун шафқатсиз инқилоблар юз бериши керак бўлади. Иккинчи жаҳон урушиги гитлердан халос бўлиш имконини берди — бу инсоният тарихидаги энг бахтсиз даврлар эди. Шу тоифа ҳукуматлар ҳеч вақога ўрганишмайди. Улар ўзларини ёлгон таълимотлар билан ўраб олишганди. Улар чинакам, ҳаққоний маълумотларни четга суриб қўйишарди. Бу хил кимсаларнинг баҳридан ўтишга тўғри келган.

Эси пастрал билим ололмайдилар. Доимо ёмонлик қилишга ички бир эҳтиёж сезадиган ёки соғлом фикрлашга имкон бермайдиган тарзда эзилган бу кимсалар мавжуд фактларни тўғри баҳолашдан ожиздирлар. Улар ёлгон маълумотлар билан яшайдилар. Улар борлиқни асл ҳолича қабул қила билмайдилар ва бунинг уддасидан чиқолмайдилар ҳам, ўз-ўзидан маълумки, улар бу аҳволда билим ҳам ололмайдилар.



Кўпчилик шахсий ва ижтимоий муаммолар уқувсизлик ёки ҳеч нимани ўрганишни истамаслик туфайли келиб чиқади.

Атрофингиздагиларнинг кўпчилиги нега кўнгилдагидек турмуш қуролмаганликларини ўйлаб кўрсангиз, бунинг сабаби улар ўз вақтида ўқишни эпловмаганликлари ва ҳеч нарсага кўникишни истамаганликларидан эканини тушунишингиз мумкин. Сиз, эҳтимол, бунга мисоллар келтира оласиз.

Агар инсон атрофидагиларни ўқишга ва чинаякам билим орттиришга ундаёлмас экан, унинг ўзига қийин бўлади, у ҳаддан зиёд кўп меҳнат қилишга мажбур бўлиб қолади ва унинг яшаш қобилияти сезиларли даражада сусаяди.

Ўзгаларга, улар ихтиёрига ўзлари учун керакли маълумотларни ҳавола этган ҳолда, ўқиб-ўрганишларида кўмак беришингиз мумкин. Ўқишдаги муваффақиятларни таъ олиш ва рабатлантириш — бу ҳам ёрдам ҳисобланади. Бундан ҳам кўпроқ ёрдам беришингиз: тўғри маълумотни ёлгондан ажратиб олишда, тушунарсиз сўзларни ўзлаштиришда, шу кунгача ўқимаганликларининг ва билимларни ўзлаштиролмаганликларининг сабабини топиш ва бартараф этишда кўмаклашингиз мумкин.

Инсон умрининг анчагина қисми хатолар ва ҳар хил тўғри-нотўғри уринишлардан иборат, шу боис ҳам хатога йўл қўйган кишига таънаю дашином ёғдирмасдан, унинг ўрнига ўша хато қай тарзда ва нима сабабдан юз берганини аниқлашга, тушунишга ҳаракат қилинг ва ўша одам ўз хатосидан хулоса чиқаришида кўмаклашинг.

Сиз, шунчаки ўқишга мажбур қилишнинг ўзи биланроқ киши ҳаётини қанчалар енгиллаштириш ва соддалаштириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Имони комилки, Сиз бунинг кўпгина усулларини ўйлаб топа оласиз ва ишонаманки, уларнинг орасида энг осони қайтага кўпроқ самара беришининг гувоҳи бўласиз. Ҳаёт шунингсиз ҳам ўқишни билмаган, истамаган кимсаларга нисбатан етарлича шафқатсиздир.

Тажриба орттиринг. Билим фақат амалда қўллангандагина самара бериши мумкин. Албатта, доноликка фақат унинг ўзи учун ҳам интилиш мумкин — у ўз ҳолича ҳам гўзал. Бироқ, гапнинг очинини айтадиган бўлсак, Сиз доноисиз ёки йўқ — буни Сизнинг донолигингиз амалда кўринмагунча билиб бўлмайди.

Ҳар қандай фаолият, ҳунар ва касб — у хоҳ ариқ қазийшдан иборат бўлсин, хоҳ ҳуқуқшунослик, хоҳ муҳандислик иши бўлсин, хоҳ ошпазлик ва ҳоказо — у назарий жиҳатдан қанчалар яхши таниш бўлмасин, охир-оқибат ушбу мураккаб синовдан ўтиши керак: инсон шу ишни амалда бажара оладими? Бажара олиши учун эса тажриба зарур.

Мудом машқ қилиб, тажрибасини ошириб бормаيدиган каскадёрлар биринчилардан бўлиб жараҳат олишади. Худди шу ҳол уй бекалари орасида ҳам кузатилади.

Хавфсизлик муаммоси шу кунга қадар яхши ҳал этилмаган, бу масалага етарлича эътибор берилмапти. "Эҳтиёт бўлинг", "шошилманг" каби сўзлар эшитилганда одамлар ўз эркинликла-

рини чегаралашпти деб ўйлашади. Энди мана бундай ҳолатни кузатайлик: инсон чиндан ҳам тажриба ва маҳоратга эга. Унинг эпчиллиги ва маҳорати шу даражадаки, "эҳтиёт бўлиш" ва "шошилмасли"га эҳтиёж йўқ. Юқори тезликдаги хавфсизликка фақатгина тинимсиз машқлар орқали эришиш мумкин.

Хизматчининг лаёқати ва маҳорати у яшаётган аср тезликларига мувофиқ келиши лозим. Бунга эса тажриба орқали эришилади.

Инсон ўз танаси, кўзи, қўл-оёқларини шу даражада машқ қилдириши мумкинки, натижада уларнинг ўзлари нима қилиш кераклигини билиб олаверадиган бўлиб қоладилар. Унга энди плитани ўчириш ёки машинани тўхташ жойига олиб чиқиб қўйиш учун, бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, у шунчаки бу ишларни бажаради. Ҳар қандай фаолиятнинг ҳам, ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайдиган, лекин зарурий ҳисобланган қисми тажрибадан иборат, агар ҳар бир ҳаракат пухта ишлаб борилмаса, машқлар осонгина бажарилаётгандай бўлиб туюладиган даражада аниқ ва тез чиқмагунга қадар такрорланиб, пишитилмаса, муваффақиятсизликлар ва бахтсиз ҳодисалар учун имкон пайдо бўлади.

Маълумотларга кўра, бахтсиз ҳодисаларнинг энг кўп қисми тажрибаси кам кишилар билан юз берар экан.

Худди шу ҳол ҳунармандчилик ва ақлий меҳнатга ҳам тааллуқли. Суд жараёнлари тартибининг амалда ўзлаштирмаган, ўз ишининг ҳавосини олманган оқловчи иш кўрилиши жараёнидаги ўзгаришларга тез мослаша билмайди ва ишни бой беради. Етарлича тажрибаси бўлмаган биржа иш юритувчиси атиги бир неча минут ичида бутун бошли мулкдан ажралиб қолиши мумкин. Савдо-сотик билан амалда яхши таниш бўлмаган сотувчи эса, савдонинг юришмай қолиши оқибатида оч қолиши тайин. Бу хил муваффақиятсизликларни четлаб ўтишнинг йўли эса битта: тажриба, тажриба ва яна тажриба!

Баъзан шундай бўлиб қоладими, инсон ўқиб-ўрганган нарсасини кейинчалик амалда қўллай билмайди. Демак, ўқув нотўғри бўлган: айбдор ўқитувчи ёки дарслик. Кўрсатмаларини ўқиш бошқа, уларни амалда қўллай билиш бошқа.

Баъзида гарчи Сиз кўрсатмага аниқ амал қилаётганингизга қарамай, ури-нишларингиздан ҳеч бир натижа чиқавермаса, дарсликни четга суриб қўйиб, мустақил иш юритишга ҳаракат қилиб кўриш керак. Қачонлардир, кинода — овоз ёзишда шундай ҳоллар бўлиб турарди. Масалан, агар фақатгина кўрсатмаларда ёзилганига қараб иш кўрилса, қўшнинг сайраши сирена қичқиригига ўхшаб ёзилиб қолиши мумкин. Яна худди шу сабабга кўра, томошабилар кўпинча баъзи фильмларда актёрлар нима деб гапираётганини тушунолмаб қолишади. Яхши овоз оператори, ўз ишини яхши бажариш учун фақат кўрсатмалар билангина чегараланиб қолмай, балки ўз ақл-фаросатига суянган ҳолда мустақил изланиши ҳам керак. Лекин худди ўша кинематографияда бунинг бутунлай акси бўлган ҳодисалар ҳам кузатилади. Масалан, суратга олиш чоғидаги ёруғлик ҳақидаги баъзи кўрсатмалар

ниҳоятда аъло даражада бўлади. Агар уларга тўғри риоя қилинса, натижада ажойиб саҳна шароитига эришиш муқаррар.

Афсуски, бизнинг техника билан тўлдирилган, алгов-далгов асримизда меҳнат фаолиятининг ҳамма турлари учун ҳам керакли кўрсатмалар мавжуд эмас. Лекин бу муаммо ҳеч кимнинг йўлига ғов бўлмалиги керак. Агар яхши дарсликлар мавжуд бўлса, уларнинг қадрига етинг, яхшилаб ўқиб-ўрғанинг.

Агар йўқ бўлса, қўлдан келганча керакли маълумотларни тўпланг, сараланг, ўрғанинг ва амалда қўллаш усулларини ўзингиз мустақил ишлаб чиқинг.

Бироқ, назария ва фактларга асосланган маълумотлар, фақатгина амалда қўллансагина, ва яна етарлича тажрибадан сўнг қўллансагина кўнгилни шод қилувчи натижалар беради.

Агар атрофдагилар ўз ишларини маромига етказиб бажариш учун мудом тажриба орттириб, машқ қилиб бормас эканлар, инсон гоёт мушкул вазиятда қолади. "Емон эмас" деган тушунча билан юқори даражадаги мутахассислик ва малака ўртасида еру осмонча фарқ бор. Мазкур тўсиқни фақат тажриба орттириш билангина бартараф этиш мумкин.

Кишилар аввал кузатиб, ўқиб-ўрғаниб, ана ундан кейингина амалиётга ўтсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Ишнинг моҳиятига тушунганларидан кейин эса, то мутахассислик даражасига эришмагунларига қадар тажриба орттираверсинлар, орттираверсинлар.

Ўқув, эпчиллик ва чақонлик чинакам шодлик келтиради. Хавфсизликни эса фақатгина мунтазам тажриба орқали таъминлаш мумкин. Бу тезликлар асрида сустқадам кишилар билан ёнма-ён яшаш хавфдан холи эмас.

Ўрис тилидан  
Нодира Содиқова ўғирди.





Абдуқаюм Йўлдошев

## БИР СОАТЛИК ХАЛИФАЛАР

Фантастик ҳикоя



Бир юмалоқ олқинди нафақат дўконларда, ҳатто чайқов бозорларида-ям анқонинг уругига айланган кўп галати замонларда содир бўлди бу воқеа.

Ширкат деганлари ёмғирдан сўнгги қўзиқоринлардай бодраб чиқаётган кезлар эди. Шунгами, ўзига дабдабали "Енгилланиш" номини олган пуллик бадрафхоналар бош бошқармаси жойлашган хароба бино ертўласида бир кечада пайдо бўлган "Орзу" ширкати балки кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиб ўтирмаган ҳам бўлар эди, агар... Гап шундаки, "Орзу"нинг ним очик эшигига ёпиштирилган бир варақ қоғозга ажи-бужи ҳарфларда тубандаги эълон битилган эди: "Сен менга ботиний орзуларингни айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман"... Бор-йўги шу, холос; на таклифу тарғиб, на ширкатнинг йўналиши ҳақида бирон-бир маълумот.

Одамзотнинг феъли азалдан маълум: жумбоқли неки ҳодисот борки, шунинг оҳанграбосига тортилгани-тортилган. Зикр этилган эълон ёнида ҳам қуёш ҳали беш қаватли бино томидан мўраламай туриб, эллик-олтмиш чоғли киши йигилиб улгурди. Керак-нокерак жойга буринини бир суқиб кўрмаса кечаси ўрнида тинч ётолмайдиган бу ишқибозлар тўдаси ғала-говур қилиб баҳслаша-баҳслаша ахйири, ёзгувчилар суюб ишлатадиган "ботиний" деган чучмал, эски алифбомиз билан биргаликда йўқ бўлиб кетган китобий сўз халқ тилида "яширин, ички, махфий" каби муқобилликларга эга эканини аниқлаб олишгач, қизиқишлари ўн чандон ортган ҳолда, ер тепинишиб ичкарига ким биринчи бўлиб киришини кута бошлашди. Тўданинг бахтига қаҳрамон ҳам тезда топилди қолди.

Қодир Миршаб қаттиқ томоқ қирди-да, одамлар оқимини ёрганча, сал-

лона-саллона қадамлар ила эшик томон юрди.

Миршаб қайсидир қўмондонга тақлидан қўйган, тамакидан саргайган шоп мўйловини силаб қўйиб эшик дастасига қўл чўзди. Тўда яхлит бир жонзот сингари нафасини ичига ютди. Эшик мойланмаган арава ғилдирағидай ғижирлаб очилди. Миршаб "бисмилло" дея аввало ўнг оёғини босиб ичкарига кирди. Кучсизгина пружина ўрнатилган эшик яна ғижирлаб ним ёпилди. Миршаб пиллапояларни тусмоллаб босганча ертўлага тушди.

Қизғиш чироқ хира ёниб турган устал ёнида бағоят озгин (бунақаларни бизда, "кетмон дастасининг орқасидаям кўринмай қолади", чейишади), сочини тақир олдириб, дўппи кийган, катта қабарик кўзойнак таққан, юпқа лабли найнов киши ўтирарди. Қизғиш нур таъсирндами, туксиз юзи оппоқ ва мурданикидек жонсиз кўринаётган бу одамга бир қарашда йиғирма беш ёш, яна бир қарашда эса бемалол қирқ беш ёш беравериш мумкин эди.

Миршабнинг эски касали тутди.

— Ҳужжатлар қалай ўзи, жойида-ми, хўжайин?

Салобатли овози хонада гулдираб эшитилганидан масрурланган Миршаб ёши номаълум кимса бир сўз демасдан узатган расмий қоғозга менсимасдан кўз югуртираркан, ижрокўм раисининг таниш имзосини кўриб нордон нарса егандай афтани буриштирди.

— Бу Ширкат нима билан шуғулланади ўзи, билсак бўладими, хўжайин?

— Марҳамат.

Овози хум ичидан чиқаётгандай бўғиқ Хўжайин қўшни хонага йўл бошлади.

Каттагина хонанинг нариги томондаги деворини экран қоплаган, ўртада эса сартарошхоналардагига ўхшаш курси ўрнатилган эди. Хўжайин индамас-

дан Миршабни ана шу курсига ўтқазиб, чаққон ҳаракатлар билан унинг қўлоёқларига турли симлар боғлади, бошига мисдан ясалган ялтироқ чамбарак кийдириб қўйди. Миршаб соясига кўз ташлаб ўзини тож кийган шоҳга ўхшатди.

— Сиз ўтира туринг.

— Бу нима ўзи, видеоми?

— ...

Хўжайин чиқиб кетди. Эшик ёпилди. Ўнг тарафдаги чироқ ўчди. Бир фурсат сокинликда ўтди, сўнг экран қуёш ботаётган уфқ мисоли қонгалаш тус ола бошлади, олис-олисларда эса майин мусиқа садолари эшитилди. Тажрибахонадаги қуёнга ўхшаб қолганидан газаби келиб пишқира бошлаган Миршаб беихтиёр қовоқлари оғирлаша бошлаганини сезди ва қандайдир куч измида кўзларини итоаткорона юмди.

Балки бир сония ўтгандир, балки кўпроқ, ҳар нечук Миршаб кўзларини очганида ҳамон курсида ўтирганини, аммо қўл-оёғидаги симлар ва бошидаги тож ерда ётганини кўрди. Миршабни ўша... номаълум бир куч ўзига чорларди. Бу куч енгилёқ жувоннинг билинар-билимас гамзали ишваси каби жозибали эди. Кўча ўртасида кўкрагини кериб юрадиган эркаклардан бўлган Миршаб шартта ўрнидан турди-да, тўғри бориб, баайни момик булутлар бағрига сингиб кетгандай, экран ичига кирди-кетди...

Миршабнинг юзига гуп этиб пўпанак босган хазонларнинг ачимсиқ бўйи уфурди. У ўзига ҳар бир қаричига довури таниш бўлган катта кўча бошида турарди: "Енгилланиш" ширкати жойлашган бинонинг орқа эшиги орқали кўчага чиқиб қолганини фаҳмлади. Ўзини ёш боладай майна қилишмоқчи бўлаётганларини тусмоллаб қаҳр отига минди-ю, газаб қилловини силтаганча "Енгилланиш"ни айланиб ўтиб, келганиди тўртқўзнинг адабини бериб қўймоқ

мақсадида чопишга чоғланди. Бироқ...оламда нимадир ўзгарган эди. Тўғри, қуёш ўша-ўша — эндигина беш қаватли уй томидан мўраломоқда, булутсиз осмон ҳам ўша-ўша — артилган шшадай тиниқ, лекин бари бир нимадир ўзгарган эди. Алоҳа Миршаб илғади — одамлар ўзгарган эди, одамлар. Одамлар ўзгарган эди, чунки... чунки Миршаб яна Ҳукмдор эди! Миршаб яна Арбоб эди! Мисоли ширин тушдай ўтиб кетган ўшал дориюмон кунлар янглиғ, ҳаттоки у кунлардан-да бехроқ бир ҳол: йўловчи зоти борки, Миршабга қўл қўюштириб қуюқдан-қуюқ саломлар берган, неча бирлари чопқиллаб келганча этагини қўзига сургудай мўлтираб термулган, автоулов борки жойида қотиб, қисқа-чўзиқ "би-би"лар-ла қўтлаган, очиқ деразалардан Миршаб томон табассумлар оққан, қисқаси, дейлик, қоронгу ўтмишимиздаги жоҳил подшоҳларнинг ҳеч бири ёниқи бугунги кунимизнинг бирон-бир эстрада юлдузи бундай иззат-эҳтиромни поил бўлгани гумон...

Қувониб кетган Миршаб ён-атрофга, ўзига зеҳн солиб қаради, алқисса англадики, эндида ўша — нафақат улов, балки истаган йўловчини тўхтатиб сўроқ қилиш ваколатини берадиган расмий либоси, елкаларида юлдузчалариям ярақлаб турибди, қўлида ола таёғу оғзида ҳуштак, оёғида эса тумшугига қараб соч тараса бўладиган ялтироқ хром этик... Миршаб бошига Ҳумо қуши қўнғалигини билди. Дам шу дамдир, ўза дамни дам дема! Давринг келди — сур, бегим! От кимники — минганники! Бир лаҳзадаёқ қалбида ловуллаб ўт олган минг-миш-лаб истақлар алаңасида қолган Миршаб кўп мулоҳаза юритиб ўтирмади, улардан энг кучлисининг измига бўйсунди-да, дуч келган биринчи оппоқ "йигирма тўрт"га ўтирасолиб, ўқдай учиб шаҳар ижроқуми биносига етиб келди. Уч-тўрт пиллапояни бир ҳатлаб, қадимги гуломлардек эгилиб турган посбонлар ёнидан ўтдию, тўртинчи қаватга кўтарилди. Раис одатдагидай мажлислар залидаги минбарда туриб олиб маъруза ўқияпти экан. Қаттол душманини кўриб қўзига қоп қуюлган, тишлари гижирлаб, гавдаси қалт-қалт титрай бошлаган Миршаб борасолиб Раиснинг касал жўжанинг бўйида қилтириқ бўйинчасидан чангаллади-да, чийиллатиб судраганча йўлакка олиб чиқди. Раис шу ердаям аблаҳлик қилиб улгурди: Миршабнинг бош бармогини фарчиллатиб тишлаб олди. Оғриқдан додлаб юборган Миршаб Раиснинг чотиға ўхшатиб бир тепиб, уни тулкидан яширинган типратикандай гўжанак ҳолига келтиргач, ердан чиққандай тўсатдан ёнида пайдо бўлиб қолган таниш врачга иргитаркан, ўзига қўрқув ва ифтихор билан қараб турган "фалонлар"га эътибор ҳам бермай бўкирди: "Бу қизалоқни психбалнисанга тиқиб ташла!" Фармони шошилич тарада ва орғини билан адо этилаётганини кўрган Миршаб неча йиллардан бўён кўнглининг туб-тубида асраб келаётган алам зардобидан ниҳоят форир бўлгандай енгил нафас олди, ҳамшира кўз очиб, юмганча боғлаб қўйган бармоғидаги оғриқни ҳам унутди.

Воқеаларнинг давоми гўё чўққига амаллаб чиқиб олган Миршаб қайтишда

шитоб билан тушаётгандай тезлашиб кетди. У руҳий касалликлар шифохонасидаги махсус хонада каравотга чандиб боғлаб ташланган ҳолда ётган Раисни унинг темир қадалган қамчинда қирқ дарра билан "сийлагач", йўлини шафқат ҳамширалари тайёрладиган билим юрғи томон бурди. Бир пасда "гузаллар танлови" ўтказиб, қўлдан қўнгли суёт кетиб юргани — Раиснинг ўн саккиз яшар кенжа қизига қўшиб яна беш-олтита чўмилиш кийимидаги сулувларни олди-да, ноз-неъматлар мўллингидан синиб ютгудай бўлиб турган устал бошига келди. Ўзи суйган арман коньягидан пайдар-пай беш-олти қадаҳ ичгач, викор билан мўйловларини силаб қўяркан, Миршаб эшик ёнида қалтирабгина турган хўппа семиз директорни имлади: "Ҳей, ўртоқ, ресторанингнинг алоҳида хонаси тайёрми, а?" Ва рағбат маъносида тағдор йўталиб қўйди. "Тайёр, албатта, тайёр..."

Тунги яшил чироқ милтиллаб аранг ёритаётган хосхона. Миршаб шоша-пиша ечинди. Сўнг оппоқ ўринда узун

сочларига чулганганча илондай тўлғонаётган, чўғдай ёнаётган қип-яланғоч оппоқ танага ҳансираб чангал солган чоғ...

Қўнғироқ мияни пармалагудай хунук товушда тўхтамасдан жириглай-верди. Хосхонада ҳеч қачон телефон бўлмаганини яхши эсласа ҳам яна ўша қандайдир номаълум бир куч Миршабни ўридан туришга ва трубкани кўтаришга мажбур этди.

- Кимсан?
- Вақт бўлди.
- Кимсан ўзи, ҳўкиз? Сенга нима керак?
- Бир соат ўтди.
- Нима қилай шунга, суюнчи берайиними?
- Вақт бўлди.
- Қони совий бошлаган Миршаб нимадир эслагандай бўлди. Гапираётган "Орзу"нинг хўжайини эди шекилли... Лайнати тўрткўза!
- Менга қаранг, хўжайин, яна бир-икки соат индамай турасиз энди...
- Иложи йўқ.
- Ҳа, энди, иложини қилинг-да,



сўнг биздан оғзингизга сиққанини сўранг...

— Вақт бўлди!

Азбаройи ҳақри келганидан Миршаб қалтираб кетди.

— Бор қўлингдан келганини қил, мен ҳеч қадққа бормайман!

Шаҳд билан тўшакка интилган Миршабни трубкаданми ё бошқа тарафданми келган овоз тўхтатиб қўйди.

— Агар кўчага яланғоч чиқмайин десангиз ҳозирроқ кийининг!

Бу овозда Катта Бошлиқнинг ито-атидаги муте одамга нисбатан ишлатиладиган, бироп-бир мулоҳазага, шахсий фикрга ўрин қолдирмайдиган қатъий оҳанг бор эди. Миршаб... буйсунди.

Кийиниб, тўнгиллай-тўнгиллай — "Қўриш бор-у, ейиш йўқ экан, бундай жаннатнинг кимга кераги бор?" — эшикни тепиб ташқарига чиққан Миршаб шундоқ қаршисида ўзи яқиндагина ўтирган курсини, унинг атрофида сочилиб ётган симларни ва тожни кўрди.

Миршаб кескин ортга ўгирилди. Ҳаммаси — хосхона ҳам, қиз ҳам гойиб бўлган, девор сатҳини эгаллаган экран эса яна оппоқ тус олган эди.

"Яхши туш кўрибман-а" деб ўйлаган Миршаб терлаб кетган пешонасига қўлини босди ва юзига совуқ сув сепилгандай сесканиб кетди: яхши-лаб боғланган бош бармоғидан қон сизиб ўтганди...

Бир неча дақиқадан сўнг хона чироғи пориллаб ёнди. Кўзларини очган Миршаб қаршисида ўзига қадалиб тикилиб турган Хўжайинни кўрди.

Миршаб вужудда ёқимли чарчоқ ҳис этиб ўриндан турди, Хўжайин узатган бир парча қоғозни беихтиёр олди. Керишди.

— Қаптасами бу? Қанча бўлади?

— Ҳўқиб кўрарсиз. Беш сўм.

Миршаб пулни тўлади. Сабрсизланаётганини амаллаб яшириб виқор ила пиллаповлардан кўтаририлганча эшик ёнига келди-да, қоғозни тирқишдан тушайтган бир тутам нурга тутди. Унда эшикдаги эълоншикка ўхшаш қингирқийшиқ ҳарфларда биргина сўз битилган эди: "Қонхўр"... Миршаб қоғозни гижимлаб ички чўнтагига тикиб қўйди.

Эни ва бўйига янада кенгайган тўда "қаҳрамон"ни гувиллаб кутиб олди. Дўлдай ёғиллаётган саюллар остида қолган Миршаб сурила-сурила майдон четидидаги бетон супачага кўтарилиб олгач, гердайнб туриб оломоннинг типчишини кута бошлади. Ниҳоят, ҳамма ўзига муштоқ кўз тузайтганига амин бўлгач, у шоммасдан учлари юқорига кўтарилиб кетган мўйловларини силади, кўзларини сузди ва тамшаниб қўйиб, гоятда маънодор тарзда: "Аммо-лекин ўзиам бир маза қилдим-да..." деди. Сўнг бир муддат сукут сақлаб тургач, "Хўжайини "во!" экан..." деб ярадор бош бармоғини кўтарди. Бу жумлалардан ичи қизиб кетганлар ҳам бўлди, аммо қоникмаганлар кўпроқ эди. Яна саюллар дўли ёғилди. Бунни қарангки, шу кунгача не-не катта-кичик давраларда, ҳатто казо-казоларнинг олдидаям ёлгонини айни ҳақиқатни гапирайтгандай кинрик қоқмай айтиб ташлайверадиган Миршаб айни дамларда ўзи ҳозиргина бошидан ўтказганларини тушунарлироқ қилиб гапириб беролмай қолди: ярадор бармоғига келганда-ку, калаванинг учини

бутунлай йўқотиб қўйиб, оғзига тош солиб олгандай ноғниқ гўлдирашдан нарига ўтолмади. Нима, бармоғини Раис тишлаб олди десинми? Бу гапни айтса, оломон уни жиннига чиқариб қўймайдими? Ё бўлмаса Раиснинг қизи билан маншат қилдим деса, бу ердагилардан биронтаси оёғини қўлига олиб югуриб бориб бу гапни иссиғида етказса, Раис "шахсини ҳақоратлади" дея обориб қамамайдими? Ҳарқалай, ҳозирча Раис ҳукумат, ҳозирча Раис Арбоб...

Миршабдан "маза қилдим"дан бошқа жўялироқ гап ололмаган оломоннинг ҳафсаласи пир бўлди. Ичкарига киришга айниқса, "қаҳрамон"нинг ярадор бармоғини кўришгач, бошқа ишқибозлар топилмади.

Агар Тасодиф деб аталувчи қудратли куч ўзининг ҳар нарсага қодир қўлларини узатмаганида эди, "Орзу" фаолияти ушбу дақиқалардан эътиборан таназулга учраши аниқ эди...

Бундан уч йил муқаддам никоҳдан ўтгани бораётганида содир бўлган авто ҳалокати пайтида қаттиқ қўрққанидан иккала оёғи шол бўлиб қолган Нодир исмли йигит врачлардан бутунлай умидини узган ҳолда, донги эндигина чиқа бошлаган бир экстрасенсинг излаб қўлбола тахтиравонда "Енгиллашиш" ёнидан ўтиб борарди. Шифохонама-шифохона ўтказган бесамара уч йил йигитнинг асабларига таъсир қилган, у жиззакки, инжиқ, кўрс беморга айланган эди. Нодирнинг тўрт тарафидан кўтариб бораётган юрт укаси майдон четига келиб тўхтади. Нодир бўлаётган гап-сўзларни диққат билан эшитиб турди-турди-да, катта укасининг елкасига ниқтаб ўзига қаратгач, бестоқат ҳаракат билан эшикни кўрсатди. Тахтиравонни ерга қўйишди, икки ука Нодирни кўтариб ичкарига олиб кириб кетди. Оломон гурр этиб улар томон ўгирилди.

Қайтиб чиққан икки ука чеккароққа ўтишиб тамаки тутатишди. Оломон, уларнинг сафида энди назардан қолган Миршаб ҳам бор эди, яна яхлит бир жисмга айлланиб, нафасини ичига ютганча эшикка нигоҳини қалади.

Орадан бир соатча вақт ўтган, баъзи синчковлар Миршабнинг ёноғи пир-пир уча бошлаганига эътибор берайтган палла тўсатдан эшик зарб билан очилди ва кимдир ичкаридан отилиб чиқди-да, ишқибозлар тўдасини замбарак ўқидай ёриб ўтиб катта кўча томон олиб кетди. Йиқилганларнинг бақир-чақирини, одамларнинг "ким бу сўқир жинни?" деган норози хитобларини "Нодир-ку бу!" деган ҳайқириниқ босиб кетди. Нодир? Олисдан қора чопонининг барини қилпиратиб олиб кетаётган йигит чиндан ҳам Нодир эди! Кенжа ука "Акажон!" дея ҳўнграб йиғлаганча Нодирнинг ортидан чопди.

Майдонни гала-гоуур босиб кетди...

Энди, ҳикоямиз салгина муфассалроқ бўлиши учун, биз нақл қилаётган воқеа содир бўлган Н. шаҳри хусусида мухтасаргина маълумот бериб ўтамиз. Саноат корхоналари бир-бирининг устига мингашиб кетган, олисдан қаралганда қуюқ кимё булутлари орасида тутун бурқнаётган мўриларигина кўзга чалинадиган шаҳар аҳолисининг сонини уч юз минг...нинг нари-берисида

эди. Аҳолининг учдан икки қисмини гўдаклар, кексалар, беморлару дунё билан уч пуллик иши бўлмай, ўз қобилигига ўралиб олганлар ташкил этади десак, қолган юз мингги "Орзу"нинг текин ташвиқотчиларининг тўрига илинганига гумон йўқ. Миш-мишларини-ку, айтмай қўя қолайлик... Хуллас, одамлар "Орзу" томон гуррос-гуррос оқиб келаверишди.

"Енгиллашиш"нинг ертўласи эҳтиросларнинг тубсиз ҳамда сарҳадсиз уммонига айланди. Ва бу уммоннинг тиним билмас беором галаёли тўлқинларини жунбушга келтириб турган ягона куч — қувонч, қайғу, алам, изтироб, кин, ҳасад, ҳайрат, ҳаяжон, ўкинч, армон, тазарруу, соғинч, муҳаббат, нафрат, ҳасос... туйғуларининг очилдастурхони — юксакликда ҳам, тубанликда ҳам ягона Инсон Қалби эди.

Бунда журъатсиз ошиқ мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатиб суюқлисига эришгач, уни шундай мулоийм, шундай нафис сўзлар билан шивирлаб эркалардики, худо ҳаққи, эшитган одамнинг этлари жимирлаб, кўнгли тўлиқиб кетарди (экрандан икки юзи ловуллаб, қовжираб кетган лабларида тотли таъм туйиб чиққан бу йигитча вужудига ўрнашиб қолган аллақандай муаттар бўйлардан икки-уч кунгача маст бўлиб, ўз-ўзидан оғзининг таноби қочиб юрарди); бунда Қоработир ўз рақибининг бошига шундай қаро кунларни солардики, уни шундай мислсиз хўрликларга дучор этардики, кўрган одамнинг сочлари тикка бўлиб, томирларида қон музлаб қоларди (экрандан кўзига қон қуйилиб, бўғриқиб чиқиб келган бу жаллоднинг қўлида ўзи ҳозиргина қўллаган қурол — болга ва тирноқ остига қоқшига мўлжалланган юзталиқ миҳ бор эди); бунда ақли ноқис, калтафаҳм кимса барча донлар ва даврларининг энг пешир доғишмандига айланардику изидан эргашиб, ўзи эътиборсизлик билан туфлаб ташлаётган ҳар бир доҳиёна жумлани дурри жа-воҳирлардай авайлаб териб олиб, қоғозга муҳрлаб қўяётган хаттолар тўдасини ташлаб, ёлғиз ўзи абдийлик чўққисига кўтариларди (бу сохта Арас-ту бошқалардан фаркли ўлароқ экрандан ашёвий далилсиз чиқиб келса-да, ўша кунёқ уйдигиларга бир сўз демасдан қорнини қаппайтириб тоққа йўл олгани маълум); бунда бировнинг итуғини кўрса иссиғи чиқиб кетиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб оладиган бир кас омади юришган ҳарифининг ишини чаппасига кетказишининг шунақанги усулларини ишга солардики, мана ман деган Агата Кристию Жорж Сименонлар бундай тугунларни ўйлаб топган истеъод қошида лол туриб қолган бўлардилар (экрандан ишайиб чиқиб келган бу кимсанинг қўлида яқин дўстининг хотинига "халис одам" томонидан битилган мактуб турарди); бунда назм бўстонида адашиб кириб қолиб, сассиқ алаф теришдан бошқасига ярамай юрган ношуд бир амаллаб маликул каломга айланарди-да, туман-туман мухлиси йиғилган майдонни гулдиратиб ашъоридан намуналар ўқирди, сўнг эса, гулдурос қарсақлару олқишларга кўмилганча, кўзлари эҳтиром ёшига жиқ тўлиб жон-жаҳди билан ўзи томон талпинаётган хушрўй-хушрўй қизлар-

Нурали МИСИРОВ

\* \* \*

Қайдан келиб қолдим мен  
бу кунларга,  
Саҳроданми, тоғдан ё  
боғдан, билмадим.  
Қайларда қолдинг сен,  
қайси тунларда  
Қайси олис чоғда, билмадим.  
Хабаринг етолмай-етолмай  
сарсон,  
Нурларда учолмай дилим  
тирналар.  
Энди бўзлатадур мени қону  
қон  
Кўк далани тарк айлаган  
турналар...  
Ёшлик чоғларим-ла учдинг  
бир саҳар  
Ширин армонларим  
мамлакатиغا.  
Унда йўллар асло  
учрашмагайлар,  
Оҳлар қолиб кетди кўнгил  
қатига.  
Асли нажот ҳам йўқ ҳеч  
талпинмоқдан  
Пойингда занжирбанд абад  
ғам тахти.  
Қайдадир, лочиним етмас  
йироқда  
Хунбағир йиғларсан эй,  
менинг Бахтим...

x x x

Баҳор чорлар, имлар,  
хайқулар:  
Ёр қўйнидан қир қўйнига  
шош,  
Қир қўйнига етгунга қадар  
Гул бўйидан май симиргин,  
тош.  
Турналар-да чалиб  
сурнайлар,  
Сувга яқин давра қургайлар,  
Шалолалар бўйида жўшқин  
Ёшлик куйин куйлар  
ирғайлар.  
Гар шошмасанг, тутиб кўк  
ханжар  
(ёмғир сочган дур  
кўпайсалар)  
Ошкор келиб остонанг  
қадар  
Ҳибс этар ботир майсалар.

Жиззах

нинг қўлларидаги ўз китобларига даст-хатлар бита бошларди ("маликул калом" экрандан чиққанида қўлида ҳар эҳтимолга қарши доимо ёнида олиб юрадиган рангли сурати турар, сурат орқасига эса қандайдир Дилфуза отлиг қизга атаб шеърин мувашиша битилган эди); бунда ўн йилдан буён номзодлик ишини чўзиб юрган шуҳратпараст олим Нобел мукофотини олаётган чоғида бениҳоя таъсирли ва бамаъни маъруза ўқирди (бу зотнинг камзули кўкрагида нишон тақиш учун тешик пайдо бўлганди); бунда неча йиллардан буён — йилни айтиш гуноҳ! — йигитлар эътиборидан четда қолиб келаётган қарикиз бир юмалаб Маликаи Ҳуснободга айланарди-да, бош уриб қўлини сўраб келган минг-минглаб йигитларни Ойбарчин мисоли учта қийин шартини бажаришга йўллаб, охирида уларнинг ичида энг сараси билан қовушарди (экрандан аранг суд-ралиб чиқиб келган бу қизга Хўжайин бир рўмол ҳадя қилди — Ҳуснободнинг лаблари шилиб кетган, бўйнида эса саноқсиз тнш излари қолган эди); бунда шаҳватпараст йигит фалон-фалон мамлакатларнинг "мисс..."лари билан айш қиларди (йигит қўлида ранг-баранг соч толалари билан чиқиб келди).

Фақат... фақат муолажа бир соат-гина давом этарди, холос. Ҳар қандай илтимос, ёлборишу пўписалар Хўжайинга қор қилмас, аксар ҳолларда ҳузурнинг авж нуқтасида, ботиний оруз шаробининг энг тогли қисми келган чоғда манбаадан узилган ойнаи жаҳон тасвиридай, рўё бўлиб рўёга, рост бўлиб ростга ўшшаманг бу мубҳам ҳолат йўқ бўларди-қоларди. Шундан кейин бошининг тошларга урсанг ҳам, ўтириб олиб ўкраб йиғласанг ҳам — бефойда, дарё бўйида туриб сув ичмаётган одам сингари шунчалар қайнаб-тошаётган туйғуларнинг ягона гувоҳи бўлаётган Хўжайин мумдан ясалган ҳайкал янглиг ҳиссиз эди. Устига-устак, "Оруз"нинг курсисида ўтириш ҳар бир кишини фақат бир мартагина насиб этар, иккинчи бор келганларида эса, ҳатто улар қиёфаларини ўзгартириб олганларида ҳам, барибир — машина ишламас, экран оппоқлигича қолаверарди, — бунга ўзи доимо фаҳрланиб юрадиган мўйловини қириб келган Миршаб тирик гувоҳ.

Шаҳар аҳли ҳаяжонга тушган эди. Ким билади дейсиз, "Оруз" ёзиб бераётган бир парча қоғоз мана шу ҳаяжон пўртанасида чўкиб кетгандир балки. Касалга ташхис қўйилгандай, бир огизгина сўз ёки қисқагина жумла орқали — "Хониг", "Жаллод", "Ошик", "Манман", "Қиморбоз", "Бузуқ", "Тузук", "Мард", "Қўрқоқ", "Довдир", "Йигит", "Ўғри", "Тўғри", "Шуҳратпараст" сингари ёки бунданда галати "Тулки", "Чаён", "Илон", "Арслон жуфтгарчиси", "Тимсоҳнинг кўз ёшлари" каби — Хўжайин нима демоқчи бўлган, аммо уларнинг асосий қисмининг ҳузурини қоғоз саватчалар кўргани маълум.

Остонага келиб қолган баҳорга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган қиш кунларининг бирида тонг қоронгусидан буён тик оёқда навбатда турган оломон соат тўққиздан ошса ҳам "Оруз"нинг эшиги очилмаётганини кўриб безовталаниб қолди. Яна

ярим соатлар чамаси кутишгач, ширкат очилгандан буён ихтиёрий навбатчиликни бўйинига олган Миршабнинг ичкарисига йўллашди. Гердайиб кириб кетган вакил зум ўтмай дами чиққан пуфақдай шалвираб қайтди: ертўла бўм-бўш эди...

"Оруз" ўзининг деярли беш ойлик фаолиятини мана шундай якунлади; у қандай тўсатдан пайдо бўлган бўлса, шундай ими-жимиди гоийб бўлди. Юмшоқ курсига ўтиришга обдон тайёрланиб келганлар сочларини юлиб қолаверинди.

Ҳаваскорларни қўя турайлик, "Оруз"нинг изига тушган малакали изкуварлар ҳам бирон натижага эришолмадилар; машҳур този ит ҳам олган ҳидини йўқотиб қўйиб доғда қолди: ижроқўмдан ҳам бир тайинли ҳужжат топилмади. Ўзидан на бир имзо, на бир сурат қолдирган "Оруз"нинг хўжайини расмий идораларда ҳам Хўжайин деб юритила бошланди.

"Балки келиб қолар..." деган умидда икки ҳафтача ўтди. Энди сал ҳовуридан туша бошлашган, ҳатто "умумий гипнозга учрамадикмикин..." қабилда тахминлар айтаётган оломоннинг тинчини "Қўшни шаҳарда бизнинг "Оруз"га ўхшаш ширкат очилган эмиш", деган миш-миш бузди. Н. шаҳри алғов-далгов бўлиб кетди. Улови борлар уловда, автобусга илинганлар автобусда, кимлар эса пойи-пиёда қўшни шаҳар томон йўл олишди. Аммо, келиб кўрсаларди, бу ширкатнинг кўрсатган бор-йўқ каромати юз сўм тўлаган кимсанинг якка ўзига бир соатча ҳаёсиз видеofilm қўйиб беришдан иборат экан.

Орадан бир ой ўтди. "Оруз"дан бир дарак чиқмади, унинг қайта пайдо бўлиб қолиши ушалмас орзулигича қолаверди. Одамлар энди давраларда "Оруз" ҳақида сўз кетганда хўрсиниб қўярдилар. Хўжайин ҳақида эса кимлар томоғи хириллаб қолгунча, кимлар эса истар-истамай, босиқ оҳангда баҳс юритардилар. Кейинги тоифадагилар Хўжайинни нима излаётганини ўзи ҳам тушуниб етмаган телбага менгзашар, "Эҳ, Хўжайин, эҳ, хом сут эмган банд, ахир хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради, ҳар ерни қилма оруз, ҳар ерда бор тошу тарозу" деб мингирлаб қўйишарди. Ким билади, эҳтимол улар Хўжайиннинг сиймоси олдида беихтиёр ҳис этган хижолатпазликларини шу йўл билан яширишар, ким билади...

Ўзимизга келганда эса, баъзан воқеанинг моҳиятини очиш учун фурсат шунчалар озлик, ақлимиз эса шунчалар камлик қиладики, бундай чоғлари беихтиёр юрак кўмакка келади. Оламга андаккина ҳайрат кўзи билан қарашга мойил юрак қургур эса, илдизи очилган моҳият ўз сирлилик пардасидан мосуво бўлиб, ялангоч қоя мисоли сўппайиб қолади, бас, шундай экан, сен ҳақир дунёни тилсим жозибасидан айирмоққа уринма, билъакс, унинг қошида сукут ила бош эг, ани эътироф эт, дейди...





Ҳайдарали УЗОҚОВ

## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА УЗИЛГАН НАВО

Ўзбекининг 20 ва 30-йиллардаги улкан маданият даргаларидан бири шоир, муаллим ва тилшунос Машриқ Юнусов — Элбек эди.

Элбек Туркистон бағрида оқ ва қизил ваҳшийлар ин қурган бир даврда яшаб ижод этди. Бу бўҳронли муаммолар унинг бой ва серқирра ижодида ўз аксини топди.

Элбек ўз халқининг истиқлоли, миллий маданияти, маориф тараққиёти йўлида қизил империя истибдодига қарши ҳам очиқ, ҳам яширин кураш олиб борди.

Ижод кўламининг кенг қамровлиги, бадий етуқлиги, илмий-методик кучининг кенг бақувватлиги, айниқса, шеърларининг аксарияти халқона тилда, болаларга аталганлиги жиҳатидан Элбекка тенг келадиган ижодкор бўлмас керак, деб ўйлайман.

Элбек 20 ёшидаёқ илҳом оғушига гарқ бўлди. Шоир ижодида назар ташлар эканмиз, қаламга олинган мавзулар ранг-баранг ва долзарб эканининг гувоҳи бўламиз. Мана, болалар учун атаб ёзилиб, 1921 йилда чоп этилган "Армуғон" масаллар тўпламидаги "Қайси бири бўри?" деб аталувчи шеърий масаланинг мазмуни куйидагича: ўрмонда ёлғиз юрган қўй бўри тузоғига илинади. Бўридан қутулишнинг иложини тополмай турганда, четдан бир киши келиб, уни йиртқиқчангалидан қутқаради ва уйига олиб кетади. Бу ҳолдан қўй севиниб осмонга сакрайди. Аммо бу хўрсандчилик узоққа қўзилмайди — ҳалиги одам қўйни сўйиб ейди.

Қаранг, шоир ўша 20-йиллардаёқ ижтимоий ҳаётда, моддий оламда нафас олаётган маҳлуқу кишиларнинг "Қайси бири бўри"лигини аниқ гавдалантириб қўйибди.

Шоир қаламига мансуб бўлган бундай тизма ва сочмалар унинг фалсафий мушоҳада ва мантиқий пухта хулоса эгаси эканлигидан далолатдир.

Элбек тарихий ҳақиқат ва Туркистон халқи истиқлоли, мустақиллиги йўлида фаол курашди. Бу унинг "Қизил қўшиннинг миллий қисмларига", "Отлан", "Туркистон" каби кўплаб бадий етуқ, гоёвий баркамол шеърларида баралла куйланди. У ҳар бир халқ, миллатнинг ўз қўриқчиси —

қўшни бўлиши учун, миллий қўшин янги тузумнинг ҳақиқий соқчи-аскари сифатида душманга нисбатан беаёв бўлишига муқобил сабаб сифатида куйидаги мисраларни асос қилиб келтиради:

*"Раҳмсиз, мағрур, зolim ҳоқонлар,  
Бўм-бўш ерларга тўқдилар қонлар.  
Золимлик билан олдилар "шон"лар,  
Эзилди битди ёзиқсиз жонлар."  
(Қизил қўшиннинг миллий қисмларига, "Ер юзи", 1926, 14-бет.)*

Исёнкор шоир "Туркистон" шеърини ёзар экан, бу ўлка бир оила хонадони ва унинг эгаси, ягона отаси тушунчаси муштарак гоё сифатида берилади: босқинчилар талови ва қийноғидан қариб, тинкаси қуриб қолган Туркистон — ота сифатида, ундаги ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман халқлари шу отанинг фарзандлари деб қаралади ва буларга ота Туркистоннинг ўғитлари зўр қониқиш билан келтирилади:

*"Деган" жондан ортиғим,  
Менинг барча ўғлоним,  
Қулоқ солинг ўзбегим,  
Қозоқ, қирғиз, туркманим.  
Мен ўламан: ўлишим  
Ўзимга-да, билинган:  
Кўзим тирик чоқда мен  
Барча молни бўлайин,  
Ҳар қайсингизга тегиш  
Энчингизни берайин,  
Деб чақирдим болалар,  
Энди хафа бўлманлар".*

Бу сатрлар билан шоир Туркистонда яшаётган халқларни бирликка, ака-укаликка, бир отанинг фарзандларидек хушёрликка чақиради, эзгулик томон етаклайди.

Шоир зўр кўтаринкилик билан хотин-қизлар озодлиги, аёллар эрки, озошлик ва эркинлик гоёларини баҳор ва кўклам хосиятларига омукта ҳолда табиат ва гўзаллик уммонига гарқ бўлиб қалам сурди. Бундай лирик асарлар сирасига: "Эрки ўзбек қизи тилидан", "Эрк нима?", "Кўклам", "Тоғда баҳор", "Туйғу", "Кўёш", "Чирчиқ қизи", "Чирчиқ", "Чимён тоғида", "Лозорда", "Қиш", "Куз", "Ёзда мевалар", "Полизда", "Эрк қизига", "Гўзал

баҳор" "Муҳит ичида", "Кечқурун", "Денгиз" сингари шеърларини киритиш мумкин.

Шу ўринда шоир Элбекнинг қалби тўла пок севги, муҳаббат: нозик туйғу, бетакрор гўзалликлар сиритидан сизиб чиққан оҳанглар натижаси ўлароқ "Тозагул" тизма асари хусусида тўхталсак.

Авалло шоир ўта камтарликка берилиб беш катта бўлим ва 215 саҳифани, ундаги Тозагул ҳамда Норйигитлар турмуши негизда содир бўлган ижобий ва салбий кайфиятлар, ҳалол ва пок уринишлар ҳамда баъзи нохуш зиддиятлар гирдобидати доғлар ва гирромлик ҳоллари ҳаётий ва бадий жиҳатидан пухта ва атрофлича, чуқур лиризм билан гавдалантирилади. "Тозагул"даги қаламга олинган мавзунинг кенг қамровлиги ва бутун жамоа хўжаликлар барпо этиш муаммоларига бағишланганлиги, воқеалар ривожини, тугун ва мавзу тизимининг устиворлиги, қаҳрамонларнинг қўлам даражаси асарни дoston эмас, балки уни тўла равшанда шеърий роман дейишга асос беради.

Шу нуқтан назардан қараганда, буюк ижодкор Элбек ўзбек бадий ижодиётида биринчи бўлиб шеърий романчиликка асос солган деб аташ маъқул бўлади. Бу таклиф ва таҳлиллар адабиётчиларимиз эътиборларига ҳавола сифатида қолади...

Шу ўринда ҳурматли ўқувчиларга етказиб, мутасадди раҳбарлар ҳукмига ҳавола этадиган бошқа муҳим талаб ва таклиф бор. Шу йил октябрь ойида шоир Элбекнинг туғилганига 95 йил бўлади. Шу муносабат билан шоир туғилиб ўсган Хумсондаги ҳовли тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилса, унга уй музейи ташкил этилса, энг муҳими, 21 та тўплам ва қўлланмаларга таҳлил ва талқинлар сайланмаси чоп этилса. Бунга шеърини, сочмаси ва тил-адабиёт, мактабшуносликка оид илмий-методик, публицистик мақолалари ҳамда таржималари киритилиб халқимизга тортиқ этилса. Бу хайрли иш аллома юбилейига бебаҳо тортиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ана ўшанда ўзбекининг истиқлол йўлида узилган Элбекнинг дил наволари, руҳлари шод бўлади, деб ўйлаймиз.

ТИЛСИМ

Азиз муштарий! Қуйида рақамларда ифодаланган сўзлар атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига мансуб, уларни топиб очқичли ҳал этинг.



1. Ёзувчининг ilk ҳикояларидан бири — 27, 4, 28, 22, 11, 1.

2. Абдулла Қодирийнинг илм-маърифатга чақирувчи шеърдан:

Кўр, бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамыз,  
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз,  
Уғлимизга на адаб, на фан, на 14, 12, 13, 2. сўйламоқ,  
На худонинг буйруғи бўлган улум ўрготамиз...  
Келингиз, ёшлар, 16, 2, 10, 4, 2, 4, 1, 17, бу кун  
ғайрат қилинг,  
Ухлаганларни агар қодир эрсак уйготамиз.

3. "Утган кунлар" романи қаҳрамони — 28, 20, 18, 28, 6, 28, 23, 2, 7.

4. Абдулла Қодирий билан ҳамкорликда бўлган ўзбек ёзувчиси — 21, 15, 4, 26, 28, 3.

5. Адибнинг машҳур ҳажвий қиссаси қаҳрамони — 5, 1, 7, 18, 77, 7.

6. Адибнинг 1937 йилда ёзган очеркидаги қишлоқ — 19, 2, 17, 5, 28, 3.

7. "Утган кунлар" романидаги Кумушбизнинг дугонаси — 25, 27, 4, 8, 2, 3.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб тилсимни ҳал этинг. Бунда Абдулла Қодирийнинг ҳикматли сўзлари аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон Орипов.

3-сонда берилган муаммонома жавоби

Очқич: 1. Кўнгул. Оят. 2. Парвардигор. Мустафо 3. Кофил. 4. Муштоқ. 5. Иззат. Ҳурмат. 6. Бемор. 7. Ёдидин. Эран.

Ҳикмат:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур,  
Ётса қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор.

Аҳмад Яссавий

Муҳаррир минбари

Мустақиллик ҳақида сўз... 3

Авлодлар овози

Алишер Тешабоев. "Келди ўзга замонлар..." 4

Наср

Хуршид Дўстмуҳаммад.  
Тўхтабойнинг бойликлари 6  
Абдуқаюм Йўлдошев.  
Бир соатлик халифалар 25

Биринчи учрашув

Анвар Эмин 12  
Дилхун 17

Боқий қадриятлар

Биби сешанба қиссаси 13

Назм

Паҳлавон Содиқ.  
Вужудинг қани ай, кўринмас тасвир? 14  
Йўлдош Эшбек.  
Қайдасан, қайдасан, жонимдай хаёл 18

Қалб манзаралари

"Туну кун тоат-ибодатим СЎЗга..." Шоирлар Абдували  
Қутбиддин ва Вафо Файзулло баҳси 15

Олис-яқин овозлар

Нурали Мисиров 28

Яхшилар ёди

Ҳайдарали Узоқов.  
Истиқлол йўлида узилган наво 29

Одам, олам

Юрий Борев. "Сталинома" 20

Тўқ мағиз

Рана Ҳабберд.  
Ўз ишингиз билимдони бўлинг 22

Топқирлик машқи

Фозилжон Орипов. Тилсим 30

4

Манзилимиз: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 33-48-83, 33-06-63.

Босишга 15.08.94 йлда руҳсат берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Шартли босма табоқ 4,2.

Нашриёт ҳисоб босма табоғи 4,0. 40.000 нусхада чоп этилди. Буюртма 2918.

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Оригинал-макет "Ёшлик" компьютер марказида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "Ёшлик" № 4, (141) июль-август, 1994й.



# ҚАДИМ ВА НАВҚИРОН «БЕШ-ЁҒОЧ» БОЗОРИ



Юрт кўрган, эл кўрган сайёҳ кайга бормасин, аввало бозорни кўради. Таомил шу. Бозорга қараб шу юрт, шу тупроқ эгаларининг яшаш тарзлари, шароитларига баҳо берилади. Шу маънода ўз тупроғимизга чин маънода эгаллик қилишга ўтганимиздан буён бозорларимиз ўзгача бир чирой очиб бормокда: «Эски жўва», «Олой»,

«Чияли», «Фарҳод», «Кўйлик»... Бу бежиз эмас, албатта. Ахир биз ўтаётган бозор муносабатларини бозорсиз тасаввур қилиб бўладими?!

«Беш-ёғоч» бозоридаги шу кундаги олиб борилаётган қурилишларни ҳам эзгу ниятнинг рўёбга чиқиши деб тушуниш мумкин.



«Беш-ёғоч» бозори мутасаддиси Ботир Валиев қурувчилар билан маслаҳатлашмоқда.